Э.Халилов эътироф этишича, «биринчидан, қонун ҳужжатлари самардорлигига таъсир кўрсатадиган омиллар ва шарт-шароитларни аниқлаш, иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқий норма ишлаб туриши ва муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишига интилиш, учинчидан, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни тезкор бартараф этиш, тўртинчидан, мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти оширилиши учун жавобгарлигининг юқори даражада бўлишини таъминлаш» [4, 232-бет] мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз парламенти томонидан амалга оширилаётган парламент назоратининг асосий йўналишлари, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси қарорлари ижроси устидан назоратни; иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг муҳим сиёсий масалалар бўйича фармонларини тасдиқлаш орқали назоратни амалга оширишни; учинчидан, давлат бюджетини тасдиқлаш ва унинг ижросини назорат қилишни; тўртинчидан, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши соҳасидаги назоратни; бешинчидан, давлат органларини шакллантириш ва мансабдор шахсларни сайлаш, тайинлаш ёки тасдиқлаш йўли билан назорат шаклини амалга оширишни; олтинчидан, парламент олдида ҳисобдор органлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглаш ва улар фаолияти юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш орқали назоратни амалга оширишни қамраб олади.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» номли маърузасида таъкидланганидек, «қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатиш...» парламент олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Парламент назорати бўйича миллий ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб унинг самардорлигини ошириш юзасидан қуйидаги хулоса ва тавсияларни бериш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, парламент назоратини мувофиқлаштирувчи, бошқа субъектлар билан муносабатларини тартибга солувчи ягона норматив ҳуқуқий ҳужжат йўқ. Амалдаги қонунчиликда парламент назоратининг умумий шакллари, субъектлари кўрсатилган бўлса-да, уларнинг функциялари, амалга

ошириш тартиблари аниқлаштирилмаган. Шу боис, парламент назорати тушунчасини, фаолиятини тўлалигича қамраб оладиган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонунни ишлаб чиқиш керак. Қонун лойиҳасида парламент назоратининг асосий мақсади, принциплари, объект ва субъектлари, тадбирларни ташкиллаштириш услуби ва шакллари, парламент назоратини амалга оширишга тўсқинлик қилган шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалалар батафсил акс эттирилиши лозим.

Иккинчидан, парламент назорати таҳлили шуни кўрсатадики, унинг таркибига кирувчи қонун ижросини дастлабки, жорий ва кейинги кўринишларида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Қонунчиликни назорат ва мониторинг қилишда мақсадли, режали ёндашув талаб этилади. Жамият ривожининг нисбатан долзарб соҳаларини қамраб олувчи қонунлар таҳлилига биринчи даражада эътибор қаратиш лозим. Энг муҳим масалаларни палатанинг кенгайтирилган йўналишларида муҳокама этиш зарур.

Учинчидан, парламент палаталарининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам, қўмитанинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда иш олиб бориши ҳам долзарб аҳамиятга эга. Шунинг учун парламент палаталари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг молиявий назорат борасидаги ҳамкорлиги механизминини ишлаб чиқиши зарур.

Тўртинчидан, парламент сўрови самарадорлиги қонунчиликда уни амалга ошириш ва чора-тадбирларни вақтида бажариш механизминини янада аниқлаштиришни талаб этади. Парламент сўровига расмийлик билан ёндашувнинг олдини олиш мақсадида чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ [5].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Сенатининг регламентлари ҳам янада такомиллаштирилиши тақозо этилади, хусусан, бу борада парламент назоратини амалга ошириш механизмларини – парламент эшитувларини ўтказиш таомили; бюджетни кўриб чиқиш тартиби; Бош вазирнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан ҳар йили тақдим этиладиган маърузаларини кўриб чиқиш тартиби; Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тақдим этиш тартиби ҳамда бошқа масалаларни аниқ белгилаб қўйиш устувор саналади.

Парламент назорати соҳаси ва мазмунининг янада кенгайтиши Вазирлар Маҳкамаси ҳамда давлат бошқаруви органлари фаолиятини тартибга соладиган қонунчиликка ҳам давлат бошқаруви амалиётига парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари билан ҳамкорлик қилишнинг сифат жиҳатдан янги шакл ва усулларини жорий этишни кўзда тутадиган тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилади [6].

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси назорат функцияларини амалга оширишнинг самарасини палата қўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг салоҳиятини ошириш ҳисобидан янада такомиллаштириш талаб этилади. Шундай экан, биринчидан, қонунчиликдаги аниқ масалаларни такомиллаштириш юзасидан депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги муносабатларни янада жонлантириш лозим. Иккинчидан, мансабдор шахслар томонидан қонунлар ижросининг таъминлашини назорат қилишда парламент сўровидан, парла-

мент эшитувидан янада кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Учинчидан, назорат-таҳлил фаолиятига мутахассислар, олимлар ва экспертларни мунтазам жалб этиш яхши самара беради [5].

Хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан келиб чиқиб, парламент назоратининг «ҳукумат соатлари» ва «парламент тинглови» шакллари амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга парламент палаталарининг қўмиталари томонидан ўз соҳа ва йўналишлари бўйича тегишли вазирлик, идора ҳамда қўмиталарнинг йиллик ҳисоботларини ахборот тартибида мунтазам эшитиб бориш ва муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш ҳам ижобий натижа беради. Ушбу шаклда назорат олиб боришнинг амалий аҳамияти шундаки, парламент палаталарининг қўмиталари тегишли ижро этувчи ҳокимият органи билан мунтазам алоқа боғлайди. Соҳадаги камчилик ва ютуқларни доимий кузатиб бориш ҳамда нуқсонларни бартараф этиш бўйича тезкор таклифларини билдириш имкониятига эга бўлади.

Парламент назоратини амалга оширишнинг мақсади, вазифалари, принциплари, замонавий шакл ва усулларини аниқ белгилаш, шунингдек, унинг субъекти ва объектларини аниқлаштиришга қаратилган «Парламент назорати тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги барча масалаларга ечим бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Бу ўз навбатида парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий ва самарали механизмларини жорий этиш имконини кенгайтиради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадиган бўлсак, мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг назорат фаолияти самарадорлигини ошириш вазифаси парламент назоратининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди. Бу борада қонунда кўзда тутилган имкониятлардан кенг фойдаланиш ва депутатлар ҳамда сенаторларнинг фаоллигини янада оширишни тақозо этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Муҳаммадиева О. «Парламент назорат фаолиятини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари», www.fikr.uz расмий веб-сайти, 2013 йил, 31 октябрь.
3. Абдуллаев Ж. «Парламент назорати институти ривожланмоқда», www.uza.uz расмий веб-сайти, 2011 йил, 12 июль.
4. Халилов Э. «Ўзбекистон Республикасининг Қонун чиқарувчи олий органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар». – Т.: Ўзбекистон, 2001, 232-б.
5. Турсунов А., Раҳимов А. «Парламент назорати: унинг ислохотлар янги босқичидаги ўрни» // Ҳуқуқ ва бурч. 2011. – №4.
6. Набераев Б. «Парламент назорати – давлат ҳокимиятини демократлаштиришнинг энг муҳим шарт», www.xs.uz расмий веб-сайти, 2014 йил, 2 апрель.

Ш. Адилходжаев,
самостоятельный соискатель ТГЮУ

ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО ФИНАНСОВОГО КОНТРОЛЯ СЧЕТНОЙ ПАЛАТОЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: статья посвящена актуальной проблеме финансового права - разработка законодательных основ реализации государственного финансового контроля со стороны Счетной палаты Республики Узбекистан. Автор считает принятие Закона о Счетной палате Республики Узбекистан будет прогрессивным шагом в развитии финансового права страны.

Ключевые слова: Счетная палата Республики Узбекистан, государственный финансовый контроль, внешний аудит, Бюджетный кодекс.

Аннотация: мақола молия ҳуқуқининг долзарб масаласи – Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан давлат молия назоратни амалга оширишнинг қонунчилик асослари ривожланишига бағишланган. Муаллиф бир қатор норматив актлар ва хорижий тажриба таҳлили асосида “Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинишини тақлиф этмоқда.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, давлат молия назорати, Бюджет кодекси, ташқи аудит.

Annotation: the article is devoted to the topical problem of financial law – development of Legislative bases of realization of state financial control by Courting Chamber of Republic Uzbekistan. The author considers acceptance of the Law about Courting Chamber of Republic Uzbekistan will be progressive step in development financial law of the country.

Key words: Courting Chamber of Republic Uzbekistan, state financial control, Budget code, the external audi.

Современный институт счетных палат ведет свою летопись с 16 сентября 1807 г., когда во Франции был подписан закон о создании Счетного суда (La Cour des Comptes), именно так более точно переводится название этого института нового государственного финансового контроля, созданного Наполеоном. Счетная палата была тогда централизованным учреждением, целью создания которого было информирование императора о состоянии государственной финансовой отчетности [1, 110-115-стр.].

Счетные палаты создаются в качестве специальных государственных институтов в целях эффективно обеспечения контроля над финансовой деятельностью всего государственного аппарата. Именно на эти органы возлагаются ответственность за аудит государственных доходов и расходов, обеспечение финансовой безупречности и подотчетности государственной системы, а также другие функции, связанные с проведением внешнего государственного финансового контроля деятельности органов исполнительной власти [2, 60-стр.].

В литературе существует неоднозначная трактовка статуса счетной палаты в системе государственных органов, а точнее, – к какой из ветвей власти она относится, либо существует как обособленная структура.

Наиболее распространенным является рассмотрение счетных палат в качестве органов, обеспечивающих реализацию контрольной функции законодательной власти, потому входящих в ее структуру. Так, Н.И.Химичева пишет о Счетной палате: «В целях повышения эффективности контроля за исполнением бюджета органы представительной власти могут образовывать в своей структуре специальные органы, осуществляющие эту контрольную функцию» [3, 87-стр.]. В.М. Родионова, определяя содержание контрольной функции парламента, указывает, что «поскольку лишь немногие парламентские комиссии могут выполнять эти функции, представительные органы многих стран определенную часть перечисленных функций осуществляют не прямо, а опосредованно, через специализированные учреждения – органы высшего государственного финансового контроля» [4, 60-стр.].

Авторы противоположной позиции отрицают функциональную зависимость в деятельности счетных палат и не относят их к какой-либо из ветвей государственной власти. Контрольно-счетные органы рассматриваются сами по себе в качестве одного из звеньев системы сдержек и противовесов, которая всегда на практике дополняет разделение властей [5, 240-стр.]. Они представляют собой независимую «инстанцию» между законодательной и исполнительной ветвями власти в области экономики, способствуя их согласованной деятельности в сфере бюджета и объективному анализу ее эффективности [6, 615-стр.]. С.О. Шохин, отмечает, если считать, что Счетная палата, учитывая солидный объем ее полномочий, действует исключительно по линии законодательной власти, то это можно назвать «новым словом» в трактовке принципа разделения властей со статусом счетных палат как органов системы законодательной власти [7, 99-100-стр.].

Такое понимание правового статуса счетных палат сводит их контроль к парламентскому контролю законодательного (представительного) органа власти либо к контролю, который, несмотря на организационную и функциональную независимость органа, в полной мере от парламентского контроля произволен и им направляется [8]. Однако исследователи едины во мнении, что объект контроля счетных палат составляют бюджетные средства, все вопросы их планирования, аккумулирования и расходования [9, 35-стр.].

Счетная палата в Узбекистане в своей деятельности подотчетна Президенту Республики Узбекистан, палатам Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Счетная палата Республики Узбекистан была создана, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 21 июня 2002 года. Указом Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании организации деятельности Счетной палаты Республики Узбекистан» от 04.04.2005 г. №У-3592 определены основные задачи Счетной палаты Республики Узбекистан [10].

В соответствии со ст. 78 Конституции Республики Узбекистан, Счетная палата представляет ежегодный отчет Законодательной палате Сенату Олий Мажлиса Республики Узбекистан. Отчет, как правило, состоит из нескольких разделов и включает в себя: организационно-методическую деятельность; экспертно-аналитическую деятельность; контрольно-ревизионную деятельность. Согласно Положению о Счетной палате Республики Узбекистан, Счетная палата является самостоятельным высшим органом финансового контроля, независимым и объективным в

своих оценках, осуществляющим мониторинг и государственный надзор за целевым и эффективным исполнением Государственного бюджета Республики Узбекистан.

С целью усиления действенности Счетной палаты, эффективности ее решений, деятельность Счетной палаты Республики Узбекистан постоянно совершенствуется и приводится в соответствие с требованиями времени. Так, 7 сентября 2006 г. было принято Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности Счетной палаты Республики Узбекистан», в котором предусматривается усиление контроля Счетной палаты над вносимыми в Кабинет Министров Республики Узбекистан и Олий Мажлис Республики Узбекистан основных направлений налоговой и бюджетной политики страны и проекта Государственного бюджета Республики Узбекистан на очередной год.

Декларация руководящих принципов контроля, принятая Международной организацией высших контрольных органов, провозглашает независимость в качестве основного принципа деятельности высших контрольных органов. Независимость высшего контрольного органа должна быть гарантирована конституцией, законом и позволять ему работать с высокой степенью инициативы и автономии. Положения о взаимоотношении высшего контрольного органа с парламентом должны быть определены конституцией [11, 42-стр.]. Председатель Счетной палаты Франции Филипп Сеган считал, что статус Счетной палаты как независимого органа, закрепленный в Конституции, является важнейшим принципом и залогом непредвзятого контроля [12, 11-стр.].

Независимость органов государственной власти с особым статусом проявляется в их институциональной обособленности в системе организации государственной власти, отсутствии субординационных отношений с иными органами государственной власти, недопустимости вмешательства в осуществление их полномочий, эффективном и всестороннем финансовом контроле государственных средств, не подверженных давлению со стороны отдельных ветвей власти. Следовательно, мы считаем, что Счетная палата Республики Узбекистан имеет статус независимого специализированного органа, который осуществляет контроль над государственным финансами.

С вступлением в силу с 1 января 2014 года Бюджетного кодекса Республики Узбекистан была усовершенствована систематизация норм и правил проведения проверок бюджетных организаций, в том числе были четко регламентированы полномочия Счетной палаты.

В соответствии с Бюджетным кодексом, в круг полномочий Счетной палаты Республики Узбекистан в области бюджетных правоотношений входит представление в Кабинет Министров Республики Узбекистан заключения по проекту Государственного бюджета Республики Узбекистан; осуществление внешнего аудита и оценки ежегодного отчета об исполнении Государственного бюджета Республики Узбекистан и бюджетов государственных целевых фондов и представление в Кабинет Министров Республики Узбекистан заключения по ним; проведение мониторинга за исполнением доходной части Государственного бюджета Республики Узбекистан и бюджетов государственных целевых фондов; осуществление контроля

за использованием средств бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан.

Счетная палата Республики Узбекистан наделена широкими полномочиями в сфере бюджетного контроля. Ее деятельность направлена на проведение контрольно-аналитических мер в отношении намечаемых, осуществляемых и уже произведенных государственных расходов. К ее задачам относятся: организация и осуществление контроля за своевременным исполнением доходных и расходных статей государственного бюджета; оценка обоснованности доходных и расходных статей проектов государственного бюджета; финансовая экспертиза законопроектов, а также иных нормативно-правовых актов органов государственной власти, предусматривающих расходы, покрываемые за счет государственного бюджета; анализ выявленных отклонений от установленных показателей Государственного бюджета и подготовка предложений направленных на их устранение, а также на совершенствование бюджетного процесса в целом; регулярное представление Сенату и Законодательной палате Олий Мажлиса Республики Узбекистан информации об исполнении Государственного бюджета и результатах проводимых контрольных мероприятий. Бюджетные полномочия Счетной палаты закреплены в статье 26 Бюджетного кодекса [13].

Полномочия Счетной палаты в сфере государственного финансового контроля получили закрепление в статье 174 Бюджетного кодекса. Среди них следует отметить наиболее существенные: проведение проверок формирования доходов и расходования средств местных бюджетов со стороны местных органов власти; контроль за исполнением расходной части Государственного бюджета в целом, по статьям, в отраслевом и в территориальном разрезах; проведение проверок эффективного и целевого (по назначению) расходования государственных средств в разрезе отраслей и предприятий с реализацией мер по предотвращению нарушений и злоупотреблений в их использовании; контроль за расходованием средств органами государственного управления, финансируемыми из государственного бюджета; анализ и изучение отклонений в бюджетном процессе, подготовка предложений по их устранению и совершенствованию бюджетного законодательства; организацию проверок и контроль за формированием доходов, рационального и эффективного использования средств государственных целевых фондов и внебюджетных фондов бюджетных организаций, а также координацию деятельности министерств и ведомств, предприятий и организаций по вопросам, входящим в компетенцию Счетной палаты. Государственный финансовый контроль осуществляется должностными лицами Счетной палаты Республики Узбекистан, а также привлеченными специалистами других контролирующих органов [13].

В рамках задач и функций, определенных действующим законодательством, в Счетной палате складывается единая система контроля Государственного бюджета. Она предполагает контроль и проверку формирования доходов и расходования средств бюджетов бюджетной системы в целом, проверку законности формирования, целевого и эффективного расходования средств Кабинета Министров Республики Узбекистан и Министерства финансов Республики Узбекистан на банковских счетах; проверку формирования, эффективного и целевого использования государственных активов; анализ и контроль деятельности

предприятий доходобразующих отраслей, направленных на выявление резервов дополнительных поступлений в бюджеты бюджетной системы.

Таким образом, Счетная палата уже зарекомендовала себя как центральная институциональная структура, осуществляющая контроль над должным расходованием средств государственного бюджета. Но в будущем ее деятельность безусловно будет совершенствоваться. Опыт многих стран (Австрия, Германия, Испания, Франция) свидетельствует, что деятельность Счетной палаты регламентируется специальным законом. Очевидно, повышению эффективности функционирования Счетной палаты способствовало принятие Закона «О Счетной палате Республики Узбекистан», регламентирующего правовой статус, компетенцию, права и обязанности Счетной палаты.

Список литературы:

1. Barilari A. Les controles financiers comptables, administratifs et juridictionnels des finances publiques. – Paris, LGDJ, 2003.
2. Родионова.В. М. Шлейников. В. И. Финансовый контроль Учебник. – М., 2002.
3. Химичева Н.И. Финансовое право: Учебник. – М., 1995.
4. Родионова.В.М.,Шлейников.В.И Финансовый контроль. – М.,2002.
5. Землин А.И. Бюджетное право. –М.: Юриспруденция, 2001.
6. Романовский М.В.. Бюджетная система Российской Федерации. – М.: Юрайт, 2000.
7. Шохин С.О. Проблемы и перспективы развития финансового контроля в Российской Федерации. – М., 1999.
8. Чернобровкина Е.Б. Разграничение компетенции представительных и исполнительных органов государственной власти в сфере бюджета. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – М., 2002.
9. Баглай М.В. Конституционное право Российской Федерации. – М., 2002. –С. 353–355; Четчин В.Д. О проблемах взаимодействия органов финансового контроля и исполнительной власти// Бюллетень Экспертно-консультативного совета Счетной палаты РФ. – 2001. – №2. – С.35-39.
10. Указ Президента Республики Узбекистан №У-3592 «О совершенствовании организации деятельности счетной палаты Республики Узбекистан» №У-3592 04.04.2005 г. // Электронно-правовая система «Норма».
11. Правовое регулирование государственного финансового контроля в зарубежных странах. Аналитический обзор и сборник нормативных документов. Составители С.О.Шохин, В.И. Шлейников. — М.: Прометей, 1998. – С. 42.
12. Самойлова Л.М. Счетная палата Франции: 200 лет независимости \ \ Финансовое право, 2010, – №3. –С. 10– 13.
13. Бюджетный кодекс Республики Узбекистан//Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 52-1; 2014 г., № 36, ст. 452; 2015 г., № 52, ст. 645.

А.К. Янгибаев,
Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси мустақил изланувчиси

ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ ВА ПАРЛАМЕНТ ТЕКШИРУВИДА СИЁСИЙ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МАСАЛАСИ

Аннотация: мазкур мақолада партия фракцияларининг парламент эшитувидаги иштирокининг тартиби ва шакллари, шунингдек, парламент текширувини амалга ошириш таҳлил қилинади, ушбу соҳада қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан бир қанча таклиф ва тавсиялар асосланган.

Калит сўзлар: конституция, қонун, парламент, парламент назорати, парламент эшитуви, парламент текшируви, бош вазир, ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия фракцияси, ишончсизлик вотуми.

Аннотация: в данной статье анализируются порядок и формы участия партийных фракций в парламентских слушаниях, а также осуществление парламентского расследования, обосновываются некоторые предложения и рекомендации по совершенствованию законодательства в указанной сфере.

Ключевые слова: конституция, закон, парламент, парламентский контроль, парламентские слушания, парламентское расследование, исполнительная власть, фракции политических партий.

Annotation: The article deals with the order and forms of participation of party fractions in the parliamentary hearings as well as execution of parliamentary investigations and some proposals and recommendations on improvement of legislation in the mentioned sphere are grounded.

Key words: constitution, law, parliament, parliamentary control, parliamentary hearing, parliamentary investigation, prime minister, executive body, fractions of political parties, vote of no confidence.

Ҳозирги вақтда давлат ҳокимияти тизимида амалга оширилган ислохотларни ва парламент ваколатлари кенгайтирилганини ҳисобга олганда, парламентнинг назорат ваколатларини, шу жумладан, ҳукуматнинг парламент олдида жавобгарлиги институтини қонун йўли билан аниқ мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш фурсати келди. Бу борада албатта, парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг самарали ижро этилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш лозимдир. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида қайд этганидек, “Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари - Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа - бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборат”лигини таъкидлаган [1].

Жамоат ишончининг мавжудлиги – оммавий институтлар фаолияти натижадорлигининг энг муҳим кўрсаткичи, давлат ва жамиятни барқарор ривожлантириш, мамлакатни модернизация қилишининг

зарурий шартидир. Мамлакат Конституциясига охириги ўзгаришлар киритилганидан кейин ҳокимият ва бошқарув органларининг транспарентлиги масалалари жамоатчилик ва илмий давралар ўртасидаги мунозараларнинг диққат марказида турибди [2].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида рўйхатдан ўтган сиёсий партия фракциялари парламент назоратининг субъекти сифатида ўз электорати манфаатларини кўзлаб, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш, комиссия таркибида парламент текширувида иштирок этиши ва парламент, депутатлик сўровларини амалга ошириши мумкин. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг 25-моддасида сиёсий партия фракциялари ваколатлари қаторига ҳукумат аъзоларини уларнинг фаолияти масалалари юзасидан эшитиш ва фракциянинг фаолияти учун зарур материаллар ва ҳужжатларни давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан талаб қилиб олиши қонунда мустақамланган. Масалан, Ўзбекистон халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан ўтган 2015 йилнинг 30 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси йиғилишида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси юзасидан парламент эшитуви ўтказилди [3]. Яна бир мисол, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг 2015 йил биринчи чорак фаолияти таҳлил қилинганда депутатлар томонидан 479 та депутатлик сўрови ва қабул қилинган қонунлар, ҳукумат қарорлари ижроси бўйича ҳудудларда амалга оширилган ишлар, ижроия ҳокимияти органларининг Давлат дастурларини бажариш устидан жойларда 47 маротаба депутатлик назорати амалга оширилган. Шунингдек, сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳудудларда 79 нафар мансабдор шахсларнинг ўз фаолияти ҳамда Давлат дастурлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботлари тингланган [4]. Шу каби масалалар, Ўзбекистон либерал демократик партияси ва Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси фракциялари йиғилишларида ҳам кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида Парламент томонидан қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қонунларни қабул қилиш жараёнига тўхталиб, устувор вазифалардан бири сифатида сиёсий партия фракцияларининг ўрни ва аҳамиятини янада оширишга, Олий Мажлис палаталари ва энг аввало, фракцияларнинг давлат бошқаруви органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш, қабул қилинаётган қонунлар, муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий давлат дастурларининг ижросини сўзсиз таъминлаш борасидаги фаолияти сифат жиҳатидан янги асосда қурилишини таъминлашга алоҳида урғу бериб ўтди [5].

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси назорат фаолиятининг муҳим ташкилий-ҳуқуқий шакллари қаторига парламент эшитувлари ҳам қиради. Олий Мажлис палаталари фаолият амалиёти шуни кўрсатадики, бугунги кунда парламент эшитувлари мамлакатимизда парламентаризмнинг муҳим институтига айланмоқда. Депутатлар ва сенаторлар эшитувлари парламентимиз палаталарининг серқирра фаолиятида йилдан-йилга тобора кенг ўрин эгалламоқда. “Парламент эшитуви” атамаси

мамлакатимиз Конституциясида ҳам, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонунда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги қонунда ва уларнинг регламентларида ҳам алоҳида норма сифатида бевосита белгиланмаганига қарамай, Ўзбекистон Республикасининг парламент амалиётида парламент эшитуви институти мавжудлигини шакл-шубҳасиз қайд этиш мумкин. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 11, 25-моддалари, Қонунчилик палатаси Регламентининг 44, 58, 66, 80-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Қонуннинг 8, 9-моддалари ва Сенат Регламентининг 16, 56-моддаларида парламент эшитувлари таомилига тегишли бўлган “эшитиш”, “эшитилган” атамалари учрайди.

Парламент эшитувлари тушунчасининг мазмуни хусусида мутахассислар ўртасида ягона ёндашув, бинобарин, унинг ягона таърифи ҳам мавжуд эмас. Б.Исмаилов фикрига кўра, парламент эшитувлари муайян қонун лойиҳаси ёки парламент ваколатларига қирадиган бошқа масала хусусида парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари фикрини парламент ёки унинг палатаси ялпи мажлисида эшитишдан иборат бўлган парламент фаолияти шаклларида бирийдир.[6] Шунга ўхшаш нуқтаи назарни К.Жўраев ҳам илгари суради [7]. Юридик энциклопедия муаллифлари фикрига кўра, парламент эшитишлари – бу, парламент фаолиятининг парламент аъзолари, давлат ва жамоат арбобларини, экспертларни маълум бир қонун лойиҳалари бўйича эшитиш фаолиятидир. Парламент эшитиши очиқ ёки ёпиқ тарзда бўлиши мумкин [8]. Бошқа бир энциклопедия тузувчилари шунга ўхшаш таърифни баён этар эканлар, уни эшитувлар парламент ёки унинг палаталари (аксарият ҳолларда алоҳида-алоҳида) муҳим ижтимоий муаммони очиқ ва ошқора муҳокама қилишни амалга оширадиган ҳолатларни ўз ичига олиши ҳақидаги сўзлар билан тўлдирдилар [9].

Мамлакатимизнинг парламент амалиётида парламент эшитувларидан фойдаланишнинг турли кўринишлари кузатилади. Хусусан, бунга Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Халқаро меҳнат конференциясининг 101-сессиясида олган меҳнатга доир масалалар бўйича мажбуриятларни бажариш жараёни тўғрисидаги эшитув мисол бўлиши мумкин. 2012 йил 5 июлда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси Халқаро меҳнат конференциясининг 101-сессиясида олган меҳнатга доир масалалар бўйича мажбуриятларни бажариш жараёни тўғрисида эшитув ўтказди. Унда вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ вакиллари, қўмита экспертлар гуруҳининг аъзолари иштирок этдилар. Очиқ мулоқот шаклида ўтган эшитув якунлари бўйича ушбу соҳада ишни яхшилашга қаратилган тавсиялар қабул қилинди [10].

Конституциянинг 78-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилишни амалга оширади. Ҳукумат бошлиғининг Олий Мажлис олдида ҳисоботи ҳокимият бўлиниши

принципининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бу ҳол унга ҳукумат ва парламент ўртасидаги ўзаро муносабатларни ташкил этиш конституциявий талаби сифатида қараш имконини беради. Бу ерда табиий бир савол туғилади: “долзарб масалалар” доираси қандай бўлиши мумкин, ҳукумат ҳисоботи учун асос бўладиган масалаларнинг аниқ чегараси мавжудми? Бизнингча, Олий Мажлис палаталари ҳукумат фаолиятининг ҳар қандай масаласи бўйича ҳисоботини эшитишлари мумкин, бу ерда чеклашлар бўлиши мумкин эмас.

Мамлакатимиз қонунчилигида парламент текширувларини ўтказиш билан боғлиқ муносабатлар алоҳида норма сифатида тартибга солинмаган. Аммо, бу Олий Мажлис палаталарида бундай текширув ўтказилиши мумкин эмас, деган маънони англатмайди. Парламент текширувини ўтказиш учун муайян ҳуқуқий асослар мавжуд. Хусусан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунга [11] мувофиқ, Қонунчилик палатаси аниқ вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин. Парламент текширувлари парламент палаталарининг белгиланган тартибда тузилган комиссиялари ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қонунларнинг талабларини бажариш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларни, уларнинг сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, шунингдек уларни бартараф этиш борасидаги фаолияти устидан назоратни таъминлаш учун амалга оширадиган махсус фаолият сифатида қаралиши лозим. Чет эл парламент амалиётида “парламент тергови” тушунчаси ишлатилади. Масалан, ГФР ва Италия каби давлатларнинг конституцияларида парламент терговини тартибга солувчи нормалар мавжуд бўлиб, парламент томонидан тергов комиссияларини (тергов қўмиталарини) тузиш ҳуқуқига эгаллиги келтирилган ва бу парламент тергови процессуал хусусиятга эга эканлигини кўрсатади, чунки улар қонунда аниқ белгиланган тартибда амалга оширилади, парламент терговини қўзғатиш ва ўтказиш, фактлар, ҳолатлар ва ҳодисаларни аниқлаш, текшириш, таҳлил қилиш таомиллари йиғиндисидан иборат [12]. Юридик энциклопедия муаллифлари, парламент терговини парламентнинг назорат фаолиятини амалга оширишининг бир кўриниши сифатида тавсифлайди. Шунингдек, парламент тергови давлат ижроия ва бошқарув органларининг сиёсий хатолиғига баҳо бериш мақсадида фаолият кўрсатишини ва парламент терговини парламент комиссиялари олиб бориши ҳамда улар белгиланган муҳлатларда фаолият кўрсатишини таърифлайдилар [13].

Бизнинг фикримизча, парламент текшируви Олий Мажлис назорат функциясининг муҳим шаклига айланиши мумкин ва лозим. Давлат ҳокимияти органлари тизимининг мувозанатини таъминлаш мазкур органларнинг ҳар бири ўз вазифаларини самарали бажариши билангина эмас, балки улар бири-бирига нисбатан назорат ваколатларини амалга оширишларининг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Парламент текшируви институтининг энг яхши ютуқларидан Олий Мажлис амалиётида фойдаланиш парламент билан бир қаторда, жамиятни демократик ривожлантиришнинг яна бир воситасига айланиши мумкин. Бунда парламент текшируви парламент назоратининг парламент палаталари, қўмиталари ва албатта, партиявий фракциялари

томонидан давлат аҳамиятига молик масалалар бўйича ахборот йиғиш, уни текшириш ва баҳолаш алоҳида жараёнидан иборат бўлган самарали шаклига айланиши лозимдир.

Демак, парламент текширувлари ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг муҳим воситаси ҳисобланади. Шу сабабли, юқорида билдирилган фикрлар асосида бизнинг назаримизда, “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунда парламент эшитуви ва парламент текшируви тартиб-таомиллари алоҳида норма сифатида белгиланиши лозим. Шунингдек, мазкур қонунда парламент эшитуви ва парламент текшируви субъектларининг вазифалари ва ваколатлари муфассал тартибга солиниши, парламент назоратининг субъектлари ва объектлари, парламент назорати шакллари, Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг айрим долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини эшитиш масалалари, ҳукумат аъзоларининг, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалари юзасидан ахборотларини эшитиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш масаласи, парламент сўрови, Қонунчилик палатаси депутати сўрови, Сенат аъзосининг сўрови, прокуратура органлари устидан парламент назоратини амалга ошириш тартиби ҳамда парламент назорати натижалари бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва уларни ижро этиш тартиблари ҳам белгиланиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Қонунчиликда бошқа бўшлиқлар ҳам, бизнингча, йўқ эмас. Ҳисоботни эшитишнинг ҳуқуқий оқибатлари, масалан, палаталар ҳисоботини маъқулламаган, ҳукумат (ёки Бош вазир) фаолиятини самарали эмас деб эътироф этган ёки унга бошқа салбий баҳо берган ҳолда қандай оқибатлар келиб чиқиши қонун йўли билан белгиланиши лозим. Қонунда парламентнинг Бош вазирга ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Қонуннинг “Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида доимий зиддиятлар юзага келгани” деган таърифи, бизнинг назаримизда, Бош вазир ҳисоботи тасдиқланмаслиги ёки унга салбий баҳо берилиши билан боғлиқ вазиятни ҳам ўз ичига олади. Маълумки, қонунга биноан, ҳисоботни эшитиш парламентнинг иккала палатасида ўтказилиши лозим, ишончсизлик вотумини билдириш учун асос сифатида эса Бош вазир ва парламент палаталаридан бири – қўйи палата ўртасидаги зиддиятлар хизмат қилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, ҳисоботни тақдим этиш таомили қўйи палата тўғрисидаги қонун нормалари ва унинг регламентига тўла мос келиши лозим. Уларга тегишли кўшимчалар киритилса, ҳисобот матни расман палатага унинг Бош вазир ҳисоботини эшитишга бағишланган мажлисидан кечи билан ўн кун олдин юборилиши лозимлиги кўрсатилса, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, эшитиш якунлари палатанинг ҳисоботга берилган баҳони ўз ичига олган қарорини қабул қилиш йўли билан расмийлаштирилиши лозимлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланса, аниқ муддао бўлур эди. Олий Мажлис палаталарининг Бош вазир ҳисоботига доир қарори, бизнинг назаримизда, ҳукумат фаолиятига берилган баҳони албатта ўз ичига олиши лозим, қониқарсиз баҳо эса, Бош вазирга билдирилган ишончсизлик вотуми сингари, унинг истеъфога

чиқарилишига сабаб бўлиши керак. Акс ҳолда Бош вазир ҳисоботи ўз аҳамиятини йўқотади, уни эшитиш эса парламентга ҳисобдорлик эффектига эга бўлмаган оддий процедуравий тадбирга айланади.

Бироқ айрим мамлакатларда, масалан, Буюк Британияда ишончсизлик вотумини билдириш ифодаси ҳисобланмайдиган, лекин ҳисоботга берилган танқидий баҳони ўз ичига оладиган ҳужжат – танбеҳ бериш тўғрисида резолюция қабул қилиш амалиёти мавжуд. Шу туфайли ҳам биз ҳукумат бошлиғи ҳисоботини Олий Мажлисда эшитиш тартиб-таомиллари ва оқибатлари қонун ҳужжатларида муайянлаштирилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Ҳисобот якунлари бўйича Бош вазирнинг эгаллаган лавозимига мос эмаслиги тўғрисидаги масала қўйилиши мумкин. Бундай муайянлаштириш “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонуннинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги қонун (13-модда) [14] билан ҳам мос келади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, парламентга мамлакатимиз тараққиёти ва барқарорлиги йўлида янги қонунларни қабул қилиш ва мазкур қонунларнинг жамият ҳаётида самарали ишлашини таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партия фракциялари фаол иштирок этиш, қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият томонидан жойларда қандай бажарилаётганлиги устидан парламент назоратини амалга ошириб бориш талаб этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари / Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Т.18. – Б. 136
2. Хамедов И. Открытость государственного управления как принцип и механизм // Жамият ва бошқарув, 2013, № 2. – 13–22-б.; Абдуллаев И. Транспарентность государственного управления в демократическом обществе // Жамият ва бошқарув, 2013. – № 2. – Б. 23–30.
3. Тўрахонов Т. Парламент вазирнинг ахборотини тинглади Ўзбекистон овози № 118 (32.021). – 2015 йил 3 октябрь.
4. Содиқов Б. Депутатлар фаолиятидаги ташаббускорлик // Миллий тикланиш газетаси. № 15 (336). – 2015 йил 15 апрель.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015. 24 январь.
6. Исмаилов Б. Парламентские слушания как действенный инструмент парламентского контроля. Газета «Народное слово», № 125 (5262), 28 июня 2011 год 28 июня.
7. Жўраев К. Парламент эшитуви – парламент назоратининг муҳим йўналиши. “Халқ сўзи” газетаси. № 119 (5286), 17 июнь 2011 йил.

8. Юридик энциклопедия. У. Таджиханов умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. – Б. 357

9. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. – Т.: “Адолат”, 2009. – Б. 364

10. Проведено слушание в комитете // Расмий сайт: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси. parliament.gov.uz

11. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрдаги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2002. – 12-сон. – 215-м. – 2003. – 5-сон. – 67-м. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – 15-сон. – 153-м. – 2008. – 52-сон. – 510-м. – 2011. – 16-сон. – 160-м.

12. Сурков К. Предмет парламентских расследований // Юридический мир. – 2005. – №10. – С. 5

13. Юридик энциклопедия. У. Таджиханов умумий таҳририда. – Т.: “Шарқ”, 2001. – 356-б.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги 1996 йил 26 декабрдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1997. – 2-сон. – 36-м. – 1999. – 9-сон. – 229-м. – 2004. – 1-2-сон. – 18-м. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 25-сон. – 287-м. – 51-сон. – 514-м. – 2007. – 15-сон. – 153-м. – 2008. – 52-сон. – 510-513-м. – 2014. – 4-сон. – 45-м.

А.Гафуров,
кандидат юридических наук

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ ПРАВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

Аннотация: мақолада муаллиф томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқи соҳасидаги АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Европа иттифоқи давлатлари қонунчилиги қисий ҳуқуқий таҳлил қилиб, ушбу соҳадаги қонунчиликни ривожланиш тенденцияларига оид илмий қарашлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк ҳуқуқи, интеллектуал фаолият, патент ҳуқуқи, муаллифлик ҳуқуқи, товар белгиси ва саноат намунаси.

Аннотация: в статье автором анализируется законодательство США, Японии, Германии, Франции и других стран Европейского Союза в сфере интеллектуальной собственности, проводится сравнительно-правовой анализ и анализируются научные воззрения по тенденциям развития законодательства в сфере интеллектуальной собственности.

Ключевые слова: право интеллектуальной собственности, интеллектуальная деятельность, патентное право, авторское право, товарные знаки, промышленный образец.

Annotation: in article the author analyzes the legislation of the USA, Japan, Germany, France and other countries of the European Union in the sphere of intellectual property, the comparative and legal analysis is carried out and scientific views on tendencies of development of the legislation in the sphere of intellectual property are analyzed.

Key words: intellectual property right, intellectual activities, patent law, author's right, trademarks, industrial design.

В современных условиях право интеллектуальной собственности становится одним из важных факторов, определяющих положение страны в мире. В то же время решение проблем охраны прав интеллектуальной собственности — крайне сложная задача. Это обусловлено недостаточным развитием правовых норм, различиями в подходах отдельных стран и групп стран, отсутствием трансграничных структур для исполнения законов.

Известно, что должное обеспечение охраны интеллектуальной собственности активизирует инновационные процессы, открывает путь к инвестициям, стимулирует интеллектуальную деятельность в стране. Взаимосвязь с эффективной защитой права интеллектуальной собственности и инвестиционным климатом, инновационными процессами является аксиомой рыночной экономики.

Значимым для многих развивающихся стран становится переход на путь инновационного развития экономики, который обусловлен возможностью успешно применять передовые технологии, существующие в мире, и одновременно развивать своё наукоемкое производство. Безусловно, для этого интеллектуальная собственность должна быть защищена на соответствующем мировом уровне. Эти вопросы ставят перед учеными актуальные задачи развития сравнительно-правовых исследований в сфере

охраны и защиты прав интеллектуальной собственности.

Следует отметить, что в условиях глобализации интерес к изучению иностранного права повсеместно растет. Растет и круг интересов ученых, исследующих зарубежные правовые системы. отметил, Профессор А.Х.Саидов, отметил, что в последние десятилетия юридическая компаративистика в мире существенно обогатилась: быстрыми темпами растет число и ширится тематический диапазон сравнительно-правовых исследований, рождаются новые специализированные институты [1, 33-стр.].

Относительно малоисследованным направлением в системе сравнительного частного права является право интеллектуальной собственности. Несмотря на интенсивное развитие интернационализации интеллектуальной собственности, на разработанность международно-правовых основ, сравнительное право интеллектуальной собственности, однако, не нашло должного внимания ученых. Это направление компаративистики, как нам кажется, еще ждет своего “звездного часа”.

Интернационализация интеллектуальной собственности обусловила возникновение сравнительного права интеллектуальной собственности, прежде всего, как учебной дисциплины. В настоящее время в ряде учебных и научных заведений США (George Washington University Law School, Columbia Law School), Великобритании (London Metropolitan University, University of Southampton), Германии (Института Макса Планка по интеллектуальной собственности, конкуренции и налогового права) ведется подготовка магистров по специальности международное и сравнительное право интеллектуальной собственности. На этих курсах основное внимание уделяется сравнительному изучению положений о патентах, авторских правах, торговых знаках и промышленных образцах, сходствах и различиях в нормах, регулирующих регистрацию прав интеллектуальной собственности в странах ЕС, США и Японии.

Следует отметить, что на XVIII международном конгрессе Международной академии сравнительного права, который состоялся в конце июля 2010 года в Вашингтоне, право интеллектуальной собственности было одной из основных тем обсуждения, что, безусловно, подтверждает повышение интереса компаративистов к проблеме интеллектуальной собственности.

5. Медынский В.Г., Скамай Л.Г. Инновационное предпринимательство. Учебное пособие. –М : ЮНИТИ, 2002. –С.38.
6. Выдержка из инновационного глоссария, разработанного Генеральным Директором ЕС как ресурс для Европейского инновационного сообщества. Опубликовано в специальном выпуске информационного письма «Инновации и трансфер-технологии». Октябрь 2002 год.
7. Морозов Ю.П. Инновационный-менеджмент. –М.: Юнити, 2000. –С. 10.
8. Вольнкина М.В. Гражданско-правовая форма инновационной деятельности: Дисс. ... доктора юридических наук: Рос. акад. гос. службы при Президенте РФ. –Москва, 2007. – 331 с.
9. Вольнкина М.В. Гражданско-правовая форма инновационной деятельности: Дис. ... доктора юридических наук: Рос. акад. гос. службы при Президенте РФ. –Москва, 2007. – 331 с.
10. Гражданский кодекс Республики Узбекистан // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1996 г., –№ 11-12. –Ст. 1.
11. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по стимулированию внедрения инновационных проектов в производство» // Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2009. –№ 21. –Ст. 253.
12. Ахмедов А.Д. Договорно-правовое регулирование инновационной деятельности (опыт Узбекистана) // Право и жизнь. –№ 207 (9) - 208 (10). –Москва. 2015. –С. 165.

Н.Раимова,
самостоятельный соискатель Ташкентского
государственного юридического университета,
кандидат юридических наук

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОЙ ЗАЩИТЫ КОММЕРЧЕСКОЙ ТАЙНЫ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: в статье приведен комплексный анализ сущности и правовой природы режима коммерческой тайны в предпринимательских правоотношениях, даны предложения по совершенствованию действующего законодательства, регулирующего данную сферу.

Ключевые слова: конфиденциальная информация, коммерческая тайна, правовой режим, способы защиты прав.

Аннотация: мақолада тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларида тижорат сирини ҳуқуқий режимининг моҳияти ва унинг ҳуқуқий табиатининг комплекс таҳлили берилган бўлиб, мазкур соҳани тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш учун бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: махфий ахборот, тижорат сирини, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари.

Annotation: in this article are given a complex analyses of essence and legal nature of legal regime of commercial secrets in entrepreneur legal relations and elaborated decisions to improve acting legislation regulating present sphere.

Key words: confidential information, trade secret, method of protection of rights.

Развитие науки и техники предполагает появление новых объектов интеллектуальной собственности, нуждающихся в правовой регламентации в общественных отношениях. К примеру, до недавнего времени информация, коммерческая тайна, «ноу-хау» не рассматривались как объекты гражданского права. С развитием рыночных отношений, началом применения в производстве новых технологий, информация как объект гражданского права стала подвергаться правовой регламентации [1, 34-стр.].

Информация в современном мире является важнейшим элементом общественного развития, так как нынешнее общество поэтапно стало превращаться из информированного в информационное. Велением времени становятся постановка и разрешение огромного количества вопросов, связанных с защитой такого вида информации, как конфиденциальная информация, в частности, коммерческая тайна.

Именно информация, считающаяся тайной, на наш взгляд, способна вызвать интерес у большинства участников предпринимательских правоотношений в силу того, что она представляет неизвестность определенному кругу лиц и как следствие создает достойную конкурентную среду, как среди отечественных предпринимателей, так и зарубежом. Как справедливо отмечает Караходжаева Ш.Р., надлежачий правовой режим регулирования информационной политики обеспечивает достижение ряда ключевых задач: широкое привлечение инвесторов, обеспечение прав и законных интересов акционеров в сфере корпоративного контроля, организация мониторинга состояния

управления в корпорации, принятие наиболее верных стратегических решений [2, 16-стр.].

Каждая компания, независимо от того, расположена ли она с успехом на самой верхушке бизнеса, или же довольно недавно появилась на рынке, имеет свои «ноу-хау» или уникальные секреты производства. В одном случае – это оригинальные разработки по организации структуры деятельности; в другом – эксклюзивные методики производства продукции или оказания услуг; в третьем – специфические маркетинговые мероприятия, направленные на продвижение продукта компании (например, ребрендинг компании Билайн). Все вышеуказанные предпосылки в той или иной мере могут относиться к любой компании, как на отечественном, так и на мировом рынке.

С уверенностью, на наш взгляд, можно утверждать, что конфиденциальность в условиях экономики, ориентированной на рыночные отношения, способна защитить отечественного предпринимателя от различных видов недобросовестной конкуренции (подделка продукции конкурента посредством обратного инжиниринга, подкуп сотрудников, шантаж и т.п.).

К сожалению, на сегодняшний день, в законодательстве Республики Узбекистан нет точного определения коммерческой тайны. Критически осмысливая содержание статьи 98 Гражданского кодекса Республики Узбекистан и нормы Закона Республики Узбекистан «О коммерческой тайне» от 11 сентября 2014 года, следует признать, на наш взгляд, неточности положений норм данных нормативно-правовых актов о том, что коммерческая тайна является информацией, которая «имеет действительную или потенциальную коммерческую ценность в силу ее неизвестности третьим лицам», «к ней нет свободного доступа на законном основании». Информация может иметь коммерческую ценность не только в силу ее неизвестности третьим лицам. Неизвестность информации третьим лицам сама по себе не является достаточным и необходимым условием для признания ее коммерчески ценной информацией предприятия. В первую очередь, ценность информации определяется ее содержанием. На наш взгляд, условие о недоступности информации содержит излишнюю оговорку *на законном основании*.

Таким образом мы предлагаем следующее определение коммерческой тайны:

Коммерческая тайна – это неопубликованная, имеющая для своего обладателя коммерческую ценность научно-техническая, технологическая, производственная, финансово-экономическая или иная информация, к которой у третьих лиц нет свободного доступа и обладатель которой принимает меры к охране ее конфиденциальности.

Что же касается правового режима коммерческой тайны, то отсутствие точного определения данного понятия в нашей стране требует обращения к законодательству зарубежных стран. В законодательстве зарубежных стран дается следующее определение правового режима коммерческой тайны. К примеру, Федеральный Закон РФ «О коммерческой тайне» определяет правовой режим коммерческой тайны как комплекс правовых, организационных, технических и иных принимаемых обладателем информации, составляющей коммерческую тайну, мер по охране ее конфиденциальности. Аналогичное определение содержится в законодательстве о коммерческой тайне Азербайджана, Туркменистана и др.

Проанализировав вышесказанное, мы пришли к выводу, что правовой режим коммерческой тайны – это особый порядок правового регулирования, установленный государством в виде правовых норм и обеспеченный силой государственного принуждения. Соответственно элементами правового режима коммерческой тайны являются:

1. Установление права собственности на коммерческую тайну (владение, пользование, распоряжение);
2. Установление категории информации, относящейся к коммерческой тайне по уровню доступа к ней;
3. Установление порядка правовой защиты коммерчески ценной информации.

Как справедливо гласит утверждение: «если один владеет информацией, то это тайна, если двое – нет». В связи с этим, очень важно, на наш взгляд, установить круг субъектов права на коммерческую тайну, содержание их правомочий и т.д. В соответствии с положениями общей теории права, любое субъективное право представляет собой комбинацию трех правомочий:

- 1) правомочия на собственные действия;
- 2) правомочия требования от обязанного лица исполнения лежащей на нем обязанности;
- 3) правомочия на защиту, выражающегося в возможности обращения к компетентным органам для применения мер государственного принуждения в случае нарушения субъективного права [3, 72-стр.].

Данный вопрос на практике создает большое количество проблем, связанных с основаниями возникновения права на коммерческую тайну, определением правового статуса субъектов коммерческой тайны (владельцев и конфиденентов), определения круга правомочий, которыми они должны быть наделены и др.

Так, согласно Закону Туркменистана «О коммерческой тайне» основаниями возникновения права на информацию, составляющую коммерческую тайну, являются:

- создание информации своими силами и (или) за свой счет;
- договор на создание информации;
- договор, содержащий условия перехода права собственности на информацию к другому лицу (лицам).

Субъектами права на коммерческую тайну или обладателем коммерческой тайны является лицо, которое владеет конфиденциальной информацией, составляющей коммерческую тайну на законном основании [4, 21-стр.].

Правовой статус обладателей коммерческой тайны наиболее подробно регламентирован законодательством Азербайджана, в соответствии с которым обладателями коммерческой тайны являются владелец и конфиденент.

Круг правомочий на собственные действия обладателя коммерческой тайны в литературе и законодательстве зарубежных стран также достаточно разнообразен.

Анализ законодательства зарубежных стран показал, что, в первую очередь, сюда относится возможность принятия мер, направленных на сохранение конфиденциальности информации [5, 626-стр.].

К примеру, согласно Федеральному Закону РФ «О коммерческой тайне» обладатель коммерческой тайны вправе:

- вводить в гражданский оборот информацию, составляющую коммерческую тайну, на основании дого-

воров, предусматривающих включение в них условия об охране конфиденциальности этой информации;

- требовать от юридических и физических лиц, получивших доступ к информации, составляющей коммерческую тайну, соблюдения обязанностей по охране ее конфиденциальности;

- требовать от лиц, получивших доступ к информации, составляющей коммерческую тайну, в результате действий, осуществленных случайно или по ошибке, охраны конфиденциальности этой информации.

Специфика коммерческой тайны в том, что это право одновременно является и обязанностью, поскольку от наличия или отсутствия таких мер зависит и сама возможность защиты информации, составляющей коммерческую тайну [6, 47-стр.].

Таким образом, владелец коммерческой тайны обладает правом владения, пользования и распоряжения коммерчески ценной информацией. Обладатель коммерческой тайны также может передать право на нее на условиях договора коммерческой концессии (франчайзинга). Фактическое использование такого договора в отечественных условиях сделало необходимым и специальное законодательное оформление данных взаимоотношений [7, 67-стр.].

Исходя из вышесказанного, необходимо сделать вывод о том, что, на сегодняшний день, велением времени является совершенствование действующего законодательства Республики Узбекистан в сфере защиты прав на коммерческую тайну.

Список литературы:

1. Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари / Масъул муҳаррир О.Оқюлов. – Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2011. – Б. 34.
2. Караходжаева Ш.Р. Правовое регулирование раскрытия информации в акционерных обществах в Республике Узбекистан: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т.: ТГҶОИ, 2005. – С. 16.
3. Погуляев В.В. Постатейный комментарий к Федеральному Закону «О коммерческой тайне» / Погуляев В.В. – М.: ЗАО Юстцинформ, 2005. – С. 72.
4. Степанов А.Г., Шерстнева О.О. Защита коммерческой тайны. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2006. – С. 21.
5. Сергеев А.П. Право интеллектуальной собственности в Российской Федерации. – М., 1996. – С. 626.
6. Гражданское право в 2 томах. Т. 1. под ред. Е.А. Суханова. – М., 2004. – С. 47.
7. Баратов М.Х. Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаси // ТДҶОИ илмий мақола-лар тўплами. – Т., 2005. – № 2. – Б. 67.

Қ.Мехмонов,

ТДЮУ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

КОМПЬЮТЕР ВИРУСИ: ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ РЕЖИМИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАСИ

Аннотация: мақола компьютер вируси фуқаролик ҳуқуқий режимини белгилаш масаласига бағишланган. Унда компьютер вирусининг фуқаролик ҳуқуқи бошқа объектларидан фарқи хусусиятлари ўрганилади ҳамда қуйидаги: 1) фуқаролик муомаласидан чиқарилган номоддий объект; 2) қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим; 3) ошиқча хавф манбаи; 4) енгиб бўлмас куч; 5) деликт мажбуриятини вужудга келтирувчи асос; 6) компьютер вируси ҳамда компьютер дастурининг ҳуқуқий режими нисбати атрофлича таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: компьютер дастури, компьютер вируси, дастурий маҳсулот, ҳуқуқий режим, номоддий объект, битим, ошиқча хавф манбаи, енгиб бўлмас куч, деликт.

Аннотация: статья посвящена вопросам определения гражданско-правового режима компьютерных вирусов. В статье изучена особенность компьютерного вируса от других объектов гражданского права и подробно анализированы его такие свойства, как: 1) нематериальный объект изъятый из гражданского оборота; 2) сделка, содержание которой не соответствует требованиям законодательства, а также совершенная с целью, заведомо противоречащей основам правопорядка или нравственности; 3) источник повышенной опасности; 4) непреодолимая сила; 5) основа возникновения деликтных обязательств; 6) соотношение правового режима компьютерного вируса и компьютерных программ.

Ключевые слова: компьютерная программа, компьютерный вирус, программный продукт, правовой режим, нематериальный объект, сделка, источник повышенной опасности, непреодолимая сила, деликт.

Annotation: article is devoted to the definition of civil legal regime of computer viruses. The article studied the characteristics of a computer virus from other objects of civil rights and a detailed analysis of the following aspects: 1) an intangible object of civil turnover; 2) the transaction, the content of which does not comply with the legislation, as well as perfect for a purpose known to the opposing principles of public order or morality; 3) the source of increased danger; 4) force majeure; 5) occurrence basis of tort liability; 6) the ratio of the legal regime of computer viruses and computer programs.

Key words: computer programs, computer virus, program product, legal regime, intangible object, deal, source of increased danger, force majeure, delict.

Илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиши кундалик ҳаётимизда турли мақсадларда фойдаланиладиган янгидан-янги фуқаролик ҳуқуқи объектларини муомалага киришига олиб келмоқда. Хусусан, компьютер воситалари, мобил қурилмалар (ноутбук, гаджет, планшет, смартфон ва бошқалар) бугунги кунда инсонлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланишга улгурди.

Мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар (бундан буён матнда дастурий маҳсулот ва компьютер дастури бир хил, айний маънода қўлланилади) ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар, муаллифлар, ҳуқуқ эгалари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муайян қонунчилик базаси ҳам шакллантирилди. Мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги кадрларнинг салоҳияти, потенциаллари ушбу соҳани янада ривожлантириш учун кенг имкониятларни рўёбга чиқармоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “...мустақил ва янгича фикрлайдиган, замон талабига жавоб берадиган авлодни шакллантиришга эришдик, Ватанимизнинг эртанги кунини, тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган фарзандларимиз бугун минбарга чиқмоқда” [1].

Амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида юртимиз фуқароларининг яшаш тарзи ўзгариб, турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Бу эса, ҳар бир фуқарога кундалик ҳаётда фойдаланиладиган маиший жиҳозлар, илм-фан, техника янгиликларидан нафақат баҳраманд бўлиш, балки улардан турли мақсадларда фойдаланиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўзаро ахборот алмашиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, тарқатишга имкон беради. Мазкур жараён ҳар қандай компьютер воситаси, мобил қурилмада сифатли ҳамда муайян мақсадга эришиш имконини берувчи дастурий маҳсулот мавжуд бўлишини тақозо этади.

Таъкидлаш лозимки, ҳар йили минглаб дастурий маҳсулотлар яратилиши ва муомалага киритилмоқда. Бироқ, шундай ҳолатлар ҳам рўй берадики, бунда ижодий жараён бошқаларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларига путур етишига, уларнинг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларини бузилишига олиб келади. Компьютер вирусларининг яратилиши бунга мисол бўлади. Шу боисдан компьютер вируси тушунчаси, унинг фуқаролик-ҳуқуқий режимини белгилаш ва воқелиги борасида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бу ўринда компьютер вируси ўзи нима, унга нисбатан қандай ҳуқуқий режим қўлланилади, деган ўринли савол туғилади. Компьютер вируси бу – зарар етказувчи дастурий таъминот тури бўлиб, ўзидан нусха кўчириши ва бошқа дастурлар кодига, хотиранинг тизимли соҳасига, юқловчи секторларга кириб бора оладиган, шунингдек, ўзининг нусхасини турли алоқа каналлари орқали тарқатиш имкониятига эга. Қоида тариқасида вируснинг мақсади дастурий аппарат мажмуалари фаолиятини бузиш, файлларни ўчириш, маълумотлар жойлашган тузилмаларни яроқсиз ҳолатга келтириш, фойдаланувчи ва унинг шахсий маълумотлари, кодлари ҳақида маълумотларни олиш, фойдаланувчи фаолиятига таъқиқ қўйиш ёки компьютер воситаси мажмуасини яроқсиз ҳолга келтириш ҳисобланади.

Компьютер вирусига доир алоҳида тадқиқот олиб борган муаллиф Mathias Klang компьютер вирусларини муқобил, санъат, маслаҳат берувчи, эркин ифодалаш, ёрдамчи, сунъий ҳаёт тарзида ўрганади [8]. Бу ўринда гарчи муаллиф вирусга нисбатан дастурий маҳсулотнинг муқобили, санъат асари ёки ёрдам берувчи сифатида баён қилади ва ҳақиқатан ҳам унда муайян жиҳатлари мавжуд.

Ҳуқуқий режим тушунчаси жуда кенг маънога эга бўлиб, ушбу ибора аслида «*regimen*» лотинчадан олинган бўлиб, бошқариш маъносига қўлланилган ҳамда у ёки бу мақсадга эришиш учун зарур бўлган қоидалар, чора-тадбирлар тизимини англатади. С.Ханнаши фуқаролик-ҳуқуқий режим борасида алоҳида тадқиқот олиб бориб, фуқаролик-ҳуқуқий режимни диспозитив характерга эга бўлган, ҳуқуқий воситаларнинг ихтисослашган уйғунлигига асосланган (шу жумладан, ҳуқуқий тартибга солишнинг умум рухсат этилган усуллари) мулкӣ ва шахсий номулкий хусусиятга эга ижтимоий муносабатларни алоҳида тартибга солиниши сифатида эътироф этади [2]. Фикримизча, бу ўринда муаллифнинг фикри фан предмети ва методи нуқтаи назаридан умумий ҳолда баён қилинган ҳолос. Бу ўринда фуқаролик ҳуқуқий режим фуқаролик-ҳуқуқий муносабатнинг ҳар бир объектига нисбатан алоҳида ёндашган ҳолда ўрганилиши лозим. Зеро, моддий ва номоддий объектнинг мавжудлиги инкор этилмайди.

Е.А.Сухановнинг таъкидлашича, фуқаролик-ҳуқуқий режим объектларга нисбатан муайян ҳаракат (битим)ни содир этиш имкониятини беради ёки буни инкор этади ва бунинг натижасида маълум ҳуқуқий (фуқаролик-ҳуқуқий) натижа келтириб чиқаради [3]. Фикримизча, муаллиф бу ўринда маълум ҳуқуқий натижа қандай бўлиши, бунинг натижасида зарарли объект яратилган ҳолларда у қандай ҳуқуқий оқибат келтириб чиқаришини алоҳида таҳлил этмайди. Ҳуқуқий режим муайян белгиларга эга бўлиши зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳуқуқий режим қуйидаги белгиларга эга:

- қонун ҳужжатларида белгиланади;
- муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади ва ҳуқуқий воситалар мажмуасида ифодаланади;
- алоҳида ҳуқуқий тартибга солишга қаратилади;
- режимга нисбатан қонунчиликда белгиланган талабни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланади;
- ҳуқуқ субъектлари учун муайян даражада ижобий ёки салбий ҳолатни келтириб чиқаради.

О.Оқюлов ўзининг илмий тадқиқот ишида интеллектуал фаолиятни тартибга солиш ва унинг маҳсуллари ҳуқуқий режимини белгилашда қатор жиддий муаммолар [4] мавжудлигини кўрсатади. Айни вақтда ижодий фаолиятни мутлақ ўзбошимчалик билан, ўзи хоҳлаган тарзда амалга ошириш, ғайриқонуний натижаларга эришишга йўл қўйилмайди. ...Ижод эркинлигини суистеъмор қилиб шарм-ҳаёсиз асарлар яратиш, фикрлаш, сўз ва матбуот эркинлигидан конституциявий тузумга қарши мақсадларда, бошқаларни бадном қилишни кўзлаб, ахборотлар излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқидан бошқалар шахсий ҳаёт сирларини ошкор этиш учун фойдаланишга йўл қўйилмайди[5].

Н.Имомов эса, интеллектуал фаолият натижалари, интеграл микросхемалар топологиялари, сунъий интеллектлар яратаётган ихтиролар, шеърлар ёки бошқа асарлар (таржима, шарҳ ва ҳ.з.)нинг мақоми масаласи ҳам ҳуқуқий жиҳатдан аниқлаши лозим бўлган ҳолатлар ҳисобланади [6], дея таъкидлайди.

Ҳуқуқда *primum non nocere* (русча “прежде всего – не навреди!”), яъни “аввало, зарар етказма” тамойили мавжуд. Ушбу тамойил турли соҳаларда масалан, тиббиётда ҳам қўлланилади. Шу маънода олганда, яратиладиган дастурий маҳсулот ҳам бошқаларнинг

ҳуқуқларини бузмаслиги ва ҳеч кимга зарар етказмаслиги керак.

Бугунги кунда халқаро миқёсда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик компанияларнинг аксарияти компьютер вирусига қарши дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва ушбу бозорда ўзига хос мавқе ва ўринга эга. Хусусан, “Лаборатория Касперского” ЁАЖ, E-set, Nod 32, Dr.web ва ҳ.к. Улар дастурий маҳсулот ишлаб чиқариш ва доимий янгилаб бориш, вирусларга қарши курашиш алгоритмлари ва методларини такомиллаштириб бориш мақсадида компьютер вирусларининг реестрини юритади. Назаримизда бу борада глобал миқёсда компьютер вируси базаси реестри юритилиши, уларнинг зарарли таъсири чекланган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, компьютер вирусининг хусусияти қуйидагиларда намоён бўлади: 1) ижодий фаолият натижаси; 2) номоддий объект; 3) мақсад (одатда, зарар етказиш)га йўналтирилган; 4) яратиш, тарқатиш таъқиқланган ва муайян турдаги ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради; 5) эркин фуқаролик муомаласида бўлиши таъқиқланган; 6) унинг яратувчиси, ижодкорини аниқлаш, идентификациялаш имконияти деярли мавжуд бўлмайди.

Ш.Н.Рўзиназаров хавфсизликнинг фуқаролик-ҳуқуқий воситалари хусусида фикр юритиб, хавфсизлик чораларини қўллаш давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини айтиб ўтади [7]. Бироқ, дастурий таъминот соҳасида хавфсизликни таъминлаш асосан хусусий сектор вакиллари, турли тадбиркорлик субъектлари томонидан хавфсизликни таъминловчи компьютер (антивирус) дастурларини ишлаб чиқариш орқали таъминланаётганлигини эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, компьютер вируси ҳуқуқий режимини белгилаш борасида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1) Фуқаролик муомаласидан чиқарилган номоддий объект. Компьютер вируси ижодий фаолият натижаси, айрим ҳолларда ўзини ўзи кўпайтириш, янгилаш, йўқ қилиб юбориш хусусиятига эга бўлган номоддий объект. Унинг яратилиши ва тарқатилиши ҳамда фуқаролик муомаласига чиқарилиши тақиқланган. Компьютер вируси ижодий жараёнда тасодифан, техник ёки бошқа хатоликлар оқибатида яратилган ҳолларда унинг ижодкори вирус бошқаларга зарар етказмаслиги чорасини кўрмоғи, унинг учун чеклов белгиланиши, қафасда сақлаши ва муомалага чиқиб кетишини олдини олиши зарур.

2) Компьютер дастурининг бир тури бўлган компьютер вируси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ҳисобланади. Компьютер дастури ҳам муайян ҳаракат натижасида яратилади, ҳуқуқ ва бурчларни вужудга келтириши (масалан, компьютер вируси воситасида мулкӣ ҳуқуқларни қўлга киритиш), ўзгартириши (масалан, компьютер вируси ёрдамида мулк ҳуқуқидан ўзгаришлар рўй бериши), бекор қилиши (масалан, шахсий кодлардан фойдаланиб мулк ҳуқуқини бекор бўлишига олиб келиши) мумкин. Бу ўринда битим тузишда мотив асосий аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, битимни қандай мақсадда тузиши (эзгулик, обрў-эътибор қозониш ва ҳ.к.) асосий ўрин эгалламайди. Демак, компьютер вирусини яратишда

“ҳаракат” содир бўлади ва бу жиҳатдан битим каби хусусияти намоён бўлади.

3) Ошиқча хавф манбаи. Бунда унинг асосий хусусияти теварак атроф учун хавф туғдиришида кўринади. Дастлаб компьютер вируси ошиқча хавф манбаи категориясида бўлиб, кейинчалик компьютер тизимига киритилгандан сўнг инсон томонидан назорат қилиб бўлмаслиги мумкин. Бу эса, турли қутилмаган офатлар, техноген хусусиятга эга бўлган авариялар, мулк ҳуқуқи, шахсий номулкий ҳуқуқлар бузилишига, ташкилотларнинг нормал иш фаолиятига тўсиқ бўлиши, ишдан чиқишига, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий шикаст етказиши мумкин. Бу билан компьютер вируси ошиқча хавф манбаидан энгиб бўлмас куч категориясига ўсиб чиқишини кўрсатади.

4) Энгиб бўлмас куч. Одатдаги компьютер дастуридан фарқи равишда, компьютер вируси турли гуна ниятларда, ҳуқуқбузарлик содир этиш воситаси сифатида қўлланилиши ва тегишли юридик жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Антивирус яъни, компьютер вирусини аниқлаш ва зарарсизлантириши мумкин бўлган компьютер дастурининг мавжуд бўлмаслиги энгиб бўлмас кучни вужудга келтириши мумкин. Фақатгина компьютер вирусининг мавжудлиги, компьютер хотирасига тушиши ҳолати бирон-бир шахс учун ҳуқуқий жавобгарликни автоматик тарзда келтириб чиқармайди. Чунки, компьютер вирусининг у ёки бу компьютер хотирасида мавжуд бўлиб қолиши шахснинг эрк-иродасига боғлиқ бўлмаслик ҳолатлари ҳам мавжуд.

5) Компьютер вирусини фуқаролик муомаласига киритиш деликт мажбуриятини вужудга келтирувчи асос сифатида намоён бўлади. Компьютер вируси зарар етказувчи восита, асос сифатида деликт мажбуриятларга нисбатан қўйиладиган барча асос ва шартларга мос келади. Унинг воситасида моддий зарар, ҳаёт ва соғлиққа зарар етиши мумкин. Гарчи, компьютер вируси номоддий кўринишга эга бўлса-да, компьютер вируси ўзига хос компьютер дастури, дастурий маҳсулот бўлиб бошқа ашё (масалан, ошиқча хавф манбаи бўлган кимёвий саноат корхонаси, транспорт воситаси ва ҳ.к.)лар каби хусусиятга эга ҳамда зарар етказиши мумкин бўлган предмет (номоддий ашё) сифатида тўлиқ намоён бўлади.

6) компьютер вирусидан турли ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ахлоқ-одоб қоидаларига зид бўлган, адоватни тарғиб қилувчи, зарарли таъсир кўрсатувчи сайтлар фаолиятига чек қўйиш ва бошқа ижобий мақсадларда фойдаланиш мумкин. Бунда компьютер вируси “вирус” режимида эмас балки, ҳуқуқ йўл қўядиган ҳаракатларни содир этиш имконини берувчи “компьютер дастури” режимида бўлади ва ундан қонуний мақсадлар йўлида фойдаланилади.

7) Компьютер вирусининг ҳуқуқий режими нафақат оммавий ҳуқуқ соҳалари (маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи), балки хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) соҳасида унинг ҳуқуқий режими белгиланмоғи лозим. Зеро, айнан ушбу соҳа унинг фуқаролик муомаласида бўлиш ёки бўлмаслиги масаласини белгилаб беради.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида “Асосий тушунчалар” сифатида компьютер вирусининг таърифи қуйидагича берилиши мақсадга мувофиқ:

“Компьютер вируси – қонун ҳужжатларига мувофиқ

унга нисбатан ҳуқуқларни вужудга келтирмайдиган, эркин фуқаролик муомаласида бўлиши таъқиқланган, объектив шаклда ифодаланган ҳамда муайян натижа олиш мақсадида компьютер (унинг тизимлари, ўзаро алоқадор бўлган компьютерлар) билан бўладиган муносабатда зарарли таъсир кўрсатишга, ғайриқонуний манфаатларга хизмат қилишга мўлжалланган маълумотлар, буйруқлар ва кўрсатмалар мажмуи”. Ушбу модданинг мазмунига қўшимча киритилиши компьютер вируси ҳақидаги тушунчанинг тўлиқ ва тўғри бўлишига ёрдам беради ҳамда компьютер вирусини яратиш ҳуқуққа хилофлиги, муомалада бўлиши таъқиқланганлигини билишга имкон беради.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь.
2. Ханнаши С. К вопросу о сущности гражданско-правового режима. // Государственный советник, Выпуск № 4 (8). 2014. –С 7.
3. Гражданское право. Учебник в 2-х томах. Т.1. // Под ред. Е.А.Суханова. – 295 с.
4. Оқюлов О. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий мақоми: Юрид. фан. док. дис. –Т., 2000. –Б-7.
5. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари. – Т.: ТДҶОИ, 2004. –Б-24.
6. Имомов Н.Ф. Интеллектуал мулк ҳуқуқининг янги объектлари / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2011. –Б-32-34.
7. Рўзиназаров Ш. Ҳуқуқий мониторинг ва хавфсизлик. – Т.: 2006. Б-127.
8. Mathias Klang. A critical look at the Regulation of Computer Viruses. //International journal of law and Information technology, 2003, vol.11. No 2. 162-183 p.

Т.Мадумаров,
ТДЮУ мустақил изланувчиси

МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАДИГАН ФАКТОРИНГ ХИЗМАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада муаллиф томонидан факторинг шартномаси тушунчаси, мазмуни, унинг молиявий хизматлар кўрсатиш шартномаси сифатида тутган ўрни батафсил таҳлил қилини.

Калит сўзлар: факторинг, микрокредит ташкилоти, банк операцияси, пул талабномаси, тижорат кредити.

Аннотация: в статье автором дано определение понятия договора факторинга, сущность, подробный анализ теоретических взглядов и их значение в осуществление договора оказания финансовых услуг.

Ключевые слова: факторинг, микрокредитные организации, банковские операции, платежное поручение, коммерческий кредит.

Annotation: in this article the author defines the concept of the factoring agreement, the essence, a detailed analysis of theoretical views and their importance in the implementation of financial services contract.

Keywords: factoring, micro-credit organizations, bankovkie operation, payment order, the commercial credit.

Замонавий тадбиркорликнинг ривожланиши бозордаги рақобатнинг фаоллашувига олиб келади. Турли молия-кредит муассасалари мавжуд конъюктурга ижобий таъсир кўрсатади ва ўз хизматларининг универсаллашувини таъминлайди.

Жаҳон молиявий инқирози, айланма маблағларнинг тақчиллиги шароитида товар бозорларидаги ва хизматлар бозоридаги рақобатнинг натижаси сифатида маҳсулот етказиб берувчи ва сотувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади [1, 50-бет].

Бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга турли молиявий хизматларнинг мақбул турлари ва шакллари тақлиф қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳисоб-китобларини мақбуллаштириш ҳар доим муҳим аҳамият касб этган. Бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда банк ва молия ташкилотлари ўртасидаги муносабатларини фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари орқали тартибга солиш бугунги бозор қонуниятларига ҳар томонлама мос келади. Шу сабабли ҳам банклар томонидан

молиявий хизматлар кўрсатишнинг янги турларининг жорий этилиши талаб ва тақлиф, рақобатга асосланган иқтисодиёт учун алоҳида ўрин тутди. Банклар томонидан тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган янги хизматлар турларидан бири факторинг – пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялашдир.

Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ-53-сонли “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида” ги Қонуни 13-моддаси биринчи қисми учинчи хатбошисига кўра, микрокредит ташкилотлари қарз мажбуриятларини сотиб олиш ва сотиш (факторинг) хизматларини ҳам кўрсатади [2].

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси Ўзбекистон банк тизимига 1997 йил 1 мартдан қучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қабул қилиниши билан жорий этилди. Шартноманинг бу тури адабиётларда факторинг шартномаси деб ҳам аталади (инглиз тилидан factor-воситачи, агент, даллол), яъни шартнома тузилаётганда унинг номи “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш” ёки “факторинг шартномаси” деб белгиланади [3, 679-бет].

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш (факторинг) умумий ҳуқуқ доирасида Англияда савдо соҳасидаги воситачилик битимлари (воситачилик, топшириқ, агентлик шартномаси) асосида шакллана бошлаган. Кейинчалик фактор ўзгарган ва у товарлар савдосидаги воситачилик функциясини бажарувчидан миқоз томонидан воз кечилган дебиторлик қарздорлик эвазига уни молияловчи молиячига айланган [4, 9-бет].

Дастлаб факторинг операциялари тижорат кредити, яъни сотувчи томонидан сотиб олувчига сотилган товар учун тўлов муддатини узайтириш орқали вужудга келган. Маблағлар алмашинувини тезлаштириш нуктаи назаридан ҳисоб-китобларга бўлган талабнинг ўзгариши маҳсулот етказиб берувчилар учун дебиторлик қарзларини қоплаш муаммосини ечиш йўлларини қидириш заруриятини юзага келтирди [5, 12-бет].

Факторинг шартноманинг тушунчасини таҳлил қилишда “факторинг” атамаси ва “пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш” атамаларининг ўзаро нисбатини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Маълумки, молия органларининг ҳужжатларида, илмий адабиётларда ва тадбиркорлик фаолиятида кўп ҳолларда пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси хорижда амал қилаётган факторинг сифатида қабул қилинади [6]. Бироқ қайд этиш лозимки, миллий қонунчиликда “факторинг” атамаси мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам факторинг тушунчаси ва пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялашнинг айниқлигини таҳлил қилиш зарур. Юридик адабиётларда факторинг ва пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасининг нисбати борасида икки хил нуктаи назар шакланган. Тадқиқотчиларининг бир қисми ушбу тушунчаларни фарқлашни тақлиф қилишса [7, 20-бет], бошқа гуруҳ муаллифлар факторингни пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасининг бир қисми сифатида талқин этишади [8, 63-бет]. Айрим муаллифлар эса амалиётда ҳуқуқий

жиҳатдан тартибга солинган ва ўзининг ҳуқуқий асосларига эга бўлган пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси эмас, балки ҳуқуқий тартибга солинмаган факторинг қўлланилаётганлигини таъкидлашади [9, 28-29-бетлар].

Л.А.Рахматуллаевнинг таъкидлашича, умум эътироф этилган фикрга кўра, пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаш институтлари ва факторинг тушунчалари бир-бирига синоним бўлиб, ягона тушунча сифатида таҳлил этилади. МДҲ давлатларида ушбу атамаларнинг қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, таъкидлаш лозимки, фуқаролик қонунчилиги улардан биринчисини татбиқ этади. Факторинг атамасини цивилистлар халқаро муносабатларга тааллуқли деб билишади [10, 15-бет].

Фикримизча, факторинг шартномаси ФКнинг 42-бобида белгиланган “Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш” билан айний маънога эга ва пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бугунги кунда банк амалиётида қўлланилаётган факторинг муносабатларини ҳам тўлиқ тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига “факторинг” тушунчаси қўлланилмайди. Бироқ Фуқаролик кодексининг 42-бобида (749–758-моддалар) пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қоидалар назарда тутилган ва у факторинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 2000 йил 3 августда 953-тартиб қарами билан рўйхатга олган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тижорат банклари томонидан факторинг амалиётини ўтказиш тўғрисида”ги Низомда факторинг билан боғлиқ муносабатлар, уларни амалга ошириш шартлари ва тартиби, мазкур операцияларни амалга оширишга доир чекловлар белгиланган.

“Факторинг” атамаси асли лотинча *facere* – ҳаракат қилмоқ, амалга оширмоқ сўзидан олинган (ингл. *factoring*) бўлиб халқаро савдо амалиётида ҳам кенг фойдаланилади. Қоида тариқасида бир ташкилот (фактор) бошқа шахс (ишлаб чиқарувчи) экспортини молиялаштириш мақсадида амалга ошириши тушунилади. Унинг шarti бўлиб импортчи қарздор товар етказиб берувчига тўлайдиган сумманинг факторга ўтказилиши (факторга тўланиши ҳақида келишиб олинishi) хизмат қилади [11, 184-бет].

Л.Рахматуллаевнинг фикрича, мазкур вазият факторинг операцияларини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий доираси мавжуд эмаслигидан келиб чиқади ва манипуляция ва суиистеъмолликлар учун кенг майдонни ҳосил қилади. Факторинг механизмларининг салбий оқибатлари вужудга келишининг олдини олиш учун факторинг шартномаси тарафлари ҳимояси кафолатларини белгиловчи, тўловни таъминлаш муддатлари ва реал механизмларини белгиловчи қонунчиликни ишлаб чиқиш лозим [12, 5-бет].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳларида А.Ж.Асқаров ушбу муносабатлар факторинг эканлигини қайд этган ҳолда қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: “Факторинг шартномаси мижоз ва қарздор ўртасида товарни сотиш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш муносабати билан тузилган шартномалардан келиб чиқади” [13, 179-бет].

С.С.Гулямовнинг таъкидлашича, факторингнинг афзалликларидан бири шундаки, товарни истеъмолчига (харидорга) юклат жўнатган маҳсулот етказиб берувчи шахс харидор билан ҳисоб-китоб қилиш муддатини кутиб ўтирмай, жўнатилган маҳсулот ҳақини фактордан олиши мумкин бўлади. Бунда кўп ҳолларда товар етказиб берувчини тўловнинг кечиктирилиши ёки умуман тўланмай қолиши муаммоси ташвишлантирмайди, чунки бу муаммолар факторга ўтади. Булардан ташқари, маҳсулот етказиб берувчи факторингдан фойдалангани ҳолда анча қиммат турувчи харажатлардан, айниқса, экспорт операциялари бўйича ҳисоб-китоб юритиш ташвишидан, маркетинг тадқиқотлари ўтказишдан, янги бозорларни ўзлаштириш билан боғлиқ молиявий ва ташкилий муаммолардан қутулади [11, 185-бет].

Ҳозирги кунда факторинг кўпинча банк ёки бошқа кредит муассасаси (молия агенти) ва товарлар сотаётган ё хизматлар кўрсатаётган корхона (мижоз) ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар сифатида белгиланиб, унга кўра молия агенти факторинг шартномаси бўйича мижоздан дебиторлик қарзини ундириш ҳуқуқига эга бўлади (мижозга нисбатан талабнома ҳуқуқи билан ёки бундай ҳуқуқсиз), шунингдек, башарти шартномада назарда тутилган бўлса, мижознинг савдо операцияларининг бухгалтерия ҳисобини юритиши мумкин [14, 92-бет].

Фикримизда, факторинг шартномаси молиявий хизматлар кўрсатиш шартномаси сифатида банк фаолиятидаги операция сифатида амалга оширилади ҳамда банк ўз мижозининг талаб қилиш ҳуқуқини ҳақ эвазига қўлга киритиш йўли билан фойда кўради. Шу муносабат билан факторинг шартномасига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Факторинг шартномаси – банк томонидан мижознинг қарздорига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқини ҳақ эвазига олиш мажбуриятини назарда тутувчи битимдир. Ушбу таъриф қисқа, аниқ ва лўнда ҳамда бир қадар тушунарлилиги билан муайян амалий аҳамият касб этади. Чунки, факторинг бош мақсад “пул талабномаси” – деб номланадиган ҳуқуқни ҳақ эвазига, яъни ушбу ҳуқуқ эгасини ўз ҳисобидан молиялаш орқали қўлга киритиш ҳисобланади.

Бугунги кунда хўжалик алоқаларининг ривожланиши ва рақобатнинг кучайиши билан факторинг иқтисодий муносабатларини расмийлаштирувчи пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномасининг роли ортиб бормоқда. Факторинг пул маблағлари айланмаси ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, маҳсулот истеъмолчининг давомийлигини таъминлашга кўмаклашади. Шу боис ҳам факторингни “сўнги умиддаги молиялаш” деб аташади, чунки шартномавий амалиёт кўрсатишича, молиялашнинг ушбу воситасига айланма маблағларни тўлдиришнинг бошқа муқобил жиҳатлари қолмаганда ёки бошқа сабаблар, масалан банклар томонидан кредит бериш рад этилганда мурожаат қилинади. Факторинг шартномаси муносабатларининг ривожланиши бозорга тижорат кредити томонидан қўйилаётган талабларининг ўзгаришига кўмаклашади.

Факторинг шартномаси ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири факторинг операцияларининг моҳиятини, уларнинг самарадорлиги ва фойдалилигини етарли даражада тушунмаслиқдир. Кўп ҳолларда факторингни кредит билан чалкаштириш ҳоллари учрайди. Бу шу билан

белгиланадики, бугунги кунда бозорда регресс ҳуқуқли факторинг кенг ривожланган бўлиб, бунда мижоздан то унинг қарздори пул талабномасидаги ўз мажбуриятини бажармагунча банклар томонидан факторинг учун ажратилган тўловнинг қайтарилмаслик хавфи бекор қилинмаслиги қўлланилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.50

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 372-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда, 18-сон, 233-модда

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига шарҳ: Професионал шарҳлар. Т 2. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Baktria press, 2013. – Б.679

4. Гасников К.Д. Сравнительная характеристика договора финансирования под уступку денежного требования (факторинга) по праву России и Англии: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С.9.

5. Рахматуллаева Л.А. Перспективы правового регулирования международного факторинга в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2009. – С.12.

6. Шевченко Е.Е. Договор финансирования под уступку денежного требования в системе гражданского права Российской Федерации [Электронный ресурс]. Доступ из справ.-правовой системы «Консультант Плюс».

7. Кислова И. А. Уступка права требования и финансирование под уступку денежного требования: проблемы, сходства и отличия: дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2005. – С.20.

8. Приходько А.А. Договор международного факторинга в международном частном праве: дисс. ... канд. юрид. наук. - М., 2005. – С.63.

9. Алексеева Д. Г. Проблемы правовой регламентации факторинга в России // Банковское право. 2010. - № 1. – С. 28-29.

10. Рахматуллаева Л.А. Перспективы правового регулирования международного факторинга в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2009. –с.15.

11. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Шарқ, 2002. -Б.184.

12. Рахматуллаев Л.А. Ўзбекистон Республикасида халқаро факторингни ҳуқуқий тартибга солиш истиқболлари. ю.ф.н. ... дис. автореф. –Т.: ТДЮИ, 2009, –Б.5.

13. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. -Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 1998. –Б.179.

14. Абзалов А.А. Мажбуриятда шахслар ўзгаришининг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. дис... – Т.: 2011. –Б.92.

Б.Худайбергенов,
ТДЮУ катта илмий ходим изланувчиси

БАНКРОТЛИК ЖАРАЁНИДА ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан банкротлик таомилларини қўллаган ҳолда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ва кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш масалалари ўрганилган ва таҳлил этилган.

Калит сўзлар: банкротлик, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, келишув битими, тугатишга оид иш юритиш, мораторий.

Аннотация: в этой статье изучены и анализированы вопросы защиты прав предпринимателей, восстановления платежеспособности должника и удовлетворения требований кредиторов с применением процедур банкротства в соответствии с законодательством о банкротстве Республики Узбекистан.

Ключевые слова: банкротство, наблюдение, судебная санация, внешнее управление, мировое соглашение, ликвидационное производство, мораторий.

Annotation: in this article studied and analyzed issues of protection of the entrepreneurs' rights, restoring solvency of the debtor and satisfaction of creditors' claims with the use of bankruptcy procedures in accordance with the bankruptcy law of the Republic of Uzbekistan.

Key words: bankruptcy, observation, judicial rehabilitation, external management, mutual agreement, liquidation process, moratorium.

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилди. Ҳозирда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан бирга улар фаолиятини тугатиш билан боғлиқ ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, банкротлик жараёнида тўлов қобилиятини йўқотган корхоналарни тиклаш мақсадида суд томонидан суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Хусусий мулкдорлар ва тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти кафолатларини кучайтириш масаласини ҳал этишда суд органлари ролини оширишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Судлар тегишли даъво аризаси кўриб чиқилаётган пайтда тадбиркорлик субъекти назорат органининг қароридан норози бўлса, унинг ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга бўлди [1].

Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига кўра, (кейинги ўринларда Банкротлик тўғрисидаги қонун) банкротлик тўғрисидаги иш юридик шахснинг қарзи энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 500 карраси, яқка тартибдаги тадбиркорнинг қарзи эса энг кам иш ҳақи миқдорининг камида 30 каррасини ташкил этса ва ушбу қарз 3 ой давомида тўланмаса, хўжалик суди томонидан кўзғатилади.

Иш қўзғатилгандан кейин, унда хўжалик суди судьяси, прокурор, кредиторлар (мажбурий тўловлар бўйича солиқ органи, пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар вакиллари), суд бошқарувчилари, қарздор (юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркор) ва уларга нисбатан манфаатдор шахслар иштирок этиши мумкин. Пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар ва қарздор ушбу ҳолатда тадбиркорлар ҳисобланади.

Банкротлик ишининг қўзғатилиши қарздорнинг тадбиркорлик фаолияти тугаши учун асос бўлмайди. Агар қарздорнинг кредиторлик қарзи миқдори ошиб кетган, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш тўхтаган бўлса, умуман, қарздорнинг молиявий аҳволини тиклашнинг имкони бўлмаса, тугатишга доир иш юритиш бошланиб, қарздорнинг мол-мулки кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўналтирилади. Бирок, ҳар доим ҳам бу ҳолатни учратмаймиз. Қарздор ўз фаолиятини олдингидай амалга ошириши, маҳсулот ишлаб чиқариши, меҳнат жамоаси ҳам ишлашда давом этиши мумкин. Аксарият ҳолатларда, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг реал имкониятлари мавжуд бўлади. Ана шу имкониятлардан фойдаланмаслик, қарздор ҳуқуқлари бузилишига, ўз фаолиятини давом эттириши мумкин бўлган корхонанинг мол-мулки кредиторлар томонидан тақсимланишига олиб келади. Аслида, қарздорнинг молиявий ҳолати тикланишидан барча манфаатдордир. Қарздор ўз фаолиятини тикласа: мажбурий тўловлар бўйича пул маблағлари давлат бюджетига бориб тушиши давом этади; барча кредиторлар ўз талабларини қаноатлантириш имкониятига эга бўлади (“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 134-моддасида кредиторлар талабларини қаноатлантириш навбати берилган бўлиб, қарздорнинг мол-мулки етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган деб ҳисобланиши таъкидланган. Бу эса айрим кредиторларнинг талаблари қондирилмаслигини кўрсатади); ишсизлик келиб чиқиши олди олинади; агар қарздор макроиқтисодий кўрсаткичларга эга бўлган ташкилот ҳисобланса, унинг иқтисодий ҳолати ўнгланиши давлат ва жамият ривожини учун ўз таъсирини кўрсатади.

Қарздорга нисбатан кузатув таомили жорий қилиш қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Кузатув таомили қўлланилганда, қарздорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унга суд санацияси ёки ташқи бошқарувни жорий этиш учун муваққат бошқарувчидан жуда катта масъулият талаб этилади. Қарздорнинг кейинги тақдирини муваққат бошқарувчининг ишга бўлган муносабати белгилаб беради.

Суд бошқарувчиси ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасида фаолият юритиши лозим бўлади. У томонидан зиммасига қонун билан юкланган вазифаларнинг қарздорга ёки кредиторга зарар етказилишига олиб келган тарзда бажарганда ёки лозим даражада бажармаганда вазифасидан озод этишга асос бўлади. Бунда қарздор, кредиторлар етказилган зарарнинг ўрнини қопланишини талаб қилишга ҳақлидирлар [2, 114-бет].

Кузатув даврида қарздор мол-мулки бут сақланишини таъминлаш мақсадида қарздорнинг бошқарув органлари кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш билан боғлиқ битимларни, қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоизидан кўпрогини

ташқил этадиган мол-мулкни тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни, заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузилади.

Хўжалик суди кузатувдан кейин кредиторларнинг биринчи йиғилиши қарори асосида тугатишга доир иш юритиш ёки суд санациясини ёхуд ташқи бошқарувни жорий этиш ёки келишув битимини тасдиқлаши мумкин.

Суд санацияси ўтказилаётганда кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади, суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка (жарима, пеня) ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди. Суд санациясида ҳам кузатув давридаги битимлар, шунингдек, муайян битимларни тузишдан санация қилувчи бошқарувчи ёки кредиторлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда манфаатдор бўладиган бўлса, тузиш таъқиқланади.

Ташқи бошқарувда қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида бошқариш ваколати ташқи бошқарувчига берилади. Standstill agreements - мораторий тўғрисидаги битим бўлиб, у қайсидир ҳаракатни тўхтатишга қаратилган [3, 25-бет]. Standstill agreement қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида кредиторларнинг талабларини қондириш вақтинчалик тўхтатиб қўяди. Айрим олимлар standstill agreementни қарздор тўлов қобилиятини тиклаш жараёнида энг дастлабки битим деб ҳисоблашади. Қарздор тўлов қобилиятини тиклашда уч хилдаги битим тузилиши мумкин:

- қарздор корхонани тиклашга асос бўлувчи тайёргарлик битими (standstill agreement);
- қарздор ва кредиторлар ўртасида умумий принципларни белгиловчи кредиторлараро битим (intercreditors agreement);
- қарздор ва кредиторлар ўртасида тузиладиган қарздорни тиклашнинг аниқ чораларини белгиловчи битим [4, 62-70-бет].

Банкротлик тўғрисидаги қонунга асосан ташқи бошқарувчи қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунга қадар тузилган шартномаларини уч ойлик муддат ичида бажаришдан бош тортишга ҳақли. Қарздорнинг шартномаларини бажаришдан бош тортиш фақат барча тарафлар томонидан тўлиқ ёки қисман бажарилмаган шартномаларга нисбатан, қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда билдирилиши мумкин: қарздорнинг шартномасини бажариш муқояса қилса бўладиган ҳолатларда тузиладиган айни шундай шартномаларга қиёсланганда қарздор учун зарар келтирадиган бўлса; шартнома узоқ муддатли (бир йилдан орტიқ муддатга тузилган) ёки фақат узоқ истиқболда қарздор учун ижобий натижалар олишга мўлжалланган бўлса. Қарздор тузган битим ташқи бошқарувчининг аризасига биноан хўжалик суди томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Келишув битими кредиторлар билан банкротликнинг ҳар қандай босқичида тузилиши мумкин. Битим банкротлик жараёнининг ҳар қандай босқичида фойдаланиш мумкин бўлган универсал ҳуқуқий воситадир [5, 57-бет]. Бу битим қарздор ва кредиторларнинг низони ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими ҳисобланади. Келишув битимида қарздор пул мажбуриятларининг миқдори, уларни бажариш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги ёки воз кечиш ҳақини бериш, мажбуриятларни янгилаш, қарзни кечиш йўли билан пул мажбуриятларини тугатиш тўғрисидаги қоидалар бўлиши керак. Келишув битимининг тузилиши банкротлик тўғрисидаги иш юритишнинг тугатилишига олиб келади.

Кузатув, суд санацияси ёки ташқи бошқарув пайтида, шунингдек келишув битими тузилишида қарздорга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тўлов қобилиятини тиклаш имконияти берилади. Тугатишга доир иш юритиш бошланиши билан қарздорнинг тадбиркорлик фаолияти ўз ниҳоясига етиб, бутун эътибор кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қаратилади.

Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик нафақат қарздор манфаатлари, балки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини ҳам ўз ичига олади. Кредитор ўз талабларини қаноатлантиришни сўраб, судга ариза билан мурожаат қилади. Иш қўзғатилгач, барча кредиторларнинг манфаатларини кредиторлар йиғилиши ёки кредиторлар кўмитаси ҳимоя қилади. Ариза иш юритишга қабул қилинган, кредиторлар якка тартибда мурожаат қила олмайди. Ягона кредитор иштирок этаётган бўлса, қарорларни шу кредиторнинг ўзи қабул қилади. Кредиторлар кўмитаси суд бошқарувчиларининг ҳаракатлари устидан назорат олиб боради. Кредиторлар кўмитаси суд бошқарувчисидан қарздорнинг молиявий аҳволи ва банкротлик таомилнинг бориши тўғрисида ахборот тақдим этишни талаб қилиш; суд бошқарувчисининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан хўжалик судига шикоят бериш; банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этиш учун ўз вақилини сайлаш каби вазифаларга эга.

Фикримизча, барча кредиторларнинг манфаатлари бир хил даражада ҳимоя қилиниши керак. “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 134-моддасида кредиторларнинг талабларини қондириш навбати берилган бўлиб, кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талаблари иккинчи навбатда берилган. Ушбу ҳолатда навбатдан ташқари ва биринчи навбатда келтирилган талаблар тўла қаноатлантирилгандан кейин кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш бошланади. Қарздор томонидан кредиторга етказилган зарар кредиторнинг ишлаб чиқариш фаолиятига, тўлов қобилиятига салбий таъсир этишини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Дастлабки талабларнинг тўлиқ қондирилиши ҳам кредиторлар манфаатларига путур етказиши мумкин. Мол-мулк етмаганлиги учун қондирилмаган қарз мажбуриятлари қаноатлантирилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 26-моддасида якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилиш мумкинлиги назарда тутилган. Ваҳоланки, ушбу норма Банкротлик тўғрисидаги қонунда белгиланган ҳуқуқий асосларга зиддир. Шунингдек, кодекснинг 57-моддасида тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс,

давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкинлиги таъкидланади. Банкротлик тўғрисидаги қонунда субъектлар алоҳида ажратилмасдан юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлар банкрот деб топилиши мумкинлиги белгиланган.

Корхоналарнинг банкротлик муаммоси билан ҳуқуқшунослик ва тадбиркорлик вакиллари кундан-кунга кўпроқ тўқнашишига тўғри келяпти, аммо ушбу масалани батафсил ёритувчи адабиётлар ҳали кам.

Юқоридагиларга асосан, банкротлик жараёнида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Банкротлик иши қўзғатилгандан кейин қарздор ва пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида ёндошиш лозим;

қарздорга нисбатан суд томонидан суд санацияси ва ташқи бошқарув таомилларининг қўлланилиши натижасида унинг тўлов қобилияти тикланиши бир пайтнинг ўзида ҳам қарздор, ҳам кредиторларнинг манфаатларига хизмат қилади;

кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув даврида суд бошқарувчиларининг ваколатларини кенгайтириш, уларнинг масъулиятини ошириш, уларга қўйилган малакавий талабларни кучайтириш кредиторлар талабларини қондиришда, қарздорнинг молиявий аҳволи тикланишида ўз таъсирини ўтказиши;

кредиторлар талабларини қондириш навбатида пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талаблари бошқа кредиторлар билан бир пайтда қаноатлантирилиши мақсадга мувофиқ;

Фуқаролик кодекси ва “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг айрим нормаларини унификация қилиш банкротлик тўғрисидаги ишларни кўриш жараёнида турли зиддиятли вазиятлар келиб чиқишини бартараф қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2016 йил 16 январь. – № 11 (6446). – Б.1.

2. Азизов Х. Тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари // “Молия” илмий журнали. 2/2014. – Б. 114.

3. Шинкаренко А. Банкротство или реструктуризация долга? // Корпоративный юрист. 2009. – N 3. (СПС «Консультант Плюс»). – С.25.

4. Селивановский А. Соглашения в проекте по реструктуризации // Хозяйство и право. – №12. 2010. – С.62-70.

5. Карелина С. А. Роль соглашений в процессе несостоятельности (банкротства). // Законодательство – № 10, 2006. – С. 57.

Ю.С. Пулатов,
профессор Ташкентского высшего
военно-технического училища МВД
Республики Узбекистан, д.ю.н.,

К.Х. Бексариёв,
преподаватель Ташкентского
высшего военно-технического училища
МВД Республики Узбекистан

ПОНЯТИЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПЛЕНИЙ И КЛАССИФИКАЦИЯ ПРЕДУПРЕДИТЕЛЬНЫХ МЕР

Аннотация: авторами в статье, на основе теоретических разработок узбекских и зарубежных криминологов, рассматриваются вопросы понятия предупреждения преступлений и классификация предупредительных мер, осуществляемыми субъектами профилактики.

Ключевые слова: преступность, причины, личность преступника, криминология, выявление причин преступности, предупреждение преступлений, классификация предупредительных мер, профилактика.

Аннотация: мақолада хорижий ва ўзбек криминологияларининг назарий ишлари асосида жиноятчиликни олдини олишнинг субъектлари томонидан жиноятчиликни олдини олиш ва олдини олиш чораларининг таснифи бўйича амалга ошириладиган тадбирларга оид масалалар кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: жиноятчилик, жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахс, криминология, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш, жиноятчиликни олдини олиш, жиноятчиликни олдини олиш чораларини тасниф этиш.

Annotation: problems of warning the crimes and classification of warning measures, realized by the individuals of prophylaxis are considered by the authors of this article on the basis of theoretical research of Uzbek and foreign criminologists.

Key words: criminality, the reason of criminality, criminals personality, criminology revealing the reasons of criminality, warning of the crime, classification of warning measures, prophylaxis.

Наряду с понятиями преступности, ее причин, личности преступника, одним из главных составляющих в теории криминологии выступает понятие профилактики преступности.

В криминологической литературе предупредительной деятельности придается особое значение, и даже ведутся споры о выделении теории предупреждения преступлений в самостоятельную науку. Однако большинство авторов сходятся во мнении, что теория предупреждения преступлений является неотъемлемой частью криминологии, так как предупреждение преступности является учением о средствах, которые на основании данных о преступности и ее причинах следует применить, чтобы ее ограничить. Для характеристики деятельности, направленной на предупреждение преступлений, в криминологии употребляется ряд терминов: "предотвращение преступлений", "предупреждение преступности", "профилактика преступности", "пресечение преступлений". Если брать эти

определения в широком смысле слова, они по своему смыслу совпадают, т.е. означают принятие таких взаимосвязанных мер, которые предупреждали бы поступки, приносящие вред обществу, устраняя причины, их порождающие. Как отмечает профессор Г.А. Аванесов: "...видимо, в самом деле, термины "предупреждение", "профилактика", "предотвращение" (преступности, преступлений) применимы как взаимозаменяющие, но не без детализации соответствующих понятий. Нельзя не учитывать, что борьба с преступностью представляет собой многоуровневую деятельность. Профилактика преступлений (как и предупреждение преступности, предотвращение и пресечение) один из уровней этой борьбы. Поэтому отождествление указанных терминов не позволяет понять всей сложности и специфики различных направлений этой борьбы, сущности каждого из направлений, ибо упрощает и огрубляет смысл конкретизации различных в своей основе видов деятельности" [1, 336-стр].

Преступное намерение уточняется, конкретизируется в различных подготовительных действиях, если такие действия, конечно, имеются. Многие преступления не доводятся до конца либо по причинам, не зависящим от воли субъекта, либо в связи с его добровольным отказом; некоторые (например, хищения чужого имущества) могут совершаться более или менее длительное время.

Каждая из указанных стадий отличается своей спецификой, на каждой из них действует комплекс различных факторов, что нельзя игнорировать при организации и осуществлении предупредительной работы. Применительно к этим стадиям меняется характер и содержание индивидуально-предупредительной работы, а также характер, направленность и содержание предупредительных мер. Но все это на уровне поведения, что делает необходимым различать уровни (масштабы) самого явления, его природы и причин, и уровни (масштабы) воздействия на них [2, 152-158-стр.]. С учетом изложенного, указанные виды индивидуального предупреждения преступлений можно разделить на:

индивидуальную профилактику преступлений – создание обстановки, устраняющей вредное влияние на лицо и (или) обеспечивающей необходимое нравственное формирование его личности, а также исправление правонарушителей. Это все является деятельностью по выявлению и устранению причин преступного поведения. При этом она в большинстве случаев не направлена, именно, на недопущение преступного поведения, т.е. такая цель в воспитании детей и подростков обычно не ставится;

предотвращение конкретных преступлений – недопущение реализации замыслаемых преступлений путем выявления лиц, намеревающихся их совершить, и принятия к ним необходимых мер, предусмотренных законом, с одновременным оздоровлением обстановки в микросреде;

пресечение конкретных преступлений – воспрепятствование продолжению уже начатого преступления и доведению его до конца путем выявления лиц, вставших на путь его совершения, и принятия к таким лицам мер, в том числе уголовно-правовых, а также создания обстановки, исключающей дальнейшее преступное поведение.

Научная категория "профилактика преступлений" чаще всего используется для обозначения

специальных мер и видов деятельности, обеспечивающих устранение или нейтрализацию причин и условий преступлений, а также факторов, формирующих личность преступника [3].

По мнению профессора Ю.М. Антоняна, профилактика преступлений составляет часть предупредительной работы, содержанием которой является целенаправленное выявление и устранение причин преступности и условий, ей способствующих, а также причин и условий конкретных преступлений, отдельных групп преступлений и отдельных видов преступности. Чем успешнее будет осуществляться профилактика, тем меньше придется затрачивать усилий и средств на пресечение, раскрытие и расследование преступлений, тем больше будет сужаться сфера применения уголовных наказаний. Таким образом, профилактика правонарушений и преступлений является и наиболее гуманным путем борьбы с преступностью[4].

Некоторые исследователи говорят о профилактике всех правонарушений и о профилактике только преступлений.

Во втором, более узком смысле слова, под профилактикой можно понимать деятельность: а) по выявлению причин преступлений, условий и обстоятельств, способствующих их совершению; б) по выявлению лиц, могущих совершить преступление (в силу их антиобщественной направленности), и проведению с ними необходимых мероприятий. В совокупности эти два направления образуют единое понятие "профилактика преступлений" или "профилактика правонарушений". Оценивая профилактику преступлений в целом, следует исходить именно из этого единого понятия [5].

Ввиду многочисленности мер предупреждения преступности возникает необходимость в их классификации с целью приведения всего многообразия к единой, стройной системе, помогающей разграничить сферы деятельности различных заинтересованных организаций в определении четких границ такой деятельности, в формулировании требований, которым должны удовлетворять определенные группы предупредительных мер, а также для того, чтобы наиболее полно систематизировать результаты осуществляемых криминологических исследований, и наметить дальнейшее их направление для успешной разработки мер предупреждения преступлений.

В то же время комплекс профилактических мер представляет собой совокупность различных взаимосвязанных и перекликающихся между собой составляющих, включая мероприятия, проводимые как государственными органами, так и общественными организациями, направленные на то, чтобы предотвратить преступления и устранить причины, их порождающие, и в связи с этим предлагаемая классификация представляется нам в определенной степени условной.

В настоящее время в криминологической науке основную классификацию

профилактических мер в основном принято проводить по таким признакам, как:

- цель и уровень предупредительных мероприятий;
- масштаб предупредительных мероприятий;
- правовая регламентация;
- характер мер;
- момент (стадия) применения;

субъекты предупредительной деятельности[6].

По цели и уровню предупредительные меры представляются целесообразным подразделить на общие, специально-криминологические и индивидуальные.

Общие меры предупреждения преступлений состоят в деятельности, обеспечивающей позитивное воздействие на социальные процессы и способствующей устранению действия криминогенных факторов. Это социально-экономические и культурно-воспитательные мероприятия, которые вместе способствуют устранению причин и условий преступлений. Данные меры составляют социально-экономическую и идеологическую основу специально-криминологических мер. Без них любые специально предпринимаемые средства устранения причин и условий преступлений имеют малую эффективность.

Специальные криминологические меры предупреждения преступлений – это мероприятия, осуществляемые государственными органами, общественными организациями и отдельными гражданами, имеющие своей специальной целью предупреждение конкретных преступлений.

Они являются наиболее эффективными и занимают основное место в практической деятельности правоохранительных органов по предупреждению преступлений.

Индивидуальные меры состоят в непосредственной воспитательной работе с конкретным человеком, когда его поведение свидетельствует о реальной возможности перехода на преступный путь. Такие меры призваны направленно влиять на причины и условия, порождающие преступное поведение, и оказывать положительное воздействие с целью недопущения преступления.

По масштабам применения предупредительные меры делятся на: республиканские, региональные, относящиеся к большим социальным группам или микрогруппам, к отдельным объектам или отраслям хозяйства, и индивидуальные.

Республиканские меры, при осуществлении которых ставятся задачи воздействия на определенные явления в масштабах всего государства (страны).

Региональные меры, применяемые в целях оказания влияния на явления, свойственные территориальному региону (область, республика) и т.д.

Отраслевые меры применяются в целях оказания противодействующего влияния на криминогенные явления, в пределах отдельной отрасли народного хозяйства или государственной власти (например, борьба с коррупцией).

Мероприятия в масштабах отдельного объекта народного хозяйства или государственной власти, в рамках большой или малой социальных групп разрешают задачу воздействия на соответствующие явления в пределах отдельного объекта (например, на конкретном предприятии, учебном коллективе, в семье и т. п.).

Индивидуальные меры предназначаются для оказания воздействия на определенное лицо в связи с ситуацией, свидетельствующей о его возможном становлении на преступный путь.

По правовой регламентации предупредительные меры целесообразно подразделить на: регламентируемые законами “криминального

профиля” т.е. уголовноправовым, уголовно-процессуальным, уголовно-исполнительным законодательством;

регламентируемые законами иных отраслей права (например, финансовым, гражданским, трудовым, семейным), соблюдение которых важно для борьбы с преступностью;

конкретно не регламентируемые законом, но вытекающие из общих за

дач борьбы с преступностью и закрепленные в нормах морали (например, к ним относятся многие мероприятия культурно-воспитательного характера, в том числе и правовая пропаганда, а также меры, принимаемые общественностью).

По характеру предупредительные меры могут быть классифицированы *наэкономические, общественно-политические, правовые, идеологические, нравственно-психологические, организационно-управленческие, технические.* Совокупность вышеперечисленных мер направлена на устранение (ослабление) факторов, способствующих совершению преступлений, на предупреждение, выявление, пресечение, раскрытие и расследование преступлений, в том числе выявление лиц, их подготавливающих, совершающих или совершивших, на розыск преступников, скрывающихся от органов дознания, следствия и суда, уклоняющихся от наказания, на осуществление правосудия, исправление осужденных и контроль за их поведением после вынесения приговора, на возмещение нанесенного ущерба и т. д.

Экономические меры осуществляются с помощью средств экономического характера. Они переплетаются с другими видами мер, поскольку успешное осуществление последних нередко связано с факторами экономического порядка. Экономические меры борьбы с преступностью направлены на стабилизацию экономики, уменьшение степени дифференциации населения по уровню доходов, обеспечение прожиточного минимума для необеспеченных слоев населения, приоритет легальной экономической деятельности, экономическое стимулирование добровольного отказа от преступной экономической активности, борьбу с безработицей, компенсацию ущерба жертвам преступлений.

Общественно-политические меры осуществляются в процессе деятельности государственных органов по совершенствованию системы общественных отношений. Приоритетными из них являются: демократизация государства и общества, политической жизни, борьба с коррупцией и неправомерным лоббированием частных (корпоративных) интересов в органах власти, разработка государственной стратегии борьбы с преступностью, стабилизация политического режима, развитие межгосударственного сотрудничества в сфере борьбы с преступностью.

Правовые меры предупреждения преступлений заключаются в мероприятиях по совершенствованию законодательства, его развитию, правовому регулированию деятельности государственных и общественных организаций, а также поведения граждан, обеспечению их прав и свобод. Они, в частности, включают в себя мероприятия, направленные на устранение пробелов и противоречий в уголовном, уголовно-процессуальном,

административном, гражданском законодательстве, на правовое обеспечение механизма реализации законодательства о борьбе с преступностью, стабильность правовых запретов в сфере борьбы с преступностью.

Нравственно-психологические меры характеризуются направленностью на нравственность людей, в том числе осужденных за преступления, воспитание позитивной активности личности, повышение уровня правовых знаний и формирование солидарности с правом.

Идеологические меры реализуются в процессе разнообразных культурно-воспитательных и просветительных мероприятий по формированию идеологических ценностей и ориентаций, мировосприятию, отношению к обществу, стране и т.д., а также воспитанию правовой культуры.

Организационно-управленческие меры предупреждения преступлений заключаются в первую очередь в мероприятиях, направленных на устранение способствующих совершению преступлений недостатков в деятельности государственных органов и хозяйственных организаций. Они выражаются в мероприятиях по привлечению общественности к борьбе с преступностью, совершенствованию деятельности органов, ведущих борьбу с преступностью, криминологическому прогнозированию, программированию борьбы с преступностью, осуществлению криминологической экспертизы законодательства, обеспечению взаимодействия между органами, осуществляющими борьбу с преступностью.

Технические меры направлены на устранение причин и условий, способствующих совершению преступлений, путем использования достижений техники, внедрение технических средств, систем и технологий обеспечивающих интенсификацию и безопасность борьбы с преступностью, в том числе в сферах предупреждения, обнаружения, пресечения, документирования и раскрытия преступлений, разработку новых технических средств и систем, используемых в борьбе с преступностью, техническое обеспечение правоохранительных органов, опережающее техническое обеспечение преступной среды, развитие систем коммуникаций до уровня, обеспечивающего немедленное реагирование на преступление.

По моменту (стадиям) применения профилактические меры подразделяются на сверхраннюю профилактику, раннюю и непосредственную, на меры, направленные на пресечение преступлений и принятые по факту преступления.

Сверхранняя профилактика направлена на устранение причин и условий, которые в будущем могут привести к формированию преступного поведения личности.

Ранняя профилактика осуществляется в связи с обнаружением факторов криминогенного характера и на таких стадиях антиобщественного поведения конкретных лиц, как аморальные поступки, дисциплинарные, административные, гражданско-правовые правонарушения, а также при обнаружении умысла на совершение какого-либо преступления.

Непосредственная профилактика включает меры, которые осуществляются государственными правоохранительными органами, общественными

организациями и гражданами и направлены на то, чтобы не совершились преступные действия конкретным лицом.

Субъектами предупредительной деятельности являются, органы власти, в том числе правоохранительные, управленческие, хозяйственные и производственные организации, общественные организации; религиозные учреждения, отдельные лица [6].

Органы власти выступают в роли субъектов предупредительных мер в различных масштабах. Характер осуществляемых ими мероприятий по руководству, направлению и осуществлению предупреждения преступлений также разнообразен. Они охватывают общие меры, специальные и индивидуальные.

Специализированные органы, осуществляющие предупреждение преступлений, это органы, для которых борьба с преступностью является основной или одной из основных задач (Министерство внутренних дел, Служба национальной безопасности, прокуратура, суд и др.)

Относительно специализированные органы - это органы, для которых борьба с преступностью является факультативной задачей (органы юстиции, Государственная налоговая служба, Министерство обороны и др.).

Неспециализированные организации - это управленческие, хозяйственные и производственные организации, предпринимающие меры по предупреждению преступности. Это министерства, ведомства, хозяйственные объединения, производственные, торговые предприятия различного характера и т.д. Они осуществляют мероприятия организационно-управленческого, технического, а также воспитательного характера. Они же реализуют адресованные им предложения о криминогенных факторах и мерах предупреждения преступлений, могут самостоятельно разрабатывать и претворять их в жизнь.

Общественные организации, участвующие в предупреждении преступлений, могут быть разделены на три группы:

– массовые общественные организации (политические партии и молодежные формирования, профсоюзы, мечети и церкви, кооперативные объединения, добровольные спортивные объединения, творческие союзы), осуществляющие главным образом меры общего предупреждения преступлений (социально-экономические, культурно-воспитательные и т.п.). Главная их задача - раннее предупреждение антиобщественных деяний;

– общественность, участвующая в деятельности государственных представительных и правоохранительных органов (комиссии по делам несовершеннолетних, административные комиссии по бытовому обеспечению и трудовому устройству, внештатные сотрудники органов внутренних дел и общественные помощники следователей), действующая на основе положений, утвержденных актами высшей государственной власти, а также на основе ведомственных нормативно-правовых актов, реализует меры общего и индивидуального предупреждения преступлений;

– органы, организации, отдельные представители местной общественности (примирительные комиссии, общественные

воспитатели, общественные пункты по охране общественного порядка, религиозные учреждения) занимаются непосредственно общей и индивидуальной профилактикой правонарушений либо организацией общественной деятельности самодеятельных формирований по предупреждению антиобщественных явлений.

Отдельные лица выступают в роли субъектов предупредительной деятельности чаще всего в формах, связанных с воспитанием и перевоспитанием отдельных лиц (в частности, в роли родителей, педагогов, наставников, попечителей, общественных воспитателей), и в связи с пресечением преступлений.

Проблема предупреждения преступлений, а также классификация предупредительных мер является для криминологической науки одной из важнейших и, безусловно, заслуживает особого внимания. В данной статье предпринята попытка современного подхода к отдельным аспектам указанной проблематики, работа над которой требует дальнейшего продолжения.

Список литературы:

1. Аванесов Г.А. Криминология. –М.: Академия МВД, 1984. –С. 336.
2. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – С. 152-158.
3. Игошев К.Е., Шмаров И.В. Социальные аспекты предупреждения правонарушений. – М.: Юридическая литература, 1980.
4. Антонян Ю.М. О понятии профилактики преступлений // Вопросы борьбы с преступностью. – М.: Юридическая литература. 1977. –№ 26.
5. Аванесов Г.А. Криминология. – М.: Юридическая литература, 1984. –С. 339.
6. Закон Республики Узбекистан «О профилактике правонарушений» от 14 мая 2014 года, № ЗРУ-371.

С.Ахмедова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
мустақил изланувчиси,
юридик фанлари номзоди, доцент

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ФУҚАРОЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МОҲИЯТИ

Аннотация: в настоящей статье раскрыты суть, содержание общественного порядка, общественной безопасности и их обеспечения, оценены взгляды ведущих российских учёных Ф.Е.Колонтаевского, Д.А.Коротченкова, Б.В. Россинского, Ю.Н.Старилова на особенности обеспечения охраны общественного порядка во время проведения массовых мероприятий, а также даны предложения о необходимости принятия Закона Республики Узбекистан “О массовых мероприятиях”.

Ключевые слова: общественный порядок, общественная безопасность, охрана общественного порядка, обеспечение безопасности граждан, массовые мероприятия, органы внутренних дел.

Аннотация: ушбу мақолада жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги ва уларни таъминлашнинг моҳияти изоҳлаб берилган, шу билан бирга россиялик етакчи олимларидан Ф.Е.Колонтаевский, Д.А.Коротченков, Б.В. Россинский, Ю.Н.Стариловларни оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносабатлари ёритилиб, “Оммавий тадбирлар” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни ишлаб чиқиш ва уни қабул қилишга оид таклифлар ва мулоҳазалар берилган.

Калит сўзлар: жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, оммавий тадбирлар, ички ишлар органлари.

Annotation: this article is showed public rights, public security and their implementing, in additionally, well-known Russian scientists such as F.E.Kolontayevskiy, D.A.Korotchenkov, B.V.Rossinnkiy, Yu.N.Starilov's who work on public measures, keep public security and defense of civil rights, by the way, is given advices about “Public Measures” implementing the law of Republic of Uzbekistan and adopting it.

Key words: public rights, public security, defense of public rights, keep public security, public measures, organs of internal affairs.

Мамлакатамизда ўтказилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар даврида жамоат тартиби ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шахс ва жамият хавфсизлигининг кафолати сифатида давлатнинг ролини кучайтириш, бунинг учун зарур ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ва уни қўллаш механизмини ривожлантириш ҳозирги вақтда миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

“Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги замонда биз дунёда юз бераётган туб ўзгаришлар жараёнида эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб

беришимиз, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлишимиз шарт” [1, 6-бет].

Ҳозирги замон юридик фани ва амалиёти олдида жамоат тартибининг моҳиятини очиб беришга ва уни муҳофаза қилиш бўйича умумдавлат даражасида чора – тадбирлар ишлаб чиқишга нисбатан янгича ёндашув вазифаси турибди.

Юридик адабиётларда жамоат тартиби тушунчаси жамият учун ўта катта хавф соладиган объект ва предметлардан техник норма ва қоидаларга риоя қилинган ҳолда фойдаланишда, ёки табиий офат, ёки бошқа фавқулотда ҳолатлар билан боғлиқ махсус шароитлар пайдо бўлганда шаклланидиган ижтимоий муносабатлар тизими сифатида талқин қилинади.

“Жамоат тартиби” ва “жамоат хавфсизлиги” атамалари кенг тарқалган, улар ҳам ҳалқаро– ҳуқуқий ҳужжатларда, ҳам турли мамлакатларнинг миллий қонунчилигида, ҳам ижтимоий–иқтисодий ва юридик адабиётларда кўп ишлатилади.

Ҳуқуқнинг умумий назарияси қоидаларидан келиб чиқилса, кенг маънода жамоат тартиби деганда, мазкур жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча тизими тушунилади. Кенг маънодаги жамоат тартибининг мазмуни ижтимоий муносабатларнинг барча тизимларини ўз ичига олиб, давлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ҳамда одамларнинг ҳулқ – аъвоқлари шаклланишига оид иқтисодий ва сиёсий тузилма ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида амал қиладиган ижтимоий нормаларга (ҳуқуқ нормаларига), тамойилларга, ғояларга ва кадрларга риоя қилиш орқали шаклланиган жамоат тартибини англатади. Мазкур маънода жамоат тартиби давлатнинг барча ижтимоий институтлари муҳофазасининг таъсири остидаги объекти ҳисобланади.

Жамоат тартиби тушунчасини кенг маънода талқин қилиш бўйича юқорида келтирилган қоидалар мазкур тушунчани таснифлашда маълум аҳамиятга эга, аммо унинг мазмунига киритилган ҳулққа оид қоидалар тизими сифатидаги ҳуқуқ талқини, қонунларни йўриқномалар билан алмаштиришга йўл қўядиган қонунчиликни кенг талқин қилиниши давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги замонвий тасаввурларни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Тоталитар жамиятда инсон давлат ҳокимияти механизмидаги бир винтик (бўгин) эди, холос. Унда инсон ҳуқуқлари давлат томонидан белгилаб қўйиладиган норма сифатида тушунилар эди. Жамоат тартиби соҳасида мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти – ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига амалда йўл қўйилмас эди.

Жамоат тартиби тушунчасини кенг талқин қилиш билан бирга қонунчиликда ва юридик адабиётларда мазкур тушунча тор маънода ҳам ишлатилади. Бунда у ижтимоий муносабатларнинг барча тизимини эмас балки фақат унинг ижтимоий–сиёсий ҳаёти ва турмушнинг турли соҳаларида шаклланиган маъноларнинг мажмуасини ўзида акс эттиради. Бундай ёндашув ҳуқуқ ҳимояси фаолиятининг турли соҳаларини таҳлил қилишда ва қонунга қарши тожовуз объектини аниқлашда қўллашда.

Жамоат тартиби тушунчаси тор (бевосита) маънодаги таърифи жамоат тартибини муҳофаза қилишда иштирок этадиган ички ишлар идоралари, суд, прокуратура, маъмурий комиссиялар ва ваколатли органларнинг ишларида ўзининг амалий аҳамиятига эга бўлиб, улар мазкур соҳаларда шаклланиб бораётган ижтимоий муносабатларга тажовуз қиладиган маъму-

рий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни олдини олишга қаратилгандир.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Е.Ф.Колонтаевскийни фикрича, жамоат тартиби жамоатчилик муносабатлари тизимини белгилаб, корхона, муассаса ва жамоат ташкилотларини фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда жамоатчилик хавфсизлигини таъминлашдан иборат [2, 245-бет.].

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги ижтимоий муносабатларнинг ҳар хил тури бўлиб, улар ўртасида чамбарчас алоқадорлик мавжуд: ушбу гуруҳ муносабатларнинг ҳар бири бошқасининг мавжудлик шартидир. Бундан ташқари, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигининг мазмуни тегишли ижтимоий муносабатлар шахс ва жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларига кирадиган шахс шаъни ва кадр–қимматини ҳурмат қилиниши, жамият ва шахс тинчлигини ҳурмат қилинишини таъминлайдиган соҳада мос келади. Бу ҳол жамоат тартибини ҳам, жамоат хавфсизлигини ҳам, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини ташкил этувчи элементларга киритиш имконини беради.

Қонун ҳужжатларида одатда жамоат тартибига нисбатан “сақлаш” (муҳофаза қилиш), жамоат хавфсизлигига нисбатан “таъминлаш” терминлари ишлатилсада, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ушбу турлари мазмуни асосан мос келади. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий–ҳуқуқий усули мазмуни маъмурий ҳуқуқнинг предмети билан боғлиқ бўлиб, муайян субъектларнинг маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган ва қуйидагиларга қаратилган фаолияти ҳисобланади:

- ижроия ҳокимият органларининг ижтимоий муносабатларни норматив тартибга солиш;
- жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига таҳдид ҳисобланувчи шарт – шароитлар ва омилларни аниқлаш, уларни бартараф этиш (жумладан жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига таҳдид қилувчи ғайриқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш);
- жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишлар бўйича маъмурий юрисдикциясини амалга ошириш.

Жамоат тартиби тушунчасини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Жамоат тартиби асосан жамоат жойларида фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга, давлат ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг нормал ишлаши, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилинишини, инсоний кадр–қимматларини ва ижтимоий маънавиятини ҳурмат қилиш учун яхши шарт-шароитлар йўналтирилган қонун ва бошқа ижтимоий нормалар асосида шаклланидиган ва ривожланидиган ихтиёрий ижтимоий муносабатлар тизимидир.

Жамоат тартибини ушбу тушунчасига ўқув адабиётларида берилган таърифдан фарқли равишда фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш сўзлари билан тўлдирилган.

Бизнинг фикримизча, бундай қўшимча жамоат тартиби фуқароларнинг ўз шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни ўз ичига олган янада кенгроқ тушунча, деган маънонигина англатмайди. Аксинча, у мазкур учта бир бири билан боғлиқ, бир

бирига сингиб кетган ва бир бирини тақоза қиладиган тушунчаларнинг мустақиллигига урғу беради.

Жамоат тартиби тушунчасига юқорида берилган таъриф ҳақиқий воқеалиқда жамоат тартибини муҳофаза қилиш—бу айна пайтда фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш деган мазмунга асосланади. Ўз навбатида фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора—тадбирлар қабул қилиш жамоат тартибини ишончли сақлашнинг сўзсиз шarti сифатида хизмат қилади.

Демак бир томондан, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ҳолати шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, турар жойининг дахлсизлигига қарши жиноят содир қилиш орқали бузилиши мумкин. Кўплаб одамларнинг хавфсизлик ҳолатига, яъни жамоат хавфсизлигининг ҳолатига одамларнинг оммавий равишда тўпланиши, табиий офатлар ва бошқа фавқулотда ҳолатлар таъсир қилади. Бундай ҳолатда жамоат тартиби муҳофазасини самарали ташкиллаштириш фуқароларнинг шахсий хавфсизлигига ва жамоат хавфсизлигига раҳна соладиган жинoий тажовузларнинг олдини олишга кўмак беради.

Иккинчи томондан, фуқаролар, мансабдор шахслар томонидан йўл ҳаракати, ёнғинга қарши қоидалар, муаммолар ва низоларни ҳал қилиш тизими ҳамда жамоат хавфсизлигининг бошқа қоидаларини билиш ва уларга қатъий риоя қилиш жамоат тартибини сақлашнинг сўзсиз шarti ҳисобланади. Бироқ, уларга риоя қилмаслик шаҳар, бошқа аҳоли пунктларининг ҳаёт фаолиятининг бир маромини бузилишига олиб келиши, жамоат тартибига раҳна соладиган кўрқув—ваҳима ҳолати ва аҳолининг безовталанишини келтириб чиқариши мумкин.

Жамоат хавфсизлиги тушунчаси шаснинг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини бошқа ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлар ва ижтимоий тўқнашувлар, табиий офатлар, эпидемия, эпизоотия, ҳалокатлар, ёнғин келтириб чиқарган фавқулотда вазиятларнинг оқибатида муҳофаза қилиш ҳолати сифатида таърифланади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини муҳофаза қилиш деганда одамларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш, уларнинг шараф ва инсоний қадр—қимматларини, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларнинг меҳнат қилиши ва хордиқ чиқариши, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг нормал ишлашига яхши мадад берадиган ҳамда хотиржамлик муҳитини яратиш бўйича турли давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан тизимли чора—тадбирлар амалга ошириш тушунилади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора—тадбирларни амалга ошириш қонунбузарлик ва жамиятга қарши бошқа ҳатти—ҳаракатларнинг олдини олиш ва бартараф қилишда, айбдорларни жавобгарликка тортишда, одамларнинг ишлаб чиқариш ва меҳнат фаолиятида ҳамда уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда уларнинг мулоқотлари учун ваколатли орган ва ташкилотлар томонидан нормал хавфсиз шароитлар яратишда, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришларида, жамият хавфсизлигининг қоидалари ва нормаларини бузиш, табиий офатлар ва бошқа ҳодисалар туфайли етказилган зарар ва оқи-

батларни бартараф қилишга йўналтирилган ҳаракатларда ўз ифодасини топади.

Илмий адабиётлар таҳлили асосида такидлаш жоизки, ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб борган ҳуқуқшунос олимларни фикрича, жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳаларининг мураккаб, комплекс хусусияти уларни муҳофаза қилишнинг турли восита ва услубларини яратиш заруратини тақозо қилади. Ўрганиладиган соҳаларда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича чора—тадбирларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг қуйидаги турлари ўрнатилган: маъмурий—ҳуқуқий, оператив—қидирув, жинoий—ҳуқуқий ва фуқаровий—ҳуқуқий [3, 98-бет.].

Юқорида баён қилинган илмий мушоҳадалар фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат хавфсизлиги ва уни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора—тадбирлар билан узвий боғлиқ эканлигида яққол намоён бўлади.

Бундай ўзаро боғлиқлик фақат ҳар бир алоҳида олинган шахснинг хавфсизлиги бутун бир жамият хавфсизлиги ҳолатига боғлиқлигида намоён бўлмасдан, балки жамоат хавфсизлиги бир пайтнинг ўзида мамлакат ёки аниқ бир шаҳар ҳудудида, аҳоли пункти ва муайян бир жойда кўплаб одамларнинг ҳаётини хавф-хатардан асраб қолишни ҳам англайди.

Умуман олганда, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги тушунчасига ҳар бир фуқаронинг ўз ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр — қиммати, шахсияти ва турар жойининг дахлсизлигига қарши ғайриқонуний тажовузлардан ҳимояланиши ҳолати, деб таърифлаш мумкин.

Шундай экан, сиёсий ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар даврида ўтказиладиган ҳар қандай оммавий тадбир, йиғилиш, митинг, ва намойишлар ҳамда уларни ўтказиш даврида фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш қонун ва бошқа белгиланган норматив — ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бўлиши шарт.

Мазкур вазиятлар оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда таъсирчан механизмлар беҳад катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида ҳам оммавий тадбирлар қонунлар асосида ўтказилиши аниқ белгилаб берилган: - “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назардангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхта-тиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”.

Ички ишлар органларининг узоқ йиллик амалий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда жамоат тартиби ва хавфсизлигини оммавий тадбирларни ўтказиш жараёнида оммани муайян мақсадларда ўтказадиган йиғилишларини асосий белгиларини кўриш мумкин.

Булар қуйидагилардан иборат:

- кўп сонли кишилар оммасини бўлиши (10, 100 ва млн.) бир неча минг иш ташлашлар, намойишлар, йирик спорт мусобақаларида;
- улар ҳаракатининг муайян тарзда ташкил этилганлиги;
- бундай оммавий тадбирларни жамоат жойларида амалга оширилишини;

• тадбир иштирокчилари мақсадларининг ягоналиги.

Кўрсатиб ўтилган белгилар ўзаро боғлиқ бўлиб, оммавий тадбирлар жараёнида уларнинг жамланмаси ва мустақкам уйғунлиги юзага келади.

Санаб ўтилган ҳарактерли белгиларни умумлаштирган ҳолда оммавий тадбирларга эътибор берадиган бўлсак, оммавий тадбирлар ижтимоий ҳаётнинг у ёки бу масканлари бўйича жамоатчилик фикрини ифодалаш мақсадида кўп сонли фуқаролар томонидан жамоат жойларида амалга ошириладиган фаол ҳаракатларнинг ташкилий шакли бўлиб ҳисобланади.

Россиялик ҳуқуқшунос олим Д.А.Коротченковни фикрича, оммавий тадбирларни ўтказишда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ўтказилаётган тадбирни қонуний ёки ноқонуний эканлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Уюшган оммавий ҳаракатларни хусусиятига кўра қонуний ва ноқонуний турларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўз навбатида ноқонуний оммавий тадбирни ҳам икки турга ажратиш таклиф этилади.

• Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қилмайдиган ноқонуний оммавий тадбирлар, бундай тадбирларга “транспорт, алоқа ташкилотларини ишини бузмайдиган, куч ишлатишга асосланмаган ноқонуний йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ва намойишлар” киритилади.

• Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига жиддий таҳдид қиладиган оммавий уюшган ҳаракатлар (оммавий тартибсизликлар).

Ноқонуний оммавий тадбирни бундай гуруҳларга ажратишдан мақсад жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминловчи субъектларни (ички ишлар идоралари ва х.з.) махсус воситалар қўллаш тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги кунлардаги бутун дунёда диний экстремизм ва терроризм хавфи сақланиб қолган ҳолда республикамизда ўтказилаётган халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган оммавий ижтимоий ва спорт тадбирлари ўтказиладиган жойлардаги хавфсизлик талаблари ва тадбир ташкилотчилари томонидан тайёргарлик кўриш жараёнидаги муаммолар йўқ эмас.

Жумладан, амалдаги (қонуности) меъёрий ҳужжатларда оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўришда ички ишлар идораларининг (маъмурий-тактик) ҳаракатлари ва ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилмаганлиги, оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда маҳаллий ҳокимият ва фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш органларининг, оммавий тадбир ташкилотчилари ва жамоат тартибини таъминлашга масъул бўлган субъектларнинг вазифалари ва айниқса уларнинг жавобгарлиги ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгилаб берилмаганлиги ва шу жиҳатдан қонун ости ҳужжатларидаги муаммоли ҳолатлар мавжуд.

Шу билан бирга оммавий тадбирларни ўтказишга тайёргарлик кўриш, уларни ўтказишдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликлар бўйича маъмурий қонунчиликдаги муаммолар мавжудлиги бизнинг фикримизча Оммавий тадбирлар тўғрисидаги қонун қабул қилинишига эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради деб ўйлаймиз.

Юқорида айтилган қонун қабул қилинса унда албатта халқимизнинг миллий қадриятлари ва анъаналари инobatга олган ҳолда мамлакатимизда ўтказиладиган фуқароларни тўй-хашам ва марака тадбирларини, айниқса масчидлардаги диний маросимларни бу-

гунги кунда вужудга келган шарт-шароити, жадаллашув, глобаллашув жараёнлари, шу билан бирга диний экстремистик ва террористик ташкилотлар фаолиятининг реал хавфи мавжудлигини албатта ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари оммавий тадбирлар тўғрисидаги қонун лойиҳасида қуйидаги тушунча ўз ифодасини топса ва тарифланса мақсадга мувофиқ бўларди:

Оммавий тадбир – йиғилишлар, митинглар, намойишлар, пикетлар, кўча юришлари шаклида ёки кўнги олар, театр томоша, концерт, спорт.реклама дастурлари ҳамда умумхалқ, диний, профессионал байрамларни ўтказиш мақсадида майдонларда, кўчаларда, биноларда, ёпиқ иншоотларда ва бошқа жойларда кишиларни тўплашни ташкил этиш.

Шу боис, бизнингча, таклиф этиладиган қонун лойиҳасида “Йиғилиш”, “Митинг”, “Намойиш”, “Пикет”, “Кўча юриш” каби сиёсий ҳаракатларни ҳар бирига алоҳида қуйидагича таъриф берилиши лозим:

Йиғилиш – жамият учун муҳим бўлган муайян бир масалаларни жамоа бўлиб муҳокама қилиш учун фуқароларнинг махсус ажратилган ёки бунинг учун мослаштирилган жойга биргаликда ҳозир бўлишлари;

Митинг – ижтимоий – сиёсий масала хусусиятига эга бўлган долзарб муаммолар бўйича ижтимоий фикрини ошқора билдириш учун фуқароларнинг муайян жойда оммавий равишда ҳозир бўлишлари;

Намойиш – бир гуруҳ шахсларнинг ҳаракат вақтида плакатлар, транспарантлар ва бошқа кўргазмаларни ташвиқот воситаларидан фойдаланган ҳамда ижтимоий кайфиятларни уюшган ҳолда ошқора ифодаланиши;

Пикет – ҳаракатсиз ва овоз кучайтирувчи техник воситалардан фойдаланмаган ҳолда, пикет қилинаётган объект олдида плакат, транспарант ва кўргазмаларни ташвиқотнинг бошқа воситаларидан фойдаланувчи бир ёки ундан ортиқ фуқароларни жойлаштириш орқали амалга ошириладиган ошқора фикр билдириш шакли;

Кўча юриши – фуқароларнинг муайян муаммоларга эътиборини тортиш мақсадида аввалдан белгиланган йўналиш бўйича оммавий равишда ўтиши.

Халқимизнинг миллий қадриятларини ва анъаналарини инobatга олган ҳолда мамлакатимизда ўтказиладиган фуқароларни тўй-хашам ва марака тадбирларини ҳам оммавий тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида инobatга олинса мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Юқорида таклиф этилаётган қонун лойиҳасида тўй-хашам ва марака тадбирлари тушунчалари қуйидагича ўз ифодасини топиши лозим деб ҳисоблаймиз:

Тўй-хашамлар – жисмоний шахслар томонидан оиласи билан боғлиқ никоҳ, суннат тўйлари, туғилган кун, юбилей (ўз уйида ўтказиладиганлари бундан мустасно)га айтилади;

Маракалар – фуқаролар томонидан вафот этган яқинларини хотиралаб ўтказиладиган марака маросимлари.

Шундай қилиб, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлиги бир-бири билан узвий боғланган ижтимоий ходиса бўлиб, уларни таъминлаш ва муҳофаза қилиш бўйича комплекс чора – тадбирларни яқдиллик билан амалга оширилишини тақозо қиладди. Мазкур вазиятлар оммавий тадбирлар ўтказишда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда таъсирчан механизмлар беҳад катта аҳамият касб этади. Ҳар

қандай оммавий тадбир, йиғилиш, митинг, ва намойишлар ҳамда уларни ўтказиш даврида фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш қонун асосида бўлиши лозим.

Адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т., 2010, 6-бет.
2. Колонтаевский Ф.Е. Организация и совершенствование деятельности милиции общественной безопасности. Учебное пособие. – М. Академия МВД России. 1995. – 245 с.
3. Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право. –М.: Норма, 2010. – 98с.

Ш.Файзиев,

ТДЮУ катта илмий ходими изланувчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА СУРИШТИРУВНИНГ ЯНГИ АЛГОРИТМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада амалдаги суриштирув фаолиятини олиб бориш тартибини танқидий таҳлил қилган ҳолда ҳамда хорижий давлатларнинг тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда янги суриштирув фаолиятини шакллантиришга қаратилган таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: суриштирув алгоритми, суриштирув, суриштирувчи, судгача текширув, қисқартирилган суд фаолиятини олиб бориш жараёни.

Аннотация: в данной статье на основе критического анализа действующего порядка дознания и тщательного рассмотрения зарубежного опыта выдвинуты конструктивные предложения по совершенствованию нового алгоритма дознания.

Ключевые слова: алгоритм дознания, дознание, дознаватель, досудебные стадии, упрощенное производство.

Annotation: in this article, based on a critical analysis of existing order inquiries and careful consideration of international experience made constructive proposals for improving the new algorithm inquiry.

Key words: algorithm inquiry, the inquiry, the pre-trial stages, simplified production.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг суриштирувни тартибга солувчи нормалари таҳлили шуни кўрсатдики, 339-434 моддалар гальванизация тушунчасининг суриштирув фаолиятига киритилишидан дарак беради.

Суриштирув ишлари жиноят ишини тергов қилиш жараёнининг илк босқичида амалга ошириладиган фаолиятдир. Суриштирув жиноятни тергов қилишда катта аҳамият касб этади.

Шундай экан, суриштирувнинг қандай олиб борилиши кўп жиҳатдан жиноят ишининг ижобий ёки салбий яқун топишига асос бўла олади. Маълум жиноят иши юзасидан маълумотларни аниқлаш суриштирув ишлари орқали амалга оширилиб, айнан ушбу фаолият орқали керакли маълумотга эришилади.

Тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув чораларини биргалиқда олиб бориш суриштирувнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Дастлабки тергов ҳамда суриштирув доимо жиноят ишларини тергов қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар доираси катта бўлишини тақозо этган. Бу илгари ҳам бўлган [1], хозир ҳам шундай.

Хорижий тажриба амалиётини тўғридан-тўғри миллий қонунчиликка имплементация қилиш жиноятчилик билан кураш масалаларига чек қўймади. Жиноят судлов иш юритувида суриштирувнинг классик шакллари дифференциал таҳлил қилиш йўли билан, ушбу муаммони ҳал этиш мумкин назаримизда.

Жиноят процесси шакллари типологияси жаҳонда суриштирувнинг асосан уч модели амал қилишидан далолат беради.

1) Романо-герман модели (энг кенг тарқалган модел – Европанинг бир қатор мамлакатларида амал қилади);

2) Англо-саксон модели (АҚШ, Англия, Канада ва бошқ.);

3) Мусулмон модели (мусулмон давлатлари жиноят процессида — Эрон, Покистон, Судан ва бошқ.).

Юқоридаги дастлабки икки модель турли муаллифлар томонидан кўплаб тадқиқ этилганлиги сабабли, жиноят процессининг мусулмон ҳуқуқи моделининг асосий белгиларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Мусулмон ҳуқуқи моделидаги жиноят процессининг асосий жиҳатларини кўриб чиқадиган бўлсак, у инсонпарварлик ва инкор этиб бўлмаслик каби принципларга асосланади.

Мусулмон ҳуқуқининг ўзига хос жиҳати сифатида далилларни баҳолаш тизими шариат нормаларига асосланишини алоҳида таъкидлаш мумкин. Мусулмон ҳуқуқида барча жиноятлар 3 та гуруҳга бўлинган: «Худуд», «Кисас ва Дийя» ва «Тазир». Алоҳида эътироф этиш керакки, «Худуд» тоифасидаги жиноят ишларида исбот қилиш тизими шариат қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолатда Қуръон ва Суннада кўрсатилган усулларга асосланади. Қуръон ва Суннада акс эттирилган асосий далил манбаига гувоҳларнинг кўрсатувлари ва қасам ичиш киради. Одатда ушбу икки далил манбалари мусулмон жиноят процессида марказий ўринни эгаллайди [2].

Муҳим жиҳати шундаки, судья суддан ташқари маълумотлардан фойдаланилишига йўл қўйилмайди. Бунинг сабаби – олдиндан олинган маълумотлар асосида ҳукм қилиш – далилларсиз қарор қабул қилишга тенглаштирилади. Яъни, далилларнинг мақбуллиги ва алоқадорлиги судья томонидан фақатгина суд жараёнида таъминланиши керак. Мусулмон ҳуқуқида судья жиноят иши юритувини олиб борувчи ягона процессуал шахслигини инобатга олиб айтиш жоизки, судьянинг ички ишонч мезонлари судда тақдим этилган далиллар асосидагина шаклланади.

Шу билан биргаликда, мусулмон процессида қатъий исботлаш мажбурияти жабрланувчи ва прокурорга юклатилган. Хусусан, “бир айбсиз инсонга айб қўйгандан кўра бир неча айбдорлар жавобгарликдан холи бўлгани маъқул” деган қатъий принципдан келиб чиқиб, уларга жуда катта талаблар қўяди. Мусулмон ҳуқуқни қўллаш амалиётида шундай фикр шаклланганки, оғзаки кўрсатмалар шартлиги қоидаи айблов тарафига ниҳоятда катта иш ҳажмини юклайди, зеро аксарият жиноятлар ўзининг маънавий ва жисмоний етуклиги билан эътироф этилган икки эркак олдида содир этилмайди.

ГИБРИД – жиноятларни фош этиш бўйича муфассал модель. Жиноят ишлари юритуви доирасига янги процессуал фигурани - «содалаштирилган суриштирув қўлланилаётган шахс»ни жалб қилиш зарур. мазкур процессуал фигурага аналогия сифатида қонунчиликда назарда тутилган “амнистия акти қўлланилаётган шахс”ни кўрсатиш мумкин.

Шу тариқа, жиноят процесси иштирокчилари иерархиясида мазкур процессуал шахс гумон қилинувчи ва айбланувчи ўртасида бўлиб, содалаштирилган иш юритуви қўлланилганда шахс келгусида айбланувчи процессуал ҳолатига ўтмаслиги ҳам мумкин (айбланувчи мақоми билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар ҳам юзага келмайди).

Жиноятларни изидан фош этиш муаммосининг оптимал ҳал этиш йўлларида бири бу – интернет тармоғидан холи равишда (интранет тизимида) суриштирувчиларнинг ягона электрон порталини яратиш бўлиб, у тажриба ва маълумот алмашинуви (пароль орқали) асосий майдони сифатида хизмат қилади ва истиқболда республиканинг турли ҳудудларида процессуал ва тергов ҳаракатларини масофавий ўтказилишини ҳам таъминлайди.

Бу шаклдаги тизим тергов қилиш соҳасида янги имкониятларни яратади, лекин шунинг билан бирга тергов материалларининг конфиденциал характерини инобатга олиб, махсус хавфсизлик чораларини кўриш мақсадга мувофиқ (ҳар бир суриштирувчи индивидуал кириш кодига эга бўлади).

Жумладан, мазкур масала юзасидан айрим процессуалистларнинг фикрини келтириш мақсадга мувофиқ. Л.В.Головконинг фикрича, дастлабки терговнинг “совет” модели тамоман ўз аҳамиятини йўқотди, лекин ўрнига янги модель жорий этилмади. “Ўтиш ҳолати”дан, яъни “постсовет даври”дан кутилаётган чиқишнинг ва дастлабки янги барқарор шаклининг ўрнига аксинча тинимсиз “ваколат учун кураш”ларга бой “институционал ботқоққа” янада чуқур ботиб кетдик [3, 10-бет].

А.В. Смирнов эса “de lege ferenda” тартибида дастлабки терговнинг синтезлашган янги модели таклиф этиб, мазкур модель Россия жиноят процессининг ўзини тўла оқлаган таомилларини инкор этмаган ҳолда, амалдаги процессуал шаклларнинг камчиликларини ҳисобга олиб, унинг ижобий жиҳатларини ўзида намоён қилади [4].

Ҳозирда энг кенг тарқалган тенденциялардан бири дастлабки терговдан суриштирув фойдасига воз кечиш тенденцияси бўлсада, А.С.Золотарев ва С.И. Гирьконинг [5, 25-бет] суриштирув ва дастлабки терговнинг кетма-кетлигини тиклаш зарурлиги тўғрисидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Зеро назаримизда, ҳозирда жиноят ишини қўзғатиш босқичига тегишли барча фаолиятни суриштирувга киритиш зарурлиги тўғрисидаги фикр асослидир [5].

Суриштирув давлатнинг жиноятчиликка қарши курашда самарали инструмент ҳисобланади. Суриштирув органларининг асосий вазибалари фақатгина суриштирув фаолиятдан иборат эмас, масалан, милиция ёки полиция жамоат тартиби ва хавфсизлиги учун масъул.

С.В. Лаврухина ва Ю.С. Комягининг фикрича, терговчи жиноят иши бўйича “локомотив” вазибаларини бажаради [6, 17-бет]. Бугунги кун тергов амалиётидан келиб чиқиб, ушбу ўхшатиш билан келишиб бўлмайди, зеро терговчи – формализация (persona de formalization), ёхуд кабинет кишиси бўлиб, унинг асосий иш фаолияти кабинетдан чиқмасдан тергов фаолиятини процессуал расмийлаштиришдир, бошқача қилиб айтганда, тезкор-қидирув ходимлари томонидан амалга оширилган процессуал ва тергов ҳаракатларини процессуал қайд этадиган, кўп ҳолларда эса тақоррайдиган процесс иширокчисидир.

Ўтказилган таҳлил шундан дадалат берадики, инновациялар ва синтез жараёни муқаррардир, лекин бунинг учун аввало, қонунни қўллаш юзасидан билим ва кўникмалар, тактик усулларни қўллаш тажрибаси зарур бўлиб, ҳозирда инфорацион технологиялар шиддат билан ривожланиши муносабати билан тергов

қилишнинг янги инновацион услубларини татбиқ этиш жоиз.

Барча тергов материалнинг асоси - “ярим чала пишган ош”, тезкор-қидирув ходимлари томонидан тайёрланиб, далиллар базаси айнан шу босқичда шакллантирилади.

Назаримизда, тезкор-қидирув ходимлари ва суриштирув органлари, тергов органларидан фарқли равишда, тезкор, жиноят ҳодисаси бўйича кенгроқ ва батафсилроқ маълумотга эгадирлар, лекин афсуски, мазкур маълумотни ишга солиш бўйича етарлича процессуал воситалардан фойдаланиш имкониятлари чекланган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1926 йилги ЖПКнинг 97-моддаси, 1929 йилги ЖПКнинг 4-моддаси, 1959 йилги ЖПКнинг 97-моддаси.

2. Гусенова П.А. Особенности доказывания по мусульманскому праву/ Евразийский юридический журнал. – № 9 (76) 2014 (дата обращения: 10.04.2015. <http://www.eurasia-allnews.ru/>)

3. Головкин Л.В. Архетипы досудебного производства, возможные перспективы развития отечественного предварительного следствия. Уголовное судопроизводство. –№2. 2014. –Б.10.

4. Смирнов А.В. Российский уголовный процесс: необходима новая модель http://rapsinews.ru/judicial_analyst/20150122/273010035.html. Также, <http://www.iuaj.net/node/1700>

5. Гирько С.И. Сбываются ли прогнозы и опасения о перспективах дознания в сокращенной форме? Российский следователь. –№ 5. 2014. –Б. 25.

6. Лаврухин С.В. Комягина Ю.С. Процессуальные функции следователя. // Российский следователь. 2014. –№9. –Б. 17.

Қ.Маткаримов,

ТДЮУ катта илмий ходим изланувчиси

МЕДИАЦИЯ ИНСТИТУТИ – ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИНИ ГУМАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Аннотация: мазкур мақолада медиация институти жиноят ишлари бўйича иш юритишни гуманизациялаштиришнинг муҳим йўналиши сифатида тадқиқ этилиб, медиация институти хорижда қўлланилиши ва унинг ижобий жиҳатлари, жиноят ишлари юритувига таъсири каби масалалар очиб берилган. Медиация институтининг хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқий асослари билан бирга халқаро ҳуқуқий асосларига ҳам ўрганилган. Ушбу таҳлил натижасида мамлакатимизда мазкур институтни жорий қилишга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: гуманизациялаштириш, ярашув институти, ярашув-медиация, хусусий айблов, низони ҳал қилишнинг суддан ташқари воситалари, айбсизлик презумпцияси, жиноятда жабрланувчи, воситачи.

Аннотация: в данной статье исследованы вопросы института медиации, как важного направления гуманизации уголовного судопроизводства; раскрыты вопросы применения института медиации и его положительные аспекты в зарубежных странах; проанализированы международно-правовые основы института медиации. В результате данного исследования были разработаны рекомендации по внедрению данного института в законодательство Республики Узбекистан.

Ключевые слова: гуманизация, институт примирения, примирение-медиация, частное определение, внесудебные средства, разрешение споров, презумпция невиновности, потерпевший в преступлении, посредник.

Annotation: In this article was held the analyses of the issues of Institute of mediation as an important direction for the humanization of criminal justice. It disclosure questions demonstrate how the institute of mediation and its positive aspects in foreign countries, the impact of this institution to ugalovonomu proceedings. Together with foreign experience, also analyzed the international legal basis institu- mediation. As a result of this study recommendations for the implementation of this institution in the country were developed.

Key words: humanization, Institute of conciliation, the conciliation-mediation, private prosecution, is legal means of dispute resolution, the presumption of innocence, the victim of a crime, the mediator.

Мамлакатимизда жиноят-процессуал қонунчиликка 2001 йилда ярашув институтининг киритилиши жиноят ишлари юритувини гуманизациялаштиришда муҳим тарихий босқич бўлганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Ўз навбатида, мазкур масала юзасидан халқаро тажрибаларга мурожаат қилиш фойдадан холи эмас.

Айтиб ўтиш лозимки, жиноят процессида ярашувнинг икки тури мавжуд: 1) оддий ярашув [1] ва 2) ярашув-медиация [2]. Миллий жиноят ишларини юритишга жорий этилган ярашув институти юқорида кўрсатиб ўтилган ярашувнинг биринчи тури, яъни оддий ярашувга киради [3]. Ўз навбатида, хорижий

давлатлар жиноят-процессуал ҳуқуқида сўнги йилларда ярашувнинг иккинчи тури – ярашув-медиация институти кенг қўлланилиши давом этмоқда.

Жумладан, мазкур институтнинг Польшада 1995 йилда қонунчиликка киритилган бўлса, Австрия, Бельгия, Франция, Финляндия, Буюк Британия, Норвегия, Германия каби жаҳоннинг бошқа давлатларида 25 йилдан буён амалда [4]. БМТ Уставининг 33-моддасида медиация (воситачилик) низоларни ҳал этиш воситаси сифатида тан олинган. Европа Парламенти ва Кенгашининг 2008 йил 21 майдаги ЕИ 2008 (52) директиваси фуқаролик ва тижорат соҳасидаги медиациянинг айрим аспектига тааллуқли бўлиб, медиация тушунчасига қуйидагича таъриф берилди: “Низонинг икки ёки ундан ортиқ тарафлари улар ўртасидаги низони ҳал қилиш тўғрисида келишувга эришиш мақсадида, мазкур жараён тарафларнинг ташаббуси билан уюштирилганлигидан, суд томонидан таклиф этилган ёки тайинланганлигидан ёки миллий қонунчиликда кўрсатилганлигидан қатъи назар учинчи тарафга ёрдам сўраб мурожаат этиши жараёнидир”.

Медиацияни ўрганиш бўйича халқаро тадбирларда унинг самарадорлиги бўйича бир қанча рақамлар келтирилади. Масалан, АҚШда мазкур процедурадан ўтган ишларнинг 95 фоизи суд муҳокамасигача етиб бормаган. Германияда медиациянинг кўрсаткичлари катта таассурот қолдиради – 90 фоиздан кўпроқ музокаралар тарафларнинг келишув битими билан якунланган. Қуйи Саксонияда самарадорлик 97 фоизни ташкил этади. Буюк Британияда 90-95 фоиз низоли ҳолатлар суд муҳокамасига қадар ҳал этилади. Европада медиациянинг самарадорлиги ўртача 40-80 фоизни ташкил этади [5].

АҚШда жиноятдан жабр кўрган ва жиноятчи ўртасида воситачилик ассоциацияси мавжуд. Ушбу ассоциация Миннеаполис шаҳрида воситачилик марказини ташкил қилиб бевосита шу марказ жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида бўлган можароларни ярашув асосида ҳал этиш билан шуғулланиб, ушбу марказ амалга оширган ярашувларнинг 379 тасини ўрганиш юзасидан қуйидаги рақамлар мавжуд: 90 % жабрланувчи ва айбланувчи ўртасида ярашув тўғрисидаги келишув имзоланган ва 23000-32800 АҚШ долларига тенг зарар қопланган [6].

Медиация (лот. mediation – воситачилик) хусусий ва умумий ўртасидаги зиддиятларни ечиш усулини; низоларни унда бевосита иштирок этаётган учинчи шахс кўмагида тинч йўл билан ҳал қилиш усулини [7], яъни мавжуд ҳуқуқий зиддиятни ҳал этишнинг ижтимоий етук усулини [8], англатади. Бу борада М.Бобожоновнинг қайд этишича, медиация – томонлар ўртасида низони холис шахс (воситачи) иштирокида, низоли масала бўйича томонлар учун мажбурий бўлган келишув ишлаб чиқиш асосида ҳал қилиш усули. Бу жараёнда учинчи тараф, яъни воситачи қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлмайди [9].

Медиация ёки ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини мамлакатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш содир этилган жиноий қилмишларнинг зарарли оқибатларини бартараф этиш билан бир қаторда, улар такроран содир этилишининг олдини олиш учун ҳам имконият яратади.

Аммо, медиация турли кўринишларга эга бўлиши мумкин ва қуйидаги саволларга жавоб топишни талаб қилади:

биринчидан, медиация одатдаги жиноят ишларни юритишга ўзига хос қўшимча бўладими ёки унинг муқобили сифатида амал қиладими?

иккинчидан, жиноят ишларининг қайси тоифалари бўйича ва жиноят ишини юритишнинг қайси босқичидан бошлаб медиацияни қўллашга йўл қўйилади;

учинчидан, медиация институтини жиноят ишлари юритуви принциплари билан “боғлаш” учун нима қилиш керак;

тўртинчидан, ярашув ҳуқуқи кимга берилиши лозим? Албатта, бу масала медиациянинг моҳияти ҳақидаги биринчи, асосий масаланинг тадрижий давомидир. Ярашув тартибининг қўлланилиши натижасида эришилиши мумкин бўлган келишувнинг юридик табиати ва унинг оқибатлари муаммосининг ечими ҳам шу саволга топиладиган жавобга боғлиқдир;

бешинчидан, жиноят ишлари юритувида сир сақлаш тўғрисидаги масалалар эътибордан четда қолмаслиги керак. Медиацияга татбиқан гап, бир томондан, тергов сири тўғрисида – жиноят ишини юритиш билан боғлиқ ахборот қай тарзда, қай ҳажмда ва қай шаклда медиаторга берилиши мумкинлиги ҳақида бориши мумкин. Бошқа томондан эса, медиаторга гувоҳлик иммунитетини берилиши лозим, чунки жиноят процесси томонлари унга қонун билан қўриқланадиган сирнинг предметини ташкил этадиган маълумотларни хабар қилишлари мумкин;

олтинчидан, зарарни қоплаш қай шаклда амалга оширилиши мумкин: пул кўринишидами, ишларни бажариш, мол-мулкни бериш йўли биланми.

Ўз вақтида К.Дали ва Р.Иммарижеон қуйидаги саволни ўртага ташлаган эди: янги амалиёт мавжуд одил судлов тизимига осонгина жорий этиладими ёки унинг мазмун ва моҳиятида ўзгариш ясайдими [10].

Европа Кенгаши Вазирлар кўмитасининг 1999 йил 15 сентябрдаги Тавсиясига биноан, давлатлар медиация таомилларини қонун йўли билан тартибга солишга мажбур эмаслар. Аммо, миллий қонунчилик ҳеч бўлмаса уни амалга ошириш имконини бериши ва ҳатто уни амалга ошириш учун имконият яратиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, жиноятга муносабат билдиришнинг мазкур механизми доирасини айнан келажак белгилайди [11].

Медиацияни амалга ошириш жараёни унинг ўз асослари ва ички нормалар ёрдамида тартибга солинади. Ҳамма ўз фикрини билдириб, келишувга эришилгандан сўнг, иш суд мантиқига қайтади. Бу томонларга медиацияга мажбурлов хусусиятига эга бўлган жиноят ишлари юритувининг ажралмас қисми сифатида қарамаслик имконини беради.

Медиация ва одатдаги жиноят ишлари юритувини ажратиш медиациянинг ихтиёрийлиги, воситачини танлашга бўлган ҳуқуқ, воситачиликни амалга оширишда расмиятчиликни мумкин қадар камайтириш, якуний қарорни қабул қилишда бевосита иштирок этиш, қарорни ижро этишнинг ихтиёрийлиги сингари афзалликларга эга бўлиш имконини беради.

Ўз ечимини талаб қиладиган яна бир муҳим масала медиация қўлланилиши мумкин бўлган ишлар доирасини белгилаш билан боғлиқ.

Авваламбор, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, медиациянинг қўлланиш доираси жиноят-ҳуқуқий зиддиятларни ҳал этиш билан чекланмайди. Хусусан, медиация фуқаролик ҳуқуқида меҳнат можароларида, педагогик фаолиятда воситачилик стратегияси сифатида анча кенг тарқалган.

Европа Иттифоқи Кенгашининг 2001 йил 15 мартдаги “Жиноят ишлари юритувида жиноятлардан жабрланганларнинг ўрни тўғрисида”ги Асосий қарорига мувофиқ, ҳар бир иштирокчи-мамлакат жиноят ишларида медиацияга ўзи бундай чорани қўллаш учун мос келади, деб ҳисоблаган ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолларда имконият яратиши лозим (10-модданинг 1-қисми). Ярашув дастурларини қўллашга йўл қўйилган жиноят ишларининг тоифалари юзасидан давлатларга Европа ҳам, жаҳон ҳамжамияти ҳам мажбурийат юкламайди. Хусусан, бир қатор дастурлар номусга тегиш ва зўрлик ишлатиб содир этиладиган бошқа тажовузлар билан боғлиқ ҳолларда медиацияни ўз ичига олади; бундан ташқари, ярашув дастурлари одам ўлдирганлар ва жабрланганларнинг оилалари ўртасида ўтказилади. Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини мастлик ҳолатида содир этган ҳуқуқбузарлар ва жабрланганларнинг тирик қолган оила аъзолари ҳаётини тиклашда ёрдам бериш учун ҳам медиациядан фаол фойдаланилади [12]. Медиация амалга оширилганда, авваломбор томонларнинг, қолаверса, жамиятнинг манфаатлари қондирилади ва бунинг натижасида тегишли ижтимоий муносабатлар тикланади.

Агар медиация қўшимча восита ҳисобланса, ундан ўта оғир жиноятлар бўйича иш юритиш якунлангандан кейин, ҳатто озодликдан маҳрум қилиш шароитларида ҳам фойдаланилиши мумкин. Шу билан бир вақтда, ярашув тартиб-таомилларидан бу қадар кенг фойдаланиш ҳам умумий ва хусусий превенция, ҳам жабрланувчининг ҳуқуқларини ярашувга оғдириш мақсадида унга таъсир ўтказишдан ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан хавфли бўлиши мумкин.

Биз А.В.Смирновнинг медиацияни “экскузив” (лот. *excluso* – кечирмоқ, озод қилмоқ) жиноятларга нисбатан қўллаш ҳақидаги таклифига қўшилаемиз. Россия ҳуқуқи учун (шу жумладан республикаимиз ҳуқуқи учун ҳам) бу категория юридик хусусият касб этмайди. Аммо, А.В.Смирнов қайд этишича, айрим жиноятлар уларни жабрланувчилар тегишли тарзда идрок этишлари натижасида шундай хусусият касб этади: жинсий озодликка қарши жиноятлар, шахсга, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати ва ишбилармонлик обрўсига қарши жиноятларнинг айримлари, мулкка қарши жиноятлар [13].

Бизнингча, муваффақиятли ўтказилган медиация дастури жиноий таъқибни тугатиш учун асос сифатида мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги ишларни юритишда мавжуд бўлиши мумкин. Бу, *биринчидан*, етказилган зарарни қоплаш шакли билан боғлиқ. *Иккинчидан*, медиация хусусий айблов ишлари бўйича ярашув институтига таҳдид солмаслиги керак. Бинобарин, республикаимизнинг жиноят процессида “эксклузив” ишларнинг барчаси ҳам медиацияни қўллаш учун мос келавермайди.

Айни пайтда, медиацияни қўллашдан жиноят процессини соддалаштириш ва жадаллаштириш мақсади ҳам кўзланади. Мавжуд жиноий таъқибни тугатиш асослари тизимини бузмаслик учун медиация ижобий натижаси жиноят ишини юритишни тугатишни белгилайдиган жараён сифатида амалга жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги вақтда жиноят процесси назариясида медиатив ишларни фарқлашнинг ягона мезони мавжуд эмас. Бундай мезон сифатида жиноятнинг оғирлик даражаси, унинг енгиллаштирувчи хусусияти, жиноят

ишини юритишнинг алоҳида тартиби илгари сурилади. Бизнингча, бундай мезон сифатида жиноий тажовуз объекти амал қилиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, медиация мулкка қарши жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича қўлланилиши мумкин.

Медиация билан боғлиқ яна бир муҳим масала жиноят процесси принципларига риоя этишдир. Зеро, медиация принциплари жиноят процесси принциплари билан доим ҳам тўла мос келавермайди.

Айбсизлик презумпциясидан бошлаймиз. Гумон қилинувчи, айбланувчининг ўз айбига иқрор бўлмаслик ҳуқуқи жиноят ишини юритиш жараёни давомида амал қилади. Медиацияда бутунлай бошқача вазият юзага келади. Токи ҳуқуқбузар ўз айбига иқрор бўлмас экан, унга нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин эмас. Бундан ташқари, жиноят ишини юритиш медиация жараёнида келишувга эришилгани муносабати билан тугатилган бўлса, айтиб бериш жиноятни содир этганлик учун шахс қайта жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги қонун йўли билан мустақамланиши лозим. Медиацияда иштирок этиш истаги, медиацияда иштирок этишнинг ўзи сингари, шахс жиноятни содир этишда ўз айбига иқрор бўлганлигининг далили сифатида баҳоланиши мумкин эмас.

Айни бир масалани тартибга солишда жиддий фарқлар гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳимояга бўлган ҳуқуқига татбиқан ҳам кузатилади. Медиация жараёнида адвокат иштирок этишга ҳақлими ва лозими? М.Гроенхейен ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, медиация жараёнида адвокатларнинг ҳозир бўлиши ва иштирок этиши томонлар ўртасида келишувга эришиш имкониятини камайтиради [14], 1990 йилда Жиноятларнинг олдини олиш бўйича БМТнинг VIII Конгрессидан қабул қилинган Адвокатларнинг роли тўғрисидаги асосий қоидаларда ҳар қандай инсон жиноят процессининг барча босқичларида адвокатга ёрдам сўраб мурожаат этишга ҳақли эканлиги таъкидланган. БМТнинг медиация асосий принципларига доир ҳужжатида жиноят процесси томонлари келишув жараёнидан олдин ва кейин юридик маслаҳат олиш ҳуқуқига эга бўлишлари лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Аммо, адвокат медиация жараёнида фақат кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.

Нихоят, қонун билан қўриқланадиган сир, биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек, давлат томонидан таъминланиши лозим. Медиатор медиацияни ўтказиш чоғида ўзига маълум бўлган ахборотни ошкор этишга ҳақли эмас. Медиатордан бундай ахборотни талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди.

Низони медиация йўли билан ҳал этишда учинчи мустақил томон ким бўлиши мумкин, деган масала, бизнинг назаримизда, медиация муаммосининг энг мушкул масалаларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Англия ва Уэльсда медиация ихтисослаштирилган медиация хизматлари томонидан, Финляндияда – расмий суд тизимига нисбатан ёрдамчи бўлган, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш билан шуғулланадиган хизмат томонидан, Норвегияда – муниципалитет ҳузуридаги воситачилик кенгашлари томонидан, Чехия ва Польшада – ноҳукумат ташкилотлари томонидан амалга оширилади. Умуман олганда, бу масалани ечишнинг икки йўли бор: ё медиация жиноят процесси доирасида (масалан, прокурор ёки судья томонидан)

[15], ё унинг доирасидан ташқарида учинчи шахс томонидан [16], ўтказилади.

2009 йил 17 февралда қабул қилинган медиация стандартларида ҳар қандай жиноят ҳуқуқбузарнинг жабрланган шахсга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти келиб чиқишига сабаб бўлиши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Моҳиятан бу ерда гап ярашув битимини тузиш имконияти ҳақида боради. Ярашув битимининг моҳиятини тадқиқ этган Л.В.Головко битим жиноят билан етказилган зарарни пул билан қоплашга қаратилган тақдирда, ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг шартнома мажбуриятларига айланиши юз бермаслигини, акс ҳолда ҳуқуқбузарликдан келиб чиқадиган мажбуриятлар бекор бўлиши ва янги – шартнома мажбуриятлари пайдо бўлишини таъкидлайди [17].

Бинобарин, ҳуқуқбузар бундай битим бўйича олган мажбуриятларини бажаришининг кафолатлари қай тарзда таъминланиши мумкин, деган табиий савол туғилади.

Жаҳон амалиётида бу вазифани ечиш йўллари кўп, чунончи: жабрланган томон кейинчалик фуқаролик суд ишларини юришти тартибда ҳимоя қилишни сўраб муурожаат этиши (Англия, Уэльс); ярашув битимининг прокурор томонидан тасдиқланиши, дарвоқе, у низони ҳал этиш йўллари томонларга таклиф қилиши мумкин (Бельгия); томонларга битимни ижро этиш учун вақт берилганидан кейин судья иш бўйича узил-кесил процессуал қарор қабул қилиши мумкин ва ҳ.к.

Медиация тартиб-таомилларини жиноят процессига жорий этиш зарурлиги тўғрисидаги масала олимлар ва мутахассислар ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда. Назаримизда, бу масалани хусусий айблов институтини кенгайтириш йўли билан ҳал этиш, сўнг эса, шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, медиация тўғрисидаги янгилликларни қонунчилик даражасида яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг фикримизча, миллий ҳуқуқий тизимда медиацияни қўллашнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида медиация тўғрисида махсус қонун қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, “Суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикасида хусусий айблов жиноят ишларини ҳал этишнинг ярашув шаклини такомиллаштириш чет эл давлатларининг ҳуқуқий амалиётида тўпланган ярашув дастурларини ўтказиш тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим. Мазкур дастурларнинг бош элементи жабрланувчи ва айбланувчининг ўзаро фойдали аҳдлашувлар асосида ярашувга эришиш мақсадида ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бевосита ўзаро алоқасидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Носьфева Е. Посредничество в урегулировании правовых споров: опыт США. // Государство и право. - 1997. - №5. - Б.109-111; Акрамходжаев Б.Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: Дис. ...канд. юрид. наук. – М., 1992. – С.212.

2. Рустамбаев М.Ҳ., Тухташева У.А. Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти ва суд-ҳуқуқ ислохоти: илмий-публицистик нашр. – Т.: ТДҲОИ, 2009. –Б.289.

3. Пайзуллаев К.П. Ярашув битими жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида. // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт. – Т.: ТДҲОИ, 2005. –Б.34.

4. Международный семинар «Альтернативные формы урегулирования гражданско-правовых и хозяйственно-правовых конфликтов». – Минск, 9.07.2008 г.; Международная научно-практическая конференция «Медиация как альтернативный метод разрешения споров. Российский и зарубежный опыт регулирования. Практика применения» Екатеринбург. 9-10 октября 2008 г.

5. Абдурасулова Қ.Р., Тўлаганова Г. Ярашувчилик институтида адвокатнинг иштироки. // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт. – Т.: ТДҲОИ, 2005. –Б.21.

6. Энциклопедический словарь / Под ред. Г.В.Осипова. – М., 1998. – С. 173–174.

7. Аверина Ю.А. Теория формальных доказательств и судебное правоприменение. // Правоведение. 2006. №5. – С. 233–242.

8. Бобожонов М. Низоларни ҳал этишнинг муқобил усуллари. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 2015 йил, 3-сон. – Т, 2015. – Б. 19.

9. Дали К., Иммариежон Р. Прошлое, настоящее и будущее восстановительного правосудия: некоторые критические размышления.

10. Максудов Р. Восстановительное правосудие: концепция, понятия, типы программ.

11. Faget J. La mediation penale: une dialectique de l'ordre et du desordre // Deviance et societe. 1993. Vol. 17. № 3. – P. 226–227.

12. Место примирения и посредничества в доктрине уголовного правосудия (Экспертный семинар, проведенный сектором проблем правосудия Института государства и права РАН совместно с Общественным центром «Судебно-правовая реформа») (Окончание). // Государство и право. 2006. №10. – С. 113–119.

13. Гроенхейзен М. Медиация жертвы и правонарушителя: правовые и процессуальные гарантии. Эксперты и законодательство в некоторых европейских странах. www.sprc.ru

14. Ambroise-Casterot C., Fricero N., Henry L.-C., Jaco P. Glossaire des procedures. – Paris, 2007. – P. 114.

15. Darbyshire P. English legal system. – London, 2007. – P. 12.

16. Головко Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. – СПб., 2002. – С. 498.

17. Брызгалова В.Д. Проблемы и перспективы развития медиации в урегулировании споров в России // Евразийский юридический журнал. – 2012. - №11. – С. 120–121.; Николюкин С.В. Особенности примирительных процедур в российском и белорусском законодательстве. // Евразийский юридический журнал. – 2011. - №34. – С. 26–30.; Хисматуллин Р.С., Миннибаева Д.Ф. Криминалистические проблемы процедуры медиации в уголовном процессе. // Евразийский юридический журнал. – 2014. - №1. – С. 122–124.

М.Ниязов,
ТДЮУ “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОКУРОРНИ РАД ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Аннотация: мақолада прокурорни жиноят процессининг ҳар бир босқичидаги процессуал мақомидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишини юритишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар миллий қонунчилик асосида таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: оммавий манфаат, хусусий манфаат, прокурорнинг процессуал мақоми, прокурорни жиноят ишини юритишда иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатлар.

Аннотация: в статье на основе национального законодательства анализируются обстоятельства, исключающие участие прокурора в производстве по уголовному делу, исходя из его процессуального статуса на каждой стадии уголовного процесса.

Ключевые слова: общественный интерес, частный интерес, процессуальный статус прокурора, обстоятельства, участие прокурора, производство по уголовному делу.

Annotation: in this article on the national legislation base had analyzed the questions of circumstances, opposite to participate of prosecutor in the criminal proceeding cause its process statuses upon the all stages of criminal proceeding.

Key words: public interest, private interest, process statuses of prosecutor, circumstances, opposite to participate of prosecutor in the criminal proceeding.

Прокурор жиноят процессининг барча босқичларида иштирок этувчи мансабдор шахс ҳисобланади. Прокурор амалга оширадиган ваколатлар жиноят процессининг қайси босқичида иштирок этишига қараб ўша босқичнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда белгиланган. Аммо унинг процессуал мақоми ЎзР.ЖПКнинг 33-моддасида қайд этилган. Унга биноан прокурор: а) суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; б) суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида қонуннинг бузилишини, ким томонидан содир этилганлигидан қатъи назар, бартараф этиш учун қонунда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида кўради; в) ўз ваколатларини ҳар қандай орган ва мансабдор шахсдан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсуниб ва Бош прокурор кўрсатмаларига таянган ҳолда амалга оширади.

Мана шу ваколатларни амалга ошириш прокурорга – судга қадар иш юритиш босқичида жиноят ишларини тергов қилиш чоғида жиноятга оид барча ҳолатларни холис ва ҳар томонлама аниқлигини, айбланувчининг айбини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни тўлиқ ўрнатишни таъминлаш вазифасини юклайди.

Суд муҳокамасида прокурорнинг вазифалари – давлат айбловини қувватлаш, далилларни текширишда иштирок этиш, жиноятнинг барча ҳолатларини тўлиқ аниқлаш мақсадида:

судланувчиларга, жабрланувчилар, гувоҳлар, экспертлар ва судга таклиф этилган бошқа шахсларга саволлар бериш, Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо турини ва меъёрини тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилиш, жиноятнинг сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чоралар хусусида ўз фикрини беришдан иборатдир (Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 409-моддаси). Шундай қилиб, прокурорнинг суд муҳокамасидаги ваколатлари ҳар бир жиноят иши бўйича қонуний, асосли ва адолатли ҳукм чиқарилишига эришишга қаратилган.

Прокурор ушбу вазифаларни ўзининг беғаразлиги ва холислигини сақлаб қола олгандагина муваффақиятли бажариши мумкин. Амалиётда прокурорни рад қилиш билан боғлиқ ҳолатлар жуда кам учрайди. Жумладан, биз томонидан ўрганилган ишларнинг бор-йўғи 0,2%дагина прокурорни рад қилиш ҳақида илтимослар билдирилган бўлиб, шулардан фақат 0,01%гина қаноатлантирилган. Прокурорни рад қилишга сабаб бўлган ва суд томонидан илтимослар қаноатлантирилган ҳолатлар қаторига: а) жиноят ишига жалб қилинган шахслар билан қариндошлик муносабатига эғалиги; б) унинг холислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирувчи муайян ҳолатларнинг мавжудлиги (яъни, жабрланувчи билан яқин муносабатга эғалиги) каби ҳолатларни киритиш мумкин.

Прокурорни рад қилишга оид амалиётдаги вазиятга қарамай, бу масала билан боғлиқ бир қанча муаммоларни аниқлаш мумкин. Чунончи, прокурорни рад қилиш сабаблари тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, бу сабаблар рад қилишнинг умумий ҳолатларига мос келади. Амалиётга ҳамда қонун нормаларидаги қоидаларга таяниб, прокурорни рад қилиш масаласининг қуйидаги уч турини қайд этиш мумкин: а) у иш бўйича аввал бошқа процессуал фаолиятни амалга оширган бўлса; б) у ишни юритилишида иштирок этаётган иштирокчилардан бирининг қариндоши бўлса; в) унинг холислигига шубҳа туғдирадиган бошқа ҳолатлар мавжуд бўлса, жиноят ишининг суриштирувида, дастлабки терговни юритишда ҳамда суд муҳокамасида, шунингдек ишни апелляция, кассация ва назорат тартибида юритилишида иштирок этиши мумкин эмас. Бироқ, жиноят иши бўйича суриштирувни, дастлабки терговни, суд муҳокамасини ёки ишнинг суд назорати босқичларида юритишда иштирок этишига монелик қиладиган қонунда қайд этилмаган бошқа ҳолатлар ҳам учраши мумкин.

Прокурорни рад қилишнинг асосий сабабларидан бири – бу унинг иш бўйича шахсий манфаатга эғалиги билан боғлиқ. Мазкур асосда прокурорни суд муҳокамасида рад қилишга оид масалани ҳал қилишда унинг суд муҳокамасидаги процессуал мақоми эътиборга олиш жойиз. Шунга қўра, прокурор суд муҳокамасида фақат тараф сифатида иштирок этиб, фаолиятининг асосий йўналишини – айблов хулосасида илгари сурилган айбланувчининг жиноятни содир этилишида айбли эканлигини асослаб бериш ташкил қилади. Бу дегани, ишнинг тақдирини ҳал қилиш прокурорнинг эмас, балки суднинг зиммасидадир. Ишнинг тақдири прокурор томонидан эмас, балки суд томонидан ҳал қилинар экан, унда

прокурорнинг шахсий манфаатга эга ёки эга эмаслиги масаласини кун тартибига қўйиш қай даражада асосли деган ҳақли савол туғилиши табиийдир.

Албатта, жиноят процессида манфаатдорлик масаласи мураккаб ва илмий мунозараларни келтириб чиқарган муаммолардан биридир. Зотан, жиноят процессидаги манфаат тушунчаси унинг иштирокчиларини классификация қилишнинг муҳим мезони ҳисобланади.

Хусусан, мазкур мавзу доирасида илмий иш олиб борган И.А.Матжановнинг фикрича, жиноят процессида манфаат тушунчаси қуйидаги критерияларга боғлиқ бўлган ҳолда классификация қилинади: давлатнинг манфаати, оммавий манфаат ва шахсий – жабрланувчининг, фуқаровий даъвогарнинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг, маҳжумнинг, фуқаровий жавобгарнинг манфаати [1, 326-бет].

Шу фикрга яқинроқ фикрни билдирган Ф.М.Мухитдинов жиноят процессидаги икки манфаатнинг негизида жиноят-процессуал функцияларнинг структурасини ишлаб чиқишга уриниб кўрган. Унинг таъкидлашича: «...жиноят процессидаги манфаатларнинг турли бўлишига қарамай, уларни яхлит бир тизимга бирлаштириш мумкин. Бу масалани жиноят-процессуал ҳуқуққа сингдирилган икки асосий мазмундаги, яъни «оммавий» ва «хусусий» манфаатлар тушунчаси асосида ҳал қилиш зарур» [2, 137-бет].

Мана шу қарашларга таяниб, биз ҳам жиноят ишини юритишга масъул бўлган иштирокчиларнинг «шахсий манфаатга эгаллиги туфайли рад қилиш» тушунчасини ана шу «оммавий» манфаат мезонига асослашга уриниб кўраимиз. Дарҳақиқат, жиноят процессини юритишга масъул бўлган шахсларнинг процессуал мақоми шундаки, улар жиноят содир этган шахсни аниқлаш, унинг айбини фош қилиш ва унга жазо белгилаш вазифасини айнан давлат томонидан берилган ваколатлар асосида амалга оширадilar ва ушбу фаолиятни бажариш орқали «оммавий» манфаатини намоён қиладилар. Шу боис ўз фаолиятларини амалга оширишда иштирокчилар бирон-бир шахсий манфаатни кўзлаб ҳаракат қилишларига йўл қўйилмайди. Шахсий манфаат доимо «омма» манфаатидан мустақил тушунчадир. Зеро, «оммавий» манфаат ижтимоий – кўпчиликнинг манфаатидир. Шахсий манфаат доим ҳам кўпчиликнинг манфаати билан мос келмаслиги мумкин.

Шундай бўлгач жиноят процессида ижтимоий – оммавий манфаатни ифода этувчи прокурор ишнинг юритилишида шахсий манфаатга эга бўлганлигини кўрсатувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда дарҳол ўзини ўзи рад қилиши, агар у бундай қилмаса бошқа иштирокчилар томонидан рад қилиниши лозим. Чунки, давлат айблови – давлатнинг жиноят процессидаги муҳим функцияларидан бири бўлиб, қонун унинг ҳолис ва беғараз юритилишини кафолатлаши лозим. Бошқа томондан, прокурор суд муҳокамасида давлат айбловини амалга оширишдан ташқари, суд олди босқичида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни ҳам амалга оширади. Шундай экан, жиноят ишнинг тақдири судга қадар иш юритув босқичдаги прокурорнинг фаолиятига узвий боғлиқдир. Бу эса жиноят ишини юритилишида прокурорни рад қилишни муҳим ва долзарб масалага айлантиради. Бу борада Х. А. Мамедованинг фикрлари ўринлидир. Унинг таъкидлашича, суд муҳокамаси босқичида прокурор

ишни тақдирини ҳал қилувчи мавқега эга бўлмасида, лекин суднинг ҳукмини шаклланишида давлат айбловчиси муҳим ўрин тутди. Бундан ташқари, прокурорни рад қилиш меъёрлари нафақат унинг суд муҳокамасидаги, балки дастлабки терговдаги фаолиятини тартибга солади. Негаки, прокурорнинг дастлабки терговдаги фаолияти жиноят ишнинг, демакки жиноий жавобгарликка тортилган айбланувчининг кейинги тақдири учун нафақат устувор, балки ҳал қилувчи мавқега эгадир. Шу сабабли, шахсий манфаатга эгаллиги боис прокурорнинг рад қилиниши ҳолати, унинг жиноят процессида қонунларнинг тўғри ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириши билан ифодаланиши мумкин [3, 87-бет].

Прокурорнинг айнан мана шу процессуал мақоми, амалиётда баъзан учраб турадиган ҳолатларда прокурорни жиноят ишини кўрилишида иштирок этишига монелик қилади. Назарда тутилаётган ҳолат – ишнинг кўрилишида илгари судья бўлиб иштирок этган прокурорнинг ишдаги иштироки билан боғлиқ. ЖПКнинг 76-моддаси «судьянинг ишда илгари прокурор мақомида иштирок этганлигини, унинг ишни муҳокама қилишда қатнашувига монелик қиладиган ҳолат» сифатида баҳолайди. Лекин бунинг акси бўлган ҳолат аниқланганда уни қандай ҳал қилиш зарурлиги жиноят-процессуал қонунчиликда аниқ ифода этилган эмас. Бу ҳолат қонун нормаларида акс этмаган бўлсада, амалиётда учраши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Айниқса, «Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ҳужалик суди, Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон судьялар ассоциацияси, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши ва бу органлар ҳодимларидан захиралар шакллантирилиши, шунингдек уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, жумладан, лавозимга қайта тайинлаш ёки ваколатлари тугаганидан сўнг ишга жойлаштириш даврида ижтимоий муҳофаза қилиш механизмларини кучайтириш» [4] масалалари назарда тутилган. Президентимизнинг 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойишининг қабул қилиниши билан ўта долзарблик касб этади.

Фикримизча, бундай ҳолат вужудга келганда, рад қилишнинг умумий асослари мазмунидан келиб чиқиб, прокурор ишда иштирок этишдан ўзини ўзи рад қилиши ёхуд бошқа иштирокчилар томонидан рад қилиниши лозим. Негаки, илгари судья сифатида иштирок этиб, иш бўйича якуний қарор қабул қилган шахс, ишнинг кейинги муҳокамасида қандай процессуал фаолиятни амалга оширишидан қатъи назар, ишда иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларнинг асоси бўлган – ҳолислик ва беғаразлик талабларига жавоб бермайди.

Худди шу талаб ишнинг кўшимча тергови устидан назоратни олиб бораётган прокурорнинг ишнинг юритилишида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолат сифатида аниқ ўз ифодасини топади. Зеро, ишнинг тергови устидан назоратни олиб бораётган прокурор ишдан манфаатдор бўлса, ишнинг кейинги тақдирига ўз таъсирини ўтказиши шубҳасиз. Бундай фикрни ишни юритаётган суриштирувчи ёки

терговчининг илгари судья сифатида иштирок этганлиги ҳолати юзасидан ҳам билдириш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, ЖПКнинг 76-моддасини «Агар давлат айбловчиси, шунингдек қўшимча тергов юритилаётган жиноят ишининг назоратини олиб бораётган прокурор илгари шу иш бўйича судья сифатида иштирок этган бўлса, рад қилиниши лозим» мазмунидаги янги 8-қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Мана шунда прокурорнинг жиноят ишини кўрилишида иштирок этишига монелик қиладиган ҳолатларнинг таркиби тўлароқ кўриниш олиб, амалиётда учраб турадиган ҳолатларни самарали ҳал қилиш имконини оширади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Матжанов И.А. Личные интересы участников уголовного процесса. –Т., 2010. –С. 326
2. Мухитдинов Ф.М. Жиноят процесси: моҳият, мазмун, шакл. –Т. 2002. – Б.137.
3. Мамедова Х.А. Институт отводов в советском уголовном судопроизводстве. –М., 1984. – Б.87.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида»ги Низомнинг 5-банди.

А.Матмуротов,
ТДЮУ “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

ТЕЗКОР - ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ОЛИНГАН ДАЛИЛЛАРНИНГ ЕТАРЛИЛИГИ ВА МАҚБУЛЛИГИ БОРАСИДА МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳиятини тўғри тушуниш, қабул қилинаётган қонунлар мазмунини баҳолаш ва уларнинг бошқа ҳуқуқий нормаларга бўлган таъсири, шунингдек, тезкор - қидирув фаолияти билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган.

Муаллиф томонидан қонунчиликни қиёсий таҳлил этиш, Ўзбекистон Республикасидаги жиноий иш юритишни ислоҳ қилиш жараёнини илмий тадқиқ этиш, унинг асосий йўналишларини белгилаш ва унинг истиқболдаги ривожланиш йўллари прогнозлаштириш амалга оширилади.

Калит сўзлар: суд-ҳуқуқ ислохотлари, тезкор - қидирув фаолияти, далиллар, исбот қилиш.

Аннотация: в данной статье исследуются вопросы правильного понимания сущности реформ, осуществляемых в Республике Узбекистан, оценки содержания принимаемых законов и их влияния на другие правовые нормы, а также, об совершенствовании оперативно-розыскной деятельности.

Автор проводит сравнительный анализ законодательства, научное изучение процесса реформирования уголовного судопроизводства в Республике Узбекистан, выделение его основных направлений и прогнозирование путей его дальнейшего развития.

Ключевые слова: судебно-правовые реформы, оперативно-розыскная деятельность, доказательства, доказывание.

Annotation: the article explores the issues of correct understanding of the reforms implemented in Uzbekistan, evaluation of the content of laws and their impact on other legal provisions, as well as the strengthening of operative-search activity.

The author carries out a comparative analysis of the legislation, the scientific study of the process of reforming the criminal justice system in Uzbekistan, highlighting its basic directions and ways to predict its further development.

Key words: judicial-legal reforms, operative-search activity, evidence, proof

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган “Асосий вазиғамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” номли тантанали маросимдаги маърузасида “...Қадимги дунёнинг буюк донишмандлари “Нимаики қонуний бўлса, у – адолатлидир”, деб таъкидлаганлари бежиз эмас. Улар шу тариқа айнан қонун адолат манбаи ва мезони эканини ўқтирганлар, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади. Ва аксинча, агар қонун бажарилмаса, қонунда бир нарса ёзилиб, ҳаётда ҳаммаси бошқача бўлса, одамларнинг Конституциямиз

ва қонунларимизда муҳраб қўйилган адолат ва демократия нормаларига нисбатан ҳар қандай ишончи йўқолади. Бундай ҳолат барчамизга аён. Қонун ва қонун устуворлиги бўлмаган жойда аввало унинг ўрнини коррупция деган бало эгаллайди.....” [1, 1-бет] деб таъкидлаб ўтди.

Сўзни жиноят процессининг бошланишидан ибтидо қилиш - содир этилган жиноятни фош этишда тезкор қидирув фаолияти натижаларининг далилий аҳамияти билан боғлиқдир. Жиноят процесси назарияси ва амалиётида эса муайян жиноят иши бўйича иш юритишнинг шунингдек, дастлабки (судга қадар) терговнинг бошланиши жиноят тўғрисидаги маълумотларнинг етиб келиши ва уни рўйхатга олиниши биланоқ юз беради, деб ҳисобланади. Рус адабиётларида уни қамоққа олиш билан судга мурожаат қилиш ёки уй-жойни тинтув қилиш ҳаракатлари ўтказилишига ёхуд жиноят ҳақида маълумот олиниб, қайд қилинишига боғлашади. Америка юристлари эса жиноят процесси бошланиши ҳақида бир фикрда эмаслар ва уларни 4 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Жиноят процесси қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ берилиши билан бошланишига эътибор берадилар. Масалан, профессор Э.Путткаммер шундай ёзади, хронологик кетма кетликдаги юридик қадамларнинг жиноят процессига оид қисми бўйича, биринчи қадам қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ ва кетидан иккинчи қадам бу қамоқнинг ўзидир [2, 9-бет].

2. Ишнинг ташкилий ҳолатидаги бир қилинган ҳаракатга урғу берилади. Масалан, профессор Э.Баррет процесс одатда жиноят содир этилганини аниқлаш мақсадидаги таъқиб билан бошланади деб фикр билдиради [3, 91-бет].

3. Юқоридаги икки фикрни қўшиб, уни тўлдирди. Масалан, профессор Р.Морелэнд эса Қондаларга бўйсиниб, ЖПнинг биринчи қадами жиноятчи деб топилган шахс олдинда турган суд муҳокамасига олиб қилиниши таъминлаш ҳисобланади. Лекин бу шарт эмас. Қатъий айтганда, жиноий иш ушбу икки асос бўйича бошланиши мумкин. У гувоҳ ва гувоҳларни сўроқ қилиниши билан, бундан ташқари бошқа тезкор қидирув фаолияти ва ундан кейин қамоққа олиш тўғрисидаги буйруқ берилиши билан бошланиши мумкин. Бошқача ёндашилса, бу фарз қилинган жиноятчини таъминлаш ва хусусий шахслар томонидан буйруқсиз қамоққа олиниши билан бошланиши мумкин дея таъкидлаб ўтган [4, 1-бет].

4. Биринчи инстансияда судгача содир этилган ЖП ҳаракатини ўз ичига олиб, жиноят иши бўйича тергов бошланиши таъкидлаб, мавжуд ҳолатларни тайинлаш ҳаракатларига боғлайди. Бунақа тарздаги аниқлаш Вискон университети профессори Д.Феллмэнга тегишли бўлиб, америка судларининг кўпчилиги унинг фикрига таянади. У қуйидагича таъкидлайди, ЖП ўз ичига коронер терговини, катта жюри томонидан кўриб чиқилиши ва магистратнинг дастлабки тарзда кўришини киритмайди [5, 123-бет].

Умуман олганда, жиноий таъқибни кўзғатиш бўйича тергов масаласи Англо-саксон модели судгача тергов босқичида қуйидаги хулосалар келтиришга олиб келади:

1. Судгача тергов Англо-саксон модели жиноят ишини кўзғатиш босқичини муайян шаклда билмайди ва у содир бўлган жойнинг судловига тегишлидир. Барча манбалардан келиб чиқиб, жиноий таъқибни

кўзғатувчи бўлиб, расман қамоққа олиб тергов қилиш ва тинтув қилиш учун ордер, суд магистрати томонидан судга қақиртириш тўғрисидаги буйруқ каби процессуал ҳужжатлар ҳисобланади.

2. Англияда жиноий таъқибни кўзғатувчи субектлар:

а) Шахсий характерга эга бўлган жиноят натижасида зарар кўрган шахс

б) Барча жисмоний ва юридик шахслар(қонунчилик томонидан берилган рўйхатда бу ҳуқуққа эга бўлганлар)

в) Давлат ҳокимияти ваколатли органлари

АҚШда жиноий таъқибни кўзғатиш бўйича асосий ўринда атторней хизмати туради ва унинг қабул қилган қарори 2 омилга таъсир қилади.

1) Йиғилган маълумотлар, материаллардан далил асосида бўлажак ишда ютиб чиқиш.

2) Атторней хизмати манфаатлари бўлиб, ижтимоий хавфли жиноят ва уни содир этган шахслар билан ҳисоб даражасига жавоб берадиган жиноят ишини юритиш ҳисобланади.

3. Жиноий таъқибни кўзғатиш ёки рад қилиш ёхуд уни тўхтатиш масалалари АҚШ Бош Атторнейи ва округ атторнейларининг алоҳида ваколатидир. Америка ЖП атторнейининг мансаб ваколатидан четга чиқшдан ҳимояланиш учун судга мурожаат этиш(шикоят қилиш) тартиби ўрнатилган.

4. Жиноий таъқибни кўзғатиш бўйича процессуал контроль АҚШда белгиланган.

А) Дастлабки терговда тезкор қидирув фаолияти натижасида олинган органларнинг йиғилган далилларига мақбуллик юзасидан баҳо берадилар.

Б) Асослар етарлилиги бўйича талабни тасдиқловчи ордер судья магистрат томонидан қўлланилиб, у қонунийлик, объективлик ва беғаразлик принципларига асосланади.

АҚШда жиноят белгиларини акс эттирган қилмиш ёки ҳодисани рўйхатга олишдан бошлаб, жиноятчилик ва унга қарши кураш тўғрисида статистика ҳисоботларидаги “полицияга хабар қилинган жиноятлар”, “рўйхатга олинган жиноятлар” деб аталувчи жиноятлар гуруҳи шакллана боради.

Содир этган шахси аниқланган жиноятлар эса, “очилган жиноятлар” гуруҳига киритилади. “Рўйхатга олинган жиноятлар” ва очилган жиноятларнинг таққосланишидан жиноятчиликнинг аҳволи ва унга қарши курашувчи орган ва мансабдор шахслар фаолиятининг самарадорлиги аниқланади.

АҚШ конституциясига киритилган 4-ўзгартиришда шахс, унинг турар жойи, қоғозлари ва мулки асоссиз равишда тинтув қилиниши ва қамоққа олинишидан ҳимояланишга бўлган халқ ҳуқуқи бузилмаслиги кераклиги тўғрисида; тинтув қилиш ёки қамоққа олиш тўғрисидаги ордер етарли асосларсиз берилмаслиги, шунингдек ордерда тинтув жойи, қамоққа олинаётган шахс ва хатланаётган мулклар кўрсатилиши кераклиги белгиланган.

Мазкур қоида ўзининг икки асрдан узоқ тарихи давомида америка судлари, жумладан, АҚШ Олий суди томонидан кўп бора шарҳланган ва ҳозирги кунда жуда кенг маъно касб этади. Жиноят ишини тергов қилиш билан шуғулланадиган орган ва мансабдор шахслар турар жойга турар жой эгасининг розилигисиз кирадиган ҳар қандай ҳолатларга, электрон кузатиш (телефон ва радио орқали амалга ошириладиган суҳбатларни эшитиши, электрон узатиш ускуналари орқали узатиладиган ҳар қандай маълумотларни олиш, овоз ва видеоёзув ускуналарини яширинча

қўллаш)ни амалга оширишга ҳам татбиқ қилинади. Бироқ, уни талқин қилишнинг кўп йиллик тарихи истисно қиладиган ҳолатларни белгилашни ҳам таъминлайди.

Тезкор - қидирув фаолияти натижаларидан олинган далилларнинг мақбуллиги борасидаги хориж тажрибаси шундан далолат берадики, бу ҳар бир давлатда содир этиладиган жиноятнинг тури, уни содир этиш усул ҳамда воситалари, жиноятни содир этган субъектларнинг жиноий тажрибаси ва бошқа қатор шарт шароитларга боғлиқ бўлади. Чунки, бу ўринда яъни, содир этилган жиноятни фош этиш, айбдорларни аниқлаш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишда қўлланиладиган тезкор қидирув фаолияти муайян бир ҳолатлардан келиб чиқади.

Бироқ, ушбу ҳолатда шунга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладики, жиноятни очишга қаратилган ҳар қандай тезкор қидирув фаолияти ҳар бир давлатнинг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартиб таомилларга тўлиқ мос бўлиши, шунингдек унинг натижалари қонунларда белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлиши керак. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2016 йил 30 мартда қабул қилинган Сенат томонидан 2016 йил 31 мартда маъқулланган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонунида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қуйидаги 81-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисмига «Қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда ўтказилган тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилганидан ва баҳоланганидан сўнг жиноят иши бўйича далиллар деб эътироф этилиши мумкин» каби ўзгартириш ва қўшимча киритилганлиги ушбу мавзунинг бугунги кундаги қанчалик долзарблигининг исботидир.

Тезкор қидирув фаолияти аниқ ҳуқуқий асосларга таяниши, у доимий равишда қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлиши шарт. Акс ҳолда буни амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг суиеъстемолликларига имконият яратилади. Шу сабабдан ҳам бу ўринда суриштирув ва дастлабки терговда қонунлар ижроси устидан прокурор назорати масаласи кун тартибига чиқади. Бироқ, тезкор қидирув фаолияти устидан прокурор назорати тўғридан тўғри амалга оширилмайди, у фақат муайян бир жиноят иши бўйича ёхуд у ёки бу ҳолат юзасидан мурожаатларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И. “Асосий вазифамиз — жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат” // “Халқ сўзи” гезетаси, 2015 йил 7 декабрь.
2. Puttkammer E. Administration of Criminal Law. – Chicago, 1965. 9-page
3. Barret E. Criminal Justice: Problem of Mass Production. “The Courts, the public and the Law Explosion”-Ed. by Jones H.W. Englewood Cliffs.-N.J., 1965. 91-page

4. More/and R. Modern Criminal Procedure.- Indianapolis, 1959. 1-page

5. Fellman D. The Defendant's Rights.-N.Y., 1958. 123-page.

Д. Умарханова,

юридик фанлар номзоди,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети
катта илмий ходим-изланувчиси

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МЕХАНИЗМИНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланган халқаро шартномалар ҳамда унга боғлиқ бўлган халқаро ҳужжатлар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бундан ташқари, муаллиф жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида мазкур ҳужжатларни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганган.

Калит сўзлар: халқаро жиноят ҳуқуқи, халқаро ҳамкорлик, жиноятчилик, экстрадиция, қидирув, ҳибсга олиш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам, конвенция, минтақавий халқаро шартномалар.

Аннотация: в данной статье изучены и проанализированы международные договоры, являющиеся правовой основой международного сотрудничества по уголовным делам. Вместе с тем, в целях облегчения анализа и детального исследования правового регулирования механизма международного сотрудничества по уголовным делам, автор предлагает разделить международные документы на несколько групп.

Ключевые слова: международное уголовное право, международное сотрудничество, преступление, экстрадиция, розыск, арест, взаимная правовая помощь, конвенция, международные региональные договоры.

Annotation: in this article, studied and analyzed the international treaties, which are a legal basis of the international cooperation on criminal cases. At the same time, for simplification of the analysis and detailed research of legal regulation of the mechanism of the international cooperation on criminal cases the author suggests to divide the international documents into some groups.

Key words: international criminal law, international cooperation, crime, extradition, inquiry, arrest, mutual legal assistance, convention, international regional treaties.

Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро ҳуқуқий тартибга солинишини таҳлил қилишда, аввало унинг халқаро-ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур.

Бу жараёнда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатлар ўртасидаги жиноятлар устидан юрисдикцияни белгилаш, жиноят ишлари бўйича ва жиноятчиларни ушлаб бериш юзасидан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари икки томонлама ёки кўп томонлама шартномалар ўзаролик принципи асосида амалга оширилади.

А.Х.Самидов таъкидлаб ўтганидек, “Давлат ҳокимиятининг жиноий-процессуал ҳаракатлари унинг ҳудуди билан чегараланган. Зотан, айрим вақтларда жиноий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш учун бошқа давлат ҳудудида ҳам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади. Ҳолбуки, давлат суверенитети тамойили бир давлат

ҳокимиятини иккинчи бир давлат ҳудудида тўғридан-тўғри ҳаракатларини (шу жумладан, судлов ишларини) амалга оширишни истисно қилади. Шу боис зарурий процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун ягона имконият тегишли давлатга ёрдам сўраб мурожаат этишдир. Давлатларнинг жиноий ишлар бўйича ҳамкорлиги икки томонлама ва минтақавий даражада ривожланади ва бундай ҳамкорликнинг фақат айрим масалалари кўп томонлама шартномаларга киритилади” [1, 227-бет].

Халқаро ҳамжамиятнинг мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратаётганлиги бежиз эмас. Қайд этиш жоизки, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик борасида қатор конвенция ҳамда икки томонлама шартномалар амал қилиб келмоқда [2].

Ушбу шартномаларни А.И. Бойцов [3, 49-бет] таъкидлаганидек, икки гуруҳга ажратиш мумкин: икки томонлама шартномалар ва кўп томонлама шартномалар. Ўз навбатида кўп томонлама шартномаларнинг қуйидаги турларини фарқлаш ўринли: а) айнан жиноятчиларни тутиб беришга бағишланган шартномалар; б) ҳар томонлама ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, шужумладан экстрадиция масаласига дахлдор қоидаларни қамраб олувчи шартномалар; в) халқаро тусдаги ва халқаро жиноятларга қарши курашнинг умумий муаммоларига тааллуқли, шужумладан улар иштирокчиларининг муайян жиноятлар учун айбланган ёки судланган шахсларни утиб бериш (экстрадиция)га оид шартномалар.

Бундан ташқари, аксарият ҳуқуқшунослар томонидан жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солиш масаласини икки ва кўп томонлама шартномалар асосида амалга оширилиши таъкидлаб ўтадилар.

Умуманолганда, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмининг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши таҳлил этишни осонлаштириш ҳамда ушбу масалани атрофлича тадқиқ этиш мақсадида уни бир неча гуруҳларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи гуруҳга жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид қоидаларни кўзда тутувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (конвенция, декларация ва ш.к.) мансубдир. Хусусан, бугунги кунда жиноятчини ушлаб бериш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, халқаро ҳамжамият учун хавф тўғдирувчи жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги қатор конвенцияларда, чунончи, Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллаб олишга қарши кураш (1970 йил 16 декабрь), Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи, шу жумладан, дипломатия ходимларига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш (1973 йил 14 декабрь), Гаровга олишга қарши кураш (1979 йил 17 декабрь), Ядровий ашёларни жисмоний муҳофаза қилиш (1980 йил 3 март), Қийнок, шафқатсиз, ғайриинсоний муомала ва жазо турларини қўллашга қарши (1984 йил 10 декабрь), БМТ ва у билан боғлиқ ходимлар хавфсизлиги (1994 йил 9 декабрь), Бомбали терроризмга қарши кураш (1997 йил 16 декабрь), Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги (1999 йил 9 декабрь) ва б.қ. шу аби затор конвенциялар шулар жумласидандир [4].

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши [5] ва Коррупцияга қарши [6] конвенциялари жиноят содир этган шахсларни ушлаб бериш жараёнида айрим келиб чиққан масалаларга эътибор қаратади. Мазкур конвенциялар ушлаб бериш жараёнини тартибга солиш мақсадида содир этилган

жиноятлари учун экстрадицияни амалга оширишнинг минимал базавий стандартини белгилайди ҳамда бир канча механизмларни қабул қилишни кенгайтиради. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизми ҳисобланган ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тутиб топшириш, жиноят суд иш юритувини топшириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари ҳам Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши ва Коррупцияга қарши конвенцияларида ўз аксини топган.

Бундан ташқари, Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Конвенциясига [7] (1988 йилги) кўра, гиёҳвандликка оид бўлган қонунларни бузганлик учун жиноятчиларни хорижий мамлакатга ушлаб бериш, давлатлар бир-бирларига маълумотлар алмашинуви, гиёҳванд моддалар сотувчисини аниқлаш ва уларни хибсга олиш каби ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари кўзда тутилган. Бу эса, конвенцияда назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларни жиний жавобгарликдан қутилиб қолиши олдини олиш ва жазоланиши лозимлигини кўрсатади. Бу каби қоидалар 1929 йилги Пул белгиларини қалбакилаштиришга қарши кураш бўйича халқаро конвенция ва унинг протоколида ҳам ўз аксини топган.

Кўп томонлама шартнома ва келишувлар тузишдан кўзланган пировард мақсад – давлатларнинг географик яқинлиги, иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқадорлиги, стратегик манфаатларининг умумийлиги туфайли жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг мақбул механизмини ишлаб чиқишдир. Бу эса, минтақавий ва умумминтақавий конвенцияларда ўз аксини топади.

Жумладан, Европа давлатлари ўртасида “Ушлаб бериш тўғрисидаги Европа Конвенцияси” [8, 227-бет], “Жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Европа конвенцияси”, “Жиноят суд иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Европа конвенцияси” каби минтақавий шартномалар жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари умум минтақавий даражадаги кўп томонлама шартномалар қаторига 1981 йилда қабул қилинган Америкаларо Экстрадиция тўғрисидаги конвенцияси, Жиноят ишлари бўйича ўзаро ёрдам тўғрисидаги конвенция (1992), 1952 йилги Араб мамлакатлари Лигаси шартномасини киритиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида 1993 йилда тузилган Минск Конвенцияси билан 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция” (Кишинёв конвенцияси)ни кўришимиз мумкин [9].

Иккинчи гуруҳга халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган намунавий, тавсиявий тусдаги ҳужжатлар киради. Маълумки, давлатлар ўртасида халқаро алоқалар ҳар соҳада ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Жумладан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик, жиноятчиликка қарши курашнинг миллий ва минтақавий ўзига хослиги ва бошқа кўплаб жиҳатлари назарда тутилган ҳолда халқаро ташкилотлар, хусусан, БМТ билан давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги ҳам эътиборга молик.

Глобал даражада жиноятчиликка қарши кураш ташкилотчиси сифатида БМТ умумий стандартлар, кўрсатмалар, тавсиялар ишлаб чиқади. Бугунги кунда БМТ доирасида ушбу тадқиқот юзасидан намунавий юри дик ҳужжатлар ишлаб чиниш орали уни тизимлаштиришга қаратилган ишлар амалга оширилаётганлигини таъкидлаш ўринли. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид амалдаги икки томонлама шартномалар кўп жиҳатдан эскиргани ва халқаро жиноят ҳуқуқидаги сўнги янгилликларни қамраб олмагани боис Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш кўмитасига юри дик ҳужжатлар намунасини ишлаб чиниш бўйича кодификациявий ишлар олиб бориш вази фази топширилган. Шу маънода БМТнинг “Ушлаб бериш тўғрисидаги Намунавий шартнома”, “Жиноят иш юритуви соҳасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Намунавий шартнома”, “Шартли айбланган ва озод қилинган ҳуқуқбузарлар устидан назорат қилиш учун топшириш тўғрисидаги Намунавий шартнома”, “Жиноят иш юритуви учун топшириш тўғрисидаги Намунавий шартнома” [10] жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда жиний одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқчи бўлган давлатлар учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи ҳаққоний омил бўлиши кўзда тутилган эди. Мазкур намунавий шартномалар амалдаги икки томонлама шартномаларни қайта кўриб чиқиш учун асос сифатида тақдим этар экан, БМТ замонавий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан тўғри бўлган – жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликка оид муносабатларни тартибга солишчи халқаро шартномалар муштараклигини таъминлаш мақсадини кўзлади. Намунавий шартномалар асосида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ўз навбатида халқаро ҳамжамиятнинг халқаро жиноятчиликка қарши кураши самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Халқаро майдонда 1998 йил Халқаро жиноят суди Рим статутининг қабул қилиниши ҳамда унда 17 моддадан иборат (86-102-моддалар) “Халқаро ҳамкорлик ва суд ёрдами” номли тўққизинчи қисмининг киритилиши ҳам жиноят одил судлови соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ташкиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди.

Булардан ташқари, БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларидан бири бўлган Жиноятчилик ва гиёҳвандлик бўйича бошқармаси Ушлаб бериш бўйича намунавий қонун [11] ишлаб чиққан бўлиб, мазкур қонун ўз қонунчилигига ўзгартириш киритишни ёки мазкур соҳада янги қонун қабул қилинишини кўзда тутган давлатлар фойдаланиши мумкин.

Учинчи гуруҳга давлатлар ўртасида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик масаласида имзолаган икки томонлама шартномаларини киритишимиз мумкин. Жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширишда давлатлараро икки томонлама шартномаларнинг урни улкан. Бу борада Америка ва Европа мамлакатларининг амалиёти таҳсинга лойик. Мазкур масала юзасидан давлатларнинг тажрибасини навбатдаги параграфимизда ўрганишимиз боис, қуйида икки томонлама халқаро шартномаларнинг халқаро ҳуқуқий асос сифатида ўрни ва ролига тўхталиб ўтаемиз.

Маълумки, икки томонлама шартномалар икки халқаро ҳуқуқ субъекти иштирок этадиган, томонларнинг ўзига хос жиҳатлари ва уларнинг муносабатларини инобатга оладиган, аниқ масалалар юзасидан келишиб олинган, баъзан кўп томонлама

шартномаларда белгиланган мажбуриятларини бажариш юзасидан тузиладиган халқаро шартномалар тушунилади. Бугунги кунга қадар халқаро ҳуқуқий доктринада жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик бўйича асосан икки томонлама шартномалар тузиш тенденцияси ривожланаётганлигини кузатишимиз мумкин.

Тўртинчи гуруҳга, халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган ишчи гуруҳларнинг маърузалари, қарорлар, тавсиялари, қўлланмалари ҳамда ўтказиладиган семинар-практикумларнинг ҳужжатларини киритиш мумкин. Мазкур ҳужжатлар жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масаласида ўзининг ижобий натижаларини кўрсатаётганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, БМТнинг Жиноятчилик ва гиёҳвандлик масалалари бўйича Бошқармаси (UNODC) томонидан ушлаб бериш борасида суд ишларини кўриб чиқишнинг самарадорлигини ошириш мақсадида норасмий экспертлар гуруҳи ташкил этилди. 2004 йил Вена шаҳрида бўлиб ўтган мажлисда мазкур ишчи гуруҳ ушлаб беришни амалга оширишда кўп учраётган, натижаси самарали бўлишига тўсқинлик қилаётган миллий-ҳуқуқий тизимлар ҳақида муҳокама қилинди. Мажлис яқунлари бўйича маъруза тайёрланиб, унда қуйидаги масалалар юзасидан тавсиялар келтирилди:

- Ушлаб беришнинг инфратузилмаси: қонунчилик, шартномалар, институтчионал тузилмалари ва бошқалар;

- Амалиётда қўрилган суд ишлари: режалаштириш, суд иш юритувини тайёрлаш ва ўтказиш, маълумотларни бериш тизими, тил муаммолари ва бошқалар;

Юқорида келтирилган норасмий экспертлар гуруҳи томонидан авваллари ҳам маърузалар тайёрланган бўлиб, 1993 йилда Халқаро мусодара қилиш билан боғлиқ бўлган ўзаро ҳуқуқий ёрдам ҳамда 2001 йилда суд ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдамнинг мақбул тажрибалари хусусида бўлган.

Жиноий одил судлов ва жиноятчиликни огоҳлантириш бўйича БМТ Конгресси томонидан “Ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида, ушлаб бериш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш” номли ҳужжат қабул қилиниб, унда асосан ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ушлаб бериш масалаларини қамраб олган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ва жиноий одил судлов соҳасида халқаро ҳамкорликнинг асосий тенденциялари, амалиёти ва сўнгги ҳодисалари ўз аксини топган.

БМТнинг Жиноятчилик ва гиёҳвандлик масалалари бўйича Бошқармаси (UNODC) билан Австралия ҳуқуқати томонидан 2009 йилда Қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қўлланманинг мақсади ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ушлаб бериш борасида халқаро ҳамкорлик механизмини таништириш ва уларни қўллаш бўйича йўриқномани тақдим этишдан иборат. Қўлланма Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси ташкилоти иштирокчилари учун мўлжалланганлигига қарамадан, жиноий одил судлов масалалари борасида барча давлатларнинг долзарб масалалари, айниқса одам савдосига қарши кураш, ишчи мигрантларнинг ноқонуний келтирилиши ҳам акс эттирилган.

Халқаро Прокурорлар Ассоциация томонидан Жиноий одил судлов соҳасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам

кўрсатиш мақсадида прокурорларнинг фойдаланилиши учун мўлжалланган Таянч Қўлланма ишлаб чиқилди. Ушбу Қўлланма жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш принципларини ўз ичига олган, амал қилиниши лозим бўлган 3 та қоида келтирилган.

2000 йил Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари Адлия вазирлари ва Бош прокурорларининг Учинчи Кенгашида жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида Америка Давлатлари Ташкилоти аъзо-давлатлари ўртасида маълумотлар алмашувини яхшилаш юзасидан қарор қабул қилинди. Жиноий одил судлов соҳасида маълумотлар алмашувини амалга оширувчи тармоқни ташкил этиш масаласи бўйича ишчи гуруҳ тузилди. Мазкур тармоқ барча учун очиқ бўлган веб-сайт ҳисобланиб, унда асосан жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ушлаб бериш масалалари бўйича Америка Давлатлари Ташкилоти аъзо-давлатлари билан халқаро ҳамкорлик олиб бораётган барча давлатларнинг ҳуқуқ тизими, қонунчилиги ва амалдаги икки ва кўп томонлама халқаро шартномалари ўз аксини топган.

Кўпчилик давлатларнинг юрисдикциясида жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш, кенгроқ қўллаш масалалари юзасидан қонунчилик, ҳуқуқий ва маъмурий ташаббуслар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳаракатларнинг асосий таркибий қисми сифатида миллий даражада ҳуқуқий асосни ўрнатиш, халқаро даражада эса, кенг механизми қўллаш мақсадида императив характерга эга бўлган мажбуриятларни ўз ичига олган шартномаларни қабул қилиш ҳисобланади. Ушбу қабул қилинган қонун ва шартномаларни амалиётга қўллаш жараёнида келиб чиққан муаммо ва бўшлиқларни тўлдириш, бартараф этиш ва тўғирлаш мақсадида вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Адолат, 2001. – Б.227.
2. International Criminal Law. A Collection of International and European Instruments. Sec. rev. ed. / Edited by van den C.Wyngaert, G.Stessens, Van Daele. - The Hague, 2000.
3. Бойцов А.И. Выдача преступников. - СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – С 49.
4. Международно-правовые основы борьбы с терроризмом: Сборник документов / Составитель В.С. Овчинский. - М.: ИНФРА-М, 2003. – 480 с.
5. Международные право и борьба с преступностью: Сборник документов / Составители: А.В.Змеевский, Ю.М.Колосов, Н.В.Прокофьев. – М.: Международное отношения, 2004. – С.433-478. (Ст.ст. 16–19, 21).
6. www.unodc.org/unodc/en/treaties/CAC/index.html
7. Международные право и борьба с преступностью: Сборник документов / Составители: А.В.Змеевский, Ю.М.Колосов, Н.В.Прокофьев. – М.: Международные отношения, 2004. – С.433-478. (Ст. 6-10).
8. Международные право и борьба с преступностью: Сборник документов / Составители:

А.В.Змеевский, Ю.М.Колосов, Н.В.Прокофьев. – М.:
Международное отношения, 2004. – С.563-577.

9. www.lex.kz

10. www.unodc.org/unodc/en/legal-tools/modeltreaties-and-laws.html

11. www.unodc.org/pdf/model_law_extradition.pdf

Б.Мусаев,

ТДЮУ мустақил изланувчиси

**МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИГА НИСБАТАН
ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚ: ЕВРОПА ИТТИФОҚИ
ҚОНУНЧИЛИГИ ВА МИЛЛИЙ ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ
ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ТАҲЛИЛИ**

Аннотация: мақолада Европа Иттифоқи халқаро хусусий ҳуқуқий коллизия нормаларини унификация қилиш жараёни таҳлил қилинган. Унда мажбурият муносабатлари, шунингдек меҳнат муносабатларини тартибга солувчи коллизия нормалар кўриб чиқилган. Мақолада европа коллизия ҳуқуқининг ривожланишининг асосий тенденциялари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: унификация, коллизия тартибга солиш, Европа Иттифоқи, регламент, қўлланиладиган ҳуқуқ.

Аннотация: в статье анализируется процесс унификации коллизионных норм международного частного права в Европейском союзе. Предметом рассмотрения являются коллизионные нормы, регулирующие обязательственные отношения, а также трудовые отношения с осложненным иностранным элементом. Исследуются основные тенденции развития европейского коллизионного права.

Ключевые слова: унификация, коллизионное регулирование, Европейский союз, регламент, применимое право.

Annotation: the article covers the questions of the process of the unification of conflicts of law rules of international private law in European union. The subject matters are the conflicts of law rules, which regulate obligations, so as employment relations. The main tendencies of the development of European conflicts of laws are also explored in the article.

Key words: contractual obligation, non-contractual obligation, conflicts of law, European Union, regulation, applicable law.

2003 йил 14 январда Европа комиссияси томонидан 1980 йилги “Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақида”ги Рим конвенциясини [1, 34-46-бетлар] Европа иттифоқининг бошқа ҳуқуқий ҳужжати шаклига (регламент ёки директива) трансформация қилиш ва уни замон талабларига мос ҳолда модернизация қилиш масаласини назарда тутувчи “Яшил китоб” [2] лойиҳаси тақдим этилган эди.

Ушбу мақола доирасида мазкур икки регламентларнинг батафсил тавсифи таҳлил қилинмайди, балки ҳар икки регламентнинг ўзига хос жиҳатлари аниқланади, тартибга солиш усуллари таққосланади ҳамда ушбу ҳужжатларнинг Рим конвенцияси [3] билан ўзаро нисбати таҳлил қилинган ҳолда миллий халқаро хусусий ҳуқуқий нормаларнинг мазмунига баҳо берилади.

2007 ва 2008 йиллар давомида сиёсий ва илмий тадқиқот соҳаси вакилларининг кўплаб мунозаралари натижасида Европа иттифоқининг шартнома ва шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ ҳақидаги янги “Рим I” ва “Рим II” Регламентлари ишлаб чиқилди.

“Рим I” Регламенти 2008 йил 17 июнда Европа парламенти ва кенгаши томонидан қабул қилинган [4, 6-16-бетлар] ва 24 июлда кучга кирган бўлиб, ушбу ҳужжат Европа Иттифоқининг барча ҳудудларида татбиқ қилина бошланди, фақатгина истисно тариқасида Данияга нисбатан татбиқ қилинмаган [5].

Ушбу янги ҳужжатни регламент шаклида қабул қилиниши борасида ҳам турли фикрлар илгари сурилади. Ушбу янги Регламентни ишлаб чиқиш жараёнида аънавий ҳуқуқни халқаро-шартномавий унификация қилиш усулидан воз кечган ҳолда, Европа иттифоқига тегишли бўлган регламент шаклидаги ҳуқуқий воситадан фойдаланишга қарор қилинган. Бизга маълумки, регламентнинг халқаро шартномалардан ажратиб турувчи энг муҳим белгиси уни миллий давлатлар томонидан ратификация қилиш заруритининг мавжуд эмаслигида намоён бўлади [6].

Кейинчалик “Рим I” Регламенти ЕИ томонидан 2009 йил 11 январда қабул қилинган “Шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ ҳақида”ги Регламент (Рим II) [7, 140-146-бетлар] билан тўлдирилган бўлиб, ушбу янги регламент деликтлардан, асосиз бойлик ортириш, *negotiorum gestio* ва *culpa in contrahendo* келиб чиққан мажбуриятларга оид муносадаларга нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқни тартибга солишга қаратилган нормалардан таркиб топганлиги билан характерлидир.

Қайд этиш ўринлики, Европа хусусий ҳуқуқининг ривожланишида янги босқични бошлаб берган ва ундан олдин ҳеч қандай ҳуқуқий ўтмишдоши бўлмаган “Рим II” Регламентидан фарқли равишда, Рим I регламенти – бу 1980 йилги “Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақида”ги Рим конвенциясининг камтарона модернизацияланган шаклидир.

Алоҳида эътибор қаратиш лозимки, 1991 йил 1 апрелдан кучга кирган Рим конвенцияси ўз вақтида 1968 йилги “Фуқаролик ва тижорий низоларга нисбатан чиқарилган суд қарорларини мажбурий ижро этиш ва юрисдикция масалалари ҳақида”ги Брюссел конвенциясини тўлдиришга қаратилган эди [8].

Регламентларни ишлаб чиқувчилар томонидан ҳар икки Регламентларни ишлаб чиқишдан кўзланган бош мақсад мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларни келишилган ҳолда тартибга солишга эришиш, Брюссель I Регламенти билан бир қаторда ЕИ ягона бозорда юзага келадиган мажбуриятларга оид муҳим масалаларни тартибга солиш, ушбу соҳани нормал фаолият олиб боришига қаратилган муҳим ҳуқуқий база вазифасини ўташга қаратилган эди.

“Рим I” Регламентини Рим Конвенциясидан фарқловчи энг муҳим ўзгаришлар ва янгиликларни уч асосий гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин:

- шартномага нисбатан татбиқ қилинадиган ҳуқуқ танланмаган тақдирда, унга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга оид аниқ ҳолатлар;

- шартноманинг “кучсиз” тарафининг ҳуқуқлари ва унинг ҳимояланиши;

- қатъий императив нормаларни татбиқ қилиш муаммоси.

Энг муҳим ўзгаришлар сифатида Регламентнинг 1-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қондан келтириб ўтиш мумкин. Унга кўра Регламент қоидалари ҳуқуқий нормаларнинг коллизияси юзага келган ҳолларда, фуқаролик ва савдо соҳасидаги шартномавий мажбуриятларга нисбатан татбиқ қилинади. Ушбу ҳолатда мазкур Регламент

қоидаларини татбиқ қилишда ЕИнинг бошқа ҳуқуқий тартибга солиш воситалари, мисол учун, Брюссель I Регламенти билан мувофқлаштиришга бўлган урунишни кузатиш мумкин.

Яна бир ўзига хос ўзгартиришни Регламентнинг 3-моддаси мазмунида кўриш мумкин. Унга кўра, Регламентнинг барча қоидалари асосида тарафларнинг эрк мухторияти тамойилининг устуңлиги ётади [9]. Яъни, тарафлар шартномани тузиш вақтида эркин саналадилар. Шу билан бирга, Регламентнинг 3-моддаси 1-бандида “қонун” тушунчаси аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу тушунчанинг мавжудлиги тарафларнинг шартномага нисбатан бошқа шаклдаги қоидалардан, масалан *lex mercatoria* қоидаларидан фойдаланишларига йўл қўймайди.

Ҳуқуқни танлаш шаклига келсак, ушбу қоида Конвенцияда қандай назарда тутилган бўлса, шундайлигича қолган. Шунингдек, “*depecage*” – коллизия боғловчиларни бўлиш ва келажакда қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш имконияти тамойили ҳеч қандай ўзгаришсиз қолган. Регламентнинг 3-моддаси 3-бандида “*mandatory rules*” (императив нормалар) тушунчасига таъриф берилган ва ушбу нормаларни “*supermandatory rules*” (юқори императивные нормалар) билан ўзаро фарқли ҳамда тафовутли жиҳатлари ажратиб берилган.

Регламентнинг 3.3., 6.2-моддаларида (истеъмолчиликка оид шартномалар) ва 8.1-моддасида (индивидуал меҳнат шартномалари) белгилаб берилган ушбу янги шаклдаги императив нормалар Конвенциянинг 7 ва 3.3-моддаларида назарда тутилганидек аҳамиятга эга ва ушбу қоидалар билан бир хилда татбиқ қилинади. Бу борада ҳеч қандай ўзгаришлар назарда тутилмаган.

“Рим I” Регламентининг навбатдаги янгиликларидаридан бири – бу унинг 4-моддасида назарда тутилган тарафлар томонидан шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ белгиланмаган ҳолатларда қўлланиладиган ҳуқуқий ҳаракатларда намоён бўлади. Унда шу кунга қадар мавжуд бўлган “энг кўп узвий боғланганлик” тамойили, шарт ва бошқа презумпцияларнинг (шартнома бўйича асосий ижрони амалга оширадиган тарафнинг одатдаги яшаш жойи ёки унинг маъмурий маркази жойлашган жой ҳуқуқи) татбиқ қилинишида маълум ўзгаришлар юз берганлиги диққатга сазовордир.

Шу билан бирга, Конвенция ўзида “энг узвий боғланган”лик тушунчасини белгилаб берган бўлса, Регламент қоидаларида ушбу тамойил “аниқ ифодаланган энг узвий боғланган”лик тушунчаси билан алмаштирилган ҳолда ифодаланган [10].

Янги қабул қилинган Регламент 1980 йилги Конвенция каби шартноманинг кучсиз тарафининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва белгилашга оид қоидаларни ҳам белгилаб берган. Ушбу ҳолатда истеъмол, суғурта ва индивидуал меҳнат шартномалари ҳақида сўз бормоқда. Акс ҳолда, қўлланиладиган ҳуқуқ Регламентнинг 3 ва 4-моддаларидаги қоидаларга асосан аниқланади. Шунга эътибор қаратиш лозимки, Регламентнинг 6.2-моддасига асосан, қўлланиладиган ҳуқуқнинг танланиши истеъмолчининг ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир кўрсатмаслиги ва уни доимий яшаш жойи мамлақати қонунлари билан кафолатланган ҳуқуқлардан маҳрум қилмаслиги лозим. Суғурта қилиш шартномасини тартибга

солишга оид қоидалар Брюссель I Регламенти ва ЕИнинг ушбу соҳадаги икки даражали манбаларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Регламент индивидуал меҳнат шартномаларига нисбатан ходим, одатда, ўз меҳнат функцияларини амалга оширадиган ЕИ аъзо-давлати ҳуқуқининг қўлланилиши назарда тутган. Бундай ёндашув меҳнат фаолияти ҳаво ёки денгиз кемасида амалга оширилган меҳнат фаолияти билан боғлиқ кўплаб мунозараларга ўзига хос жавоб бўлиб хизмат қилди [11, 315-336-бетлар].

Шунга қарамадан, агар меҳнат функцияси амалга оширилган бундай жойни аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда иш берувчининг маъмурий маркази жолашган ЕИ аъзо-давлатнинг ҳуқуқи қўлланилади. Қўшимча қилиб айтиш лозимки, “Рим I” Регламентида “устунлик қилувчи императив нормалар” тушунчаси мавжуд. Яъни, Регламентнинг 9-моддасига кўра устунлик қилувчи императив қоидалар деганда ушбу Регламентга мувофиқ шартномага нисбатан қайси давлатнинг ҳуқуқи татбиқ қилинишидан қатъи назар, ҳар қандай вазиятда татбиқ қилиниши лозим бўлган ва унинг ҳаракатланиш доирасига кирувчи давлат томонидан ўрнатилган унинг сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий тузилиши каби оммавий манфаатларини муҳофаза қилиши учун принципаал аҳамият касб этувчи қоидалар тушунилади. Шубҳасиз, ЕИ давлатларининг бундай миллий устунлик қилувчи миллий қонунчилиги нормалари ЕИнинг ягона эркин бозор ҳақидаги тўртта қўшимча изоҳи доирасидагина қабул қилиниши мумкин [12]. Ушбу қўшимча изоҳлар ЕИни ташкил қилиш ҳақидаги шартномада ҳам назарда тутилган бўлиб, улар ЕИ учун фундаментал характер касб этади. Регламент аъзо-давлатларнинг судлари томонидан императив нормаларнинг татбиқ қилинишини бирор-бир тарзда чекламайди. Қатъий императив нормаларниен ҳаракатланиши масаласини ҳал қилишда суд томонидан унинг мақсади, тавсифи, татбиқ қилиниши ёки қилинмаслигининг оқибатлари ҳисобга олинishi лозим.

Юқоридаги таҳлиллар якунида таъкидлаш лозимки, ЕИда янги хусусий ҳуқуқий воситаларни қўллаш соҳалари бир биридан ўзаро фарқланади, бу, ўз навбатида ушбу ҳуқуқий нормаларнинг айнан бир низога нисбатан бир вақтда татбиқ қилиниши ва рақобатига олиб келмайди. Ушбу Регламентларнинг нормалари билан тартибга солинадиган мажбуриятлар ўз ҳуқуқий табиатига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади. Шу боис Регламентлар билан белгиланган ваколатларнинг аниқ чегараланганлиги ЕИ савдо ва фуқаролик ишлари бўйича қарорлар қабул қилишда юқори аниқлик ва тахмин қилишга имконият яратади.

Ушбу икки Регламентларнинг энг катта хизмати улар ЕИ даражасида халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормаларини унификация қилиш борасида дастлабки ташланган қадамнинг қанчалик асосли ҳамда тўғри бўлганлигини кўрсатиб берди.

1980 йилги Рим конвенциясининг 2-моддасида мустаҳкамланган “Тарафлар шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлашда уни шартноманинг бутун қисмига ёки унинг бирор бир қисмига ҳам танлашлари мумкин”, - деган қоидаси ўзига хос янгилик сифатида халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг янада ривожланишига катта ҳисса қўшган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Шартнома тарафларининг келишувига кўра ҳуқуқни танлаш” деб номланган 1189-

моддасининг 2-қисми худди шу нормага ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўхшаш бўлган “Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин”, - деган қоидасини мустаҳкамлагани ҳам диққатга сазовордир.

Тарафларнинг эрк мухторияти тамойилини кенг миқёсда кўриб чиқадиган бўлсак, Рим конвенцияси тарафлар томонидан қўлланиладиган давлат ҳуқуқи танланмаган тақдирда, суд органларига шартноманинг бирор-бир қисмига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш ваколатини беради. Хусусан, Рим Конвенциясининг 4-моддасида: “Агар шартноманинг у ёки бу қисми бошқа давлат ҳуқуқи билан кўпроқ узвий боғланган бўлса, шартноманинг бундай қисми истисно тариқасида ушбу давлатнинг ҳуқуқи билан тартибга солиниши мумкин”, - дейилган.

Шу билан бирга, “Рим I” Регламенти ўзида Рим конвенцияси ва Ўзбекистон қонунчилигида мавжуд бўлмаган эрк мухториятига оид қоида мустаҳкамлаган. Хусусан, “Рим I” Регламенти қуйидаги қоида мустаҳкамлаган: “Мазкур Регламент тарафларга нодавлат ҳуқуқ ёки халқаро шартномаларга оид ҳаволаларни шартномага киритишни тақиқламайди”. Бу ўринда нодавлат ҳуқуқ деганда халқаро, ҳукуматлараро ва ноҳукуматлараро ташкилотлар, шунингдек, мажбурий кучга эга бўлмаган ҳужжатлар назарда тутилмоқда.

“Рим I” Регламентининг 5-моддаси тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ бўлмаган тақдирда қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлашга оид янги концептуал ёндашувни илгари сурган ҳолда, энг муҳим асос бўлувчи дастлабки қоида тариқасида шартнома юзасидан асосий ижро амалга оширилган давлат ҳуқуқини мустаҳкамлаган ҳолда, асосий ижронини амалга оширувчи тарафни аниқловчи қоидаларни, аниқ шартномаларга нисбатан белгиланган давлатлар ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйган. Узвий боғланганлик тамойили Регламентнинг 4-моддаси 1-қисмида назарда тутилмаган шартномаларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш зарур бўлган ҳоллардагига қўлланилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келинди:

Биринчидан, Рим конвенциясининг тарафларнинг эрк мухторияти тамойилини қўллаш ҳақидаги қоидалари 1980 йилда қабул қилинган бўлиб, у кейинчалик бошқа Европа Иттифоқига кирмайдиган ва янги мустақилликка эришган давлатлар, хусусан, МДҲ давлатлари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини шакллантиришда катта таъсир кўрсатган. Ушбу фикрнинг тасдиғини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг халқаро хусусий ҳуқуққа оид нормаларининг мазмуни ва ифодаланиш шаклидан ҳам яққол кўриш мумкин;

Иккинчидан, Рим конвенциянинг 4-моддаси тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ ҳақидаги келишув бўлмаган тақдирда ва шартноманинг бошқа қисмларини бошқа давлат ҳуқуқи билан узвий боғланганлигини инобатга олган ҳолда қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш ваколатини суд органларига берилишини аниқ назарда тутган бўлса, Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 1190-моддаси эса қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида шартнома тарафларининг келишуви бўлмаган тақдирда, бу шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаб

бериш ваколати ким томонидан белгиланишини аниқ назарда тутмайди;

Учинчидан, таҳлиллардан кўриниб турибдики, “Рим I” Регламенти тарафлар томонидан қўлланиладиган ҳуқуқ белгиланмаган тақдирда, аниқланадиган ҳуқуқни белгиловчи Рим Конвенциясидан концептуал жиҳатдан фарқланувчи янги қоидаларни жорий этди. Ушбу янги қоидалар мазмунига кўра амалдаги Ўзбекистон Фуқаролик кодексининг 1190-моддасида назарда тутилган қоидаларга ўхшашлиги ҳам диққатга сазовор ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Rome Convention on the law applicable to contractual obligations of 1980 // OJ 27. 26.1.1998. –P. 34–46.
2. Commission Green Paper on the Conversion of the Rome Convention of 1980 on the Law Applicable to Contractual Obligations into a Community Instrument and its Modernization, COM (2002) 654 final (Jan. 14, 2003). Commission Proposal for a Regulation on the Law Applicable to Contractual Obligations (Rome I), COM (2005) 650 final (Dec. 15, 2005).
3. Convention on the Law Applicable to Contractual Obligations, 1980 O.J. (L 266)
4. Regulation (EC) N 593/2008 of the European Parliament and of the Council of 17 June 2008 on the law applicable to contractual obligations (Rome I) // OJ L 177. 04.07.2008. –P. 6–16.
5. Parliament and Council Regulation 593/2008, Law Applicable to Contractual Obligations (Rome I), 2008 O.J. (L 177).
6. Белоусова О. В. Источники правового регулирования в рамках Европейского союза: унификация международного частного права // Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. 2011. N 6. –С. 140–146.
7. Parliament and Council Regulation 864/2007, On the Law Applicable to Non-Contractual Obligations (Rome II), 2007 OJ. (L 199) 40 (EC).
8. Convention on Jurisdiction and the Enforcement of Judgments in Civil and Commercial Matters (Brussels), 1968 OJ. 32 (L 299), OJ. 77 (L304).
9. Rinze J. The Scope of Party Autonomy under the 1980 Rome Convention on the Law Applicable to Contractual Obligations. // The Journal of Business Law, 1994.
10. Nygh P. Autonomy in International Contracts, Clarendon Press. –Oxford, 1999.
11. Merrett L. The Enforcement of Jurisdiction Agreements Within The Brussels Regime. International & Comparative Law Quarterly. –Cambridge University Press. 2006. –P. 315-336.
12. Council Decision 9898/2/10 REV 2. authorising enhanced cooperation in the area of the law applicable to divorce and legal separation. –Brussels, 4 June 2010.

Ф.Хасанова,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети “Халқаро хусусий ва фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси катта ўқитувчиси

ТАШҚИ САВДО БИТИМЛАРИДА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ВУЖУДГА КЕЛАДИГАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БЎЙИЧА ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Аннотация. ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича ташқи савдо битимларида жавобгарликдан озод қилиш масалаларига бағишланган. Унда жавобгарликдан озод қилиш бўйича вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишнинг миллий ҳуқуқий асослари кўриб чиқилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги 1980-йилда қабул қилинган “Товарларнинг халақаро олди-сотди шартномалари тўғрисида”ги БМТ Конвенцияси нормалари қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар. ташқи савдо битими, кредитор, қарздор, енгиб бўлмайдиган кучлар, фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар.

Аннотация. данная статья посвящена вопросам освобождения от ответственности во внешнеэкономических сделках по законодательству Республики Узбекистан. В ней рассматриваются национальные правовые основы регулирования отношений, возникающих из освобождения от ответственности. Кроме того, дается сравнительный анализ законодательства Республики Узбекистан с нормами Конвенции ООН «О договорах международной купли-продажи товаров» от 1980 года.

Ключевые слова. внешнеэкономические сделки, кредитор, должник, непреодолимая сила, чрезвычайность, непредотвратимое обстоятельство.

Annotation. this article is devoted to issues of exemption in international trade transactions under the laws of the Republic of Uzbekistan. It covers the national legal basis for regulation of the relations arising from the exemption from liability. In addition, there is provided a comparative analysis of legislation of the Republic of Uzbekistan with the norms of the UN Convention "On Contracts for the International Sale of Goods" of 1980.

Key words. a foreign trade transaction, an obligee, an obligor, a force majeure, an emergency, an unavoidable circumstance.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг дунё мамлакатлари билан турли жабҳаларда муносабатлар ўрнатиб келмоқда. Бундай муносабатларнинг орасида савдо-иқтисодий муносабатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, биргина 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида экспорт ҳажмларининг 7,4 фоизга ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий савдоси таъминланди [1]. Ҳамкор давлатларимиз билан иқтисодий ва савдо муносабатларнинг ривожланиши, товарлар алмашинувининг ўсиши ушбу соҳани тартибга соладиган миллий қонунчилигимизни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Ташқи савдо муносабатлари импорт ва экспорт шартномаларини тузиш орқали ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида ташқи савдо

фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолияти эканлиги ва бундай фаолият товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Тарафлар бундай шартномани тузар экан, унда товарнинг номи ва миқдори, товарнинг сифати, товарларни топшириш-қабул қилиш тартиби, товарнинг баҳоси ва тўлов шартлари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги каби шартлар белгиланган бўлади. Бундай шартлардан бири бу – форс-мажор ҳолатлари тўғрисидаги шартдир.

Шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар асосида, шунингдек, тарафларнинг келишуви асосида белгиланади [2]. Шартномавий муносабатга қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан бутун шартнома учун ёки унинг бир қисми учун танланиши мумкин. Агар бундай келишув бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1190-моддаси қоидаларига мувофиқ белгиланади. Ушбу моддада тарафларнинг келишуви бўлмаган тақдирда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқлар келтирилган.

Юқорида келтирилган нормаларга мувофиқ шарномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи белгиланган бўлса, миллий қонунчилигимиз бўйича форс-мажор ҳолатлари содир бўлганда тарафлардан бири жавобгарликдан озод этишни талаб қилишидан вужудга келадиган муносабатлар қандай тартибга солинишини кўриб чиқамиз.

Мажбуриятни бузганлик учун жавобгарлик асослари ва ундан озод қилиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси қоидаларида белгилаб қўйилган. Ушбу модданинг биринчи қисмига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилди. Демак, ушбу нормада жавобгарликдан озод қилишнинг умумий қоидалари белгиланган. Унга кўра агар қарздор мажбуриятини бажармаганлигида ёки лозим даражада бажармаганлигида айби йўқлигини исботласа, жавобгарликдан озод қилинади.

Аммо тадбиркорлик фаолияти, жумладан ташқи савдо фаолияти субъектларини бундай фаолиятни амалга оширишда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси биринчи қисми қоидаларидан фарқ қилади. Ушбу модданинг учинчи қисмида кўридагича қоида белгиланган: “Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.” Агар ушбу нормани таҳлил қиладиган бўлсак,

қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, ушбу қоида тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳар қандай муносабатларига нисбатан қўлланилмайди. Фақатгина, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда вужудга келадиган мажбуриятлари бўйича қўлланилади. Шу ўринда Е.С.Каньязовнинг тадбиркорлик соҳасидаги муносабатлар учун Фуқаролик кодексида мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик юзасидан бошқача асослар белгиланган [3] деган фикрини тўғри деб ҳисоблаймиз. Баъзи ҳуқуқшунос олимлар бунга бошқача ёндашдилар. Жумладан, Ҳ.Раҳманкулов мажбуриятлар алоҳида турларининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда қонун ва шартнома билан жавобгарлик учун айбдор бўлиш ҳақидаги умумий қоидадан истиснога йўл қўйилади [4] деб ҳисоблайди. Бизнинг фикримизча ушбу нормада жавобгарликдан озод қилишнинг умумий қоидадан фарқ қилувчи шартлари мажбуриятларнинг алоҳида турлари хусусиятларидан келиб чиқмайди, балки шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан вужудга келадиган муносабатларига боғлиқдир.

Иккинчидан, 333-модданинг 3-қисмига мувофиқ мажбуриятини лозим даражада бажармаган тараф айбсиз бўлса-да, форс-мажор ҳолатларидан бошқа ҳар қандай ҳолатларда жавобгарликка тортилади. Тадбиркорлик фаолияти хавфга асосланган бўлиб, бундай фаолиятнинг иштирокчилари маълум зарарларни кўриши иқтисодий жиҳатдан табиий ҳисобланиши тан олинган. Шу сабабли тадбиркорлик фаолиятининг субъекти ўз мажбуриятини лозим даражада бажармаслигида айби бўлмаса-да жавобгар бўлиб қолаверади. Фақатгина бир ҳолатда, яъни мажбуриятларини бажармаслигига энгиб бўлмайдиган куч сабаб бўлсагина қарздор жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Учинчидан, ушбу норма диспозитив ва ҳаволаки норма эканлигини унутмаслигимиз зарур. Тарафлар ўз келишувида, жумладан импорт ёки экспорт шартномаларида мажбуриятини лозим даражада бажармаган тарафнинг айби мавжуд бўлсагина уни жавобгарликка тортиш мумкинлигини белгилаб қўйишлари мумкин. Агар тарафлар ўртасида бундай келишув мавжуд бўлса 333-модданинг 3-қисмида белгилаб қўйилган норма қўлланилмайди.

Ва ниҳоят, Фуқаролик кодексининг 333-моддасига мувофиқ энгиб бўлмайдиган куч – бу фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлардир. Ушбу норма энгиб бўлмайдиган куч тушунчасини икки белги, фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар орқали очиб беради. “Энгиб бўлмайдиган куч” тушунчасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сон қарори билан тасдиқланган “Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида” ги Низомда ҳам таъриф бериб ўтилган. Ушбу низомнинг 2-бандида энгиб бўлмайдиган куч ҳолати тушунчаси атрофлича ёритилган деб ҳисоблаймиз. Унга кўра, энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари – бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни

тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлардир. Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмида гарчанд энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари белгиларига эга бўлса-да, лекин улар сирасига кирмайдиган уч ҳолат белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Булар қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги ва қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлигидир. Умумий олиб қарайдиган бўлсак, ушбу уч ҳолат тадбиркорлик хавфи билан боғлиқдир. Лекин, қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, яъни лозим даражада бажарилмаслигига энгиб бўлмайдиган куч ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг резиденти ҳисобланган тадбиркор чет эл юридик шахси билан экспорт шартномасини имзолади. Ушбу шартномага мувофиқ экспорт қилувчи, яъни ўзбекистонлик тадбиркор 1000 тонна узум етказиб бериши керак. Экспорт қилувчи ўзи узум етиштирувчи ҳисобланмаганлиги сабабли бир неча деҳқон ва фермер хўжаликлари билан шартнома тузади. Агар, қарздорнинг юқорида қайд қилинган контрагентлари унга узум етказиб бера олмаса, қарздор кредитор олдида жавобгар бўлади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига асосан ҳатто қарздорнинг контрагентлари мажбуриятларини бажармасликлари ёки лозим даражада бажармасликлари учун энгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари асос бўлганлиги ҳам инobatга олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмида белгиланган нормани ушбу соҳани тартибга солувчи халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланган “Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида”ги БМТ Конвенциясининг нормаси билан таққослайдиган бўлсак, ўзаро номувофиқликни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1996 йилда қўшилган [5].

“Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида”ги БМТ Конвенциясининг 79-моддаси 2-бандида тараф ўз мажбуриятларини у томонидан бутун шартномани ёки унинг бир қисмини бажариш учун жалб қилинган учинчи шахс ўз мажбуриятини ижро этмаганлиги оқибатида бажара олмаган бўлса ва ушбу учинчи шахс мажбуриятини ижро этмаслигига Конвенциянинг 79-моддаси 1-қисмига мос тушадиган тўсиқ сабаб бўлган бўлса, шартноманинг тегишли тарафи жавобгарликдан озод қилиниши белгилаб қўйилган.

“Товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисида”ги БМТ Конвенциясининг 79-моддаси қоидаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига қуйидагича ўзгартириш киритиш керак деб ҳисоблаймиз: “Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга энгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон

бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, агар шериклари бундай бузилиш энгиб бўлмайдиган куч туфайли бўлганлигини исботлай олмаса, қарздорни жавобгарликдан озод этиш учун асос бўлмайди.”

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси 3-қисмига мувофиқ қандай ҳолатлар форс-мажор ҳолатлари сирасига кирмаслиги ҳақида юқорида келтириб ўтилди. Булар: қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги ва қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлигидир. Қозоғистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодексининг 359-моддасига асосан санаб ўтилган 3 ҳолатдан биттасигина, яъни мажбуриятни бажариш учун зарур товар, иш ёки хизматларнинг бозорда йўқлиги форс-мажор ҳолати ҳисобланмаслиги белгилаб қўйилган [6].

Форс-мажор ҳолатлари туфайли жавобгарликдан озод қилиш учун ушбу ҳолатларнинг содир бўлганлик фактининг ўзи етарли эмас. Жавобгарликдан озод қилишни талаб қилаётган тараф иккинчи тарафга шартномада белгиланган муддатда, агар бундай муддат белгиланмаган бўлса оқилона муддатда форс-мажор ҳолати содир бўлганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим. Энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларининг содир бўлганлик факти ваколат берилган маълум ташкилотлар томонидан тасдиқланади. Булар: Савдо-саноат палаталари, Савдо вазирликлари ёки махсус давлат органи бўлиши мумкин. “Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида” Низом қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида бундай ваколат Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига берилган. Энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш манфаатдор томоннинг энгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатлари кўрсатилган ёзма аризаси асосида Вазирлик томонидан тегишли сертификат бериш йўли билан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ташқи савдо битимларида жавобгарликдан озод қилиш бўйича вужудга келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари ва “Энгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида” низом қоидалари билан тартибга солинади. Миллий қонунчилигимиз халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлишини таъминлаш мақсадида Фуқаролик кодексининг 333-моддасига юқорида келтирилган тегишли ўзгартиришларни киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси тўғрисида ахборот
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (2015 йил 1 октябргача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: “Адолат”, 2015 й. –Б. 556

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.1. / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т.: Vektor-Press, 2010. – Б.726.

4. Раҳмонкулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. 1 – жилд. – Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи”, 1997. – Б.504.

5. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси”, 1996 й., –N 9, 157-модда.

6. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 7-сон, 56-модда.

Э.Ахунджанов,
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий)
ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ХАЛҚАРО ЙЎЛОВЧИ ВА БАГАЖ ТАШИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: мазкур мақолада халқаро кўламда темир йўл транспортида йўловчи ва багаж ташиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш масалалари, йўловчи ва юк ташишга оид бир қатор халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик нормалари ҳамда ташиш муносабатларини тартибга солишда умумий ва махсус қонунларнинг тутган ўрни таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: халқаро кўламда йўловчи ва багаж ташиш тушунчаси, ташиш муносабатларини халқаро ҳуқуқий тартибга солиш, ташиш муносабатларини махсус қонунчилик нормалари билан тартибга солиш, СМГС, КОТИФ, Берн Конвенцияси, ОСЖД, МСЖД.

Аннотация: в данной статье проанализированы вопросы правового регулирования международной перевозки пассажиров и багажа в железнодорожном транспорте, нормы международных документов и национального законодательства по перевозке пассажира и грузов, а также роль общих и специальных норм по регулированию отношений по перевозке.

Ключевые слова: понятие международной перевозки пассажира и грузов, международно-правовое регулирование отношений по перевозке грузов, регулирование отношений по перевозке грузов нормами специального законодательства, СМГС, КОТИФ, Бернская Конвенция, ОСЖД, МСЖД.

Annotation: in this article questions of legal regulation of the international transportation of passengers and baggage in railway transport, standards of the international documents and the national legislation on transportation of the passenger and freights, and also a role of the general and special norms on regulation of the relations on transportation are analysed.

Key words: concept of the international transportation of the passenger and freights, international legal regulation of the relations on transportation of goods, a regulirvoaniye of the relations on transportation of goods by standards of the special legislation, SMGS, KOTIF, the Bern Convention, OSJD, MSJD.

Ўзбекистон Республикаси транспорт коммуникациялари ривожланган давлатлар жумласига киради. Айни вақтда, шу соҳани янада ривожлантириш ва самарадорлик даражасини янги босқичларга кўтариш мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорлиги, жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви кучайишини, юк ва йўловчиларни манзилларига етказишда натижалар янада салмоқли бўлишини таъминлайди.

Халқаро қатновларда темир йўл транспортида йўловчи ва багаж ташиш халқаро транспорт тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. Бошқа транспорт турлари билан солиштирилганда темир йўл транспортининг бир қатор афзалликлари кўзга ташланади. Масалан, йўловчи ва багажни кенг кўламда ташиш имконияти; бошқа транспорт

турларига нисбатан тез ва узоқ масофага ташиш имконияти; ташишларнинг бошқа транспорт турларига нисбатан қийин олинган арзонлиги. Лекин юқорида кўрсатиб ўтилган афзалликларга қарамай, темир йўл транспорти йўловчи ва багаж ташишнинг ҳажми бўйича автомобиль ва ҳаво транспортларидан ортада қолмоқда. Хусусан, ушбу ҳолат темир йўл транспортида ташишлар фақатгина 500 км.дан узоқ масофага амалга оширилгандагина самара бериши билан ифодаланади [1, 54-бет]. Бироқ ҳозирги амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, автомобиль транспортида ташишларнинг қимматлиги ва экологик жиҳатдан муаммолиги сабабли автомобилда ташишдан темир йўл транспортида ташишларга ўтиш тенденцияси кузатилмоқда.

Халқаро темир йўл қатновларини ташкиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидаги жиҳатларда ифодаланади. Биринчидан, халқаро темир йўл ташишларида бир неча давлатлар темир йўлларида фойдаланилади. Ушбу ҳолат халқаро темир йўлда ташишларда иштирок этаётган давлатларнинг ҳаракатларини мувофиқлаштиришни, Ғарбий Европа темир йўллари изининг Шарқий Европа ва айрим Осиё давлатларининг темир йўл излари билан мос келмаслигини ҳисобга олишни, турли хил давлатларнинг темир йўл соҳасига оид ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив базани ишлаб чиқишни талаб қилади. Иккинчидан, бундай ташишларда чегарани босиб ўтиш йўловчиларни бошқа мамлакат темир йўлларига топшириш билан ифодаланади. Учунчидан, халқаро йўловчи ва багаж ташишларида бир мамлакат темир йўллари вагонларининг иккинчи мамлакат темир йўлларида муайян муддатга фойдаланишида ифодаланади.

Халқаро темир йўл транспортида ташишларни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ушбу хусусиятлар темир йўл транспортида йўловчиларни ташишни белгилаб берган тартиб қоидалар билан ўзаро боғлиқ. Ушбу ҳолат, хусусан, ташувчининг чегарани кесиб ўтиш ва чегара станцияларида йўловчиларни бошқа мамлакат темир йўлларига топшириш тартиби тўғрисидаги ўзаро боғлиқ норматив ҳужжатлар тизимида кўринади.

Халқаро темир йўл транспортида ташишларга оид конвенциялар мавжуд бўлганда, ташишларга нисбатан миллий қонунчилик ушбу конвенция қоидаларида миллий қонунчиликни қўллашга оид ҳавола бўлганда ёки муайян масалалар конвенция нормалари билан бевосита тартибга солинмаганда қўлланилиши мумкин. Халқаро йўловчи ва багаж ташиш муносабатларини тартибга солувчи халқаро шартномалар орасида КОТИФ ва СМПС шартномалари алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро темир йўл ташишларини ҳуқуқий тартибга солишни халқаро унификация қилиш XIX аср охири Европада бошланган. 1890 йили Европанинг 9 та давлати томонидан имзоланган (Чор Россияси ҳам аъзо бўлган) Халқаро темир йўлда юк ташишлар тўғрисидаги Берн конвенцияси қабул қилинади. Кейинчалик ушбу конвенция МГК ёки СИМ деб аталган қисқартма номлар билан атала бошланади. 1923 йилда эса, МГК ёки СИВ кўринишидаги қисқартма ном олган Халқаро темир йўлда йўловчи ва багажлар ташиш тўғрисидаги Берн конвенцияси қабул қилинади.

Берн конвенциясининг узоқ давр мобайнида қўлланилиши унга муҳим ўзгартириш ва қўшимчалар

киритилишига сабаб бўлган. Агарда конвенция қабул қилинган пайтда унинг аъзолари фақатгина Европа давлатлари бўлса, даврлар ўтиши натижасида унинг сафи бир қатор Осиё (Эрон), ҳатто Шимолий Африка давлатлари (Жазоир, Марокаш) ҳисобига кенгайди. Бунинг натижасида Берн конвенцияси ҳудудий конвенциядан универсал конвенцияга айланди. 1980 йил Берн конвенцияларини қайта кўриб чиқиш конференциясида ушбу конвенцияларни КОТИФнинг янги таҳририга бирлаштириш зарурати тўғрисида қарор қабул қилинди. КОТИФ битими кучга киргандан бошлаб уни қўллашнинг амалий тажрибаси ва шартномада иштирок этувчи давлатларнинг кўпайганлиги инobatга олинган ҳолда икки марта қайта кўриб чиқилган. КОТИФга Илова сифатида Халқаро йўловчи конвенцияси (Илова А – МПКнинг ягона қоидалари) ва Халқаро юк конвенцияси (Илова Б – МПКнинг ягона қоидалари) ишлаб чиқилади. КОТИФ доирасида ўзининг вазифалари ва ваколатли органларига, шунингдек фаолиятини олиб бориш тартибига эга бўлган Халқаро темир йўл транспорти ташкилоти (Берн ташкилоти) ташкил қилинади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, КОТИФнинг асосий мақсади – бу халқаро тўғридан-тўғри темир йўл қатновларида юк, йўловчи ва багаж ташишларида қўлланиладиган ягона ҳуқуқий тизимни яратишдан иборат ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий тизим нормалари темир йўл, дарё ва денгиз транспорти турларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган аралаш ташиш муносабатларини тартибга солишда ҳам қўлланилади.

КОТИФ халқаро шартномасида ташиш муносабатларига оид энг муҳим масалалар тартибга солинган. Масалан, болаларни ташишнинг муҳим шартлари, багаж ва қўл юкини ташиш, ташувчининг жавобгарлиги, даъво муддати ва бошқа ҳолатлар алоҳида эътиборга олинган. Хусусан, КОТИФ шартномасида йўловчининг билетига нисбатан қўйиладиган талаблар мустаҳкамланган бўлиб, йўловчи билетининг мажбурий реквизитлари кўрсатиб ўтилган. Бироқ йўловчи билетининг шакли темир йўл ташкилотларининг ўзаро келишувлари асосида белгиланади. Ушбу келишувларда йўловчи билетининг амал қилиш муддати ҳам белгиланади. Йўловчи ушбу муддат ичида норматив ҳужжатларда мустаҳкамланиб қўйилган ташишга бўлган ҳуқуқини тўхтатиши мумкин. Йўловчи темир йўл ташиш хизматидан умуман ёки унинг бир қисмидан воз кечиши мумкин. Бу ҳолатда йўловчига йўл ҳақи тўлиқ ёки унинг бир қисми қайтарилди.

КОТИФ шартномасига мувофиқ, қўл юкини ташиш бепул ҳисобланади. Қўл юки сифатида йўловчи ўтирган жойнинг пастки ёки юқори қисмига жойлаштириш мумкин бўлган, энгил олиб юриладиган предметлар назарда тутилади. Багажларни ташиш эса, олдиндан белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади. Багажларни ташиш аниқ белгиланган шаклдаги квитанция асосида амалга оширилади. Багаж белгиланган тартибда ўралмаганда, бу ҳақда квитанцияга махсус белгилар қўйилади.

Халқаро темир йўл транспортида йўловчи ва багаж ташиш муносабатларини тартибга солувчи КОТИФ шартномасидан ташқари СМПС келишуви ҳам мавжуд [2, 94-бет]. Айтиш мумкинки, СМПС шартномаси Собиқ Иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг ҳам ўзининг аҳамиятини сақлаб қолди ва давлатлар ўртасидаги халқаро темир йўл транспортида йўловчи ва юк ташиш

фаолиятини ташкил қилишда қўлланилиб келинмоқда. СМПС шартномасида темир йўл ташкилотларининг мажбуриятлари ва уларнинг жавобгарлик масалалари, йўловчи, багаж ва товар багажи ташиш тартиби мустақкамлаб қўйилган.

СМПС шартномасида йўловчи ташишни ташкил қилиш ва амалга оширишга бағишланган алоҳида махсус бўлим ажратилган бўлиб, у “Йўловчиларни ташиш” деб номланган. Ушбу бўлим йўловчи билетлари, уларнинг яроқчилиги шартлари, билетларни назорат қилиш, поездда жой тақдим қилиш, болаларни ташиш шартлари, темир йўл ташишларидаги танаффуслар, темир йўл ташишларини рад қилиш ва ташиш шартномасини тўхтатишга оид муносабатларни тартибга солиш тўғрисидаги нормалардан иборат.

Темир йўлда йўловчи ва багаж ташиш муносабатларини миллий ҳуқуқ доирасида тартибга солувчи ҳужжатлар доирасига қўйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги 109-сон Қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида йўловчилар, багаж ва юк багаж ташиш қоидалари”.

Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунида халқаро қатновлар дейилганда, юклар, йўловчилар, багаж ва юк багажини Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ўртасида ташишлар назарда тутилади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, темир йўл ташишларини халқаро ташиш сифатида баҳолаш учун юк, йўловчи ва багаж Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараларини кесиб ўтиши талаб қилинади [3].

Темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш муносабатларида ташувчига қўйиладиган асосий ва муҳим шартлардан бири ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензиянинг мавжудлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги Қарори [4.] ва ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 360-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган “Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, темир йўлда юк ва йўловчи ташиш муносабатлари лицензияланадиган фаолият тури сифатида кўрсатилган [5.]. Лицензияларни бериш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисидаги қарорлар Авиация ва темир йўл транспорти соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг комиссияси томонидан қабул қилинади. Халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия камида 5 йил муддатга берилади.

“Маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича темир йўл транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, ташувчи қонун ҳужжатларига, юкларни ташиш қоидаларига, йўловчилар ва багажни

ташиш қоидаларига мажбурий риоя қилиши, ҳаракат хавфсизлигини, техника хавфсизлигини, ёнғин хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитарияси ва экология талаблари ҳамда нормаларини таъминлаши, йўловчилар ва юк ташиш учун фойдаланиладиган ҳаракатланиладиган таркибнинг, шунингдек ходимларнинг темир йўл транспортида белгиланган талабларга мувофиқлиги таъминланиши лозим [6.].

Халқаро темир йўлда йўловчи ва багаж ташишларни ташкил қилишга оид халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. **Биринчидан**, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини миллий транспорт ҳуқуқига сезиларли таъсир қилгани каби, алоҳида ҳолатларда миллий қонунчилик нормалари халқаро хусусий ҳуқуқда ўз аксини топади. **Иккинчидан**, халқаро йўловчи ва багаж ташишларни тартибга солувчи қонунчилик халқаро юкларни ташишга оид қонунчиликка нисбатан камроқ ишлаб чиқилган ва турли хилдир. Шу билан бирга халқаро йўловчи ва багаж ташиш муносабатларининг халқаро юк ташиш муносабатларига ўхшаш жиҳатлари мавжуд. Иккала муносабатда ҳам ташишнинг асосий мақсади йўловчи ёки юкнинг бир жойдан иккинчи жойга етказиш билан боғлиқ ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида транспорт муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик шаклланган бўлиб, ҳар бир транспорт турига доир қонун ва қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган. Ушбу нормалар ташувчилар ва мижозлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, мамлакат иқтисодиётининг ўсиши ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги рақобатдан келиб чиққан ҳолда доимий равишда такомиллаштирилиб борилмоқда.

Транспорт турларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қонун ҳужжатларининг қабул қилинишининг афзаллиги ташиш шартномаларига бағишланган турли хил тадқиқотларда таъкидлаб ўтилган. Масалан, О.Н. Садиқов фикрича, транспорт турларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида қонун ҳужжатларини қабул қилиш қуйидагича изоҳланади. Биринчидан, ҳар бир транспорт турида ташишларни ташкил қилиш транспорт-технологик ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг алоҳида хусусиятларига эга. Иккинчидан, ушбу соҳани кенг қамровлигини инобатга олган ҳолда уни ягона ҳужжат билан тартибга солиш имконияти йўқдир [7, 305-бет.]. Н.С.Ковалевская ҳам ушбу ҳолатга нисбатан яқин бўлган фикрларни таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, ташиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш умумий жиҳатдан кўпроқ Фуқаролик кодексида ўз аксини топган. Лекин транспорт турларидан келиб чиққан ҳолда транспорт ташкилотлари фаолиятининг хусусиятлари ташишнинг шартларига сезиларли таъсир кўрсатади. Айнан шу сабабли транспортнинг турларидан келиб чиққан ҳолда ташиш шартномаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари махсус транспорт қонунларида белгиланган [8].

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мисолида айтиш мумкинки, ташиш шартномаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари шунда белгиланадики, бошқа шартномалардан фарқли ўлароқ ташиш шартномаларини умумий тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга

солинади. Бунда фуқаролик қонунчилиги фақатгина ташиш муносабатларини тартибга солишга қаратилган умумий қоидаларни белгилаб беради. Ташиш муносабатларини асосий тартибга солиш манбаси сифатида транспорт соҳасини тартибга солувчи қонун ва уставлар ҳисобланади. Ушбу қонунларда ташиш қоидалари, ташиш муносабатлари тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари янада аниқлаштирилади.

Ҳуқуқий адабиётларда бундай юридик-техник усул икки хил сабаб билан асосланади. **Биринчидан**, транспорт жамоавий фаолиятнинг шундай бир соҳасики, унда юзага келадиган муносабатларни бир хил тартибга солишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш табиий монополия ҳисобланади ва давлат томонидан тартибга солинади [9.]. Шунга мувофиқ, транспорт мажбуриятларга бағишланган хусусий ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам императив нормаларнинг ўрни жуда каттадир. Алоҳида транспорт турлари бўйича ташиш шартлари ва ушбу муносабатлар томонларининг жавобгарлиги ФК, транспортга оид қонун ва уставларда бошқа ҳолат белгиланмаган бўлса, тарафларнинг келишуви билан белгиланиши мумкин, **Иккинчидан**, ташишларни тартибга солиш давлатнинг катта-кичиклигини, ҳудудий йўлларнинг узунлигини ва уларни бошқаришдаги мураккабликни инобатга олган ҳолда комплекс хусусиятга эга. Комплекс хусусиятга эса фақатгина бир ҳужжатга хусусий ва оммавий ҳуқуқ нормаларини бирлаштирган ҳолдагина эришиш мумкин ҳисобланади. Бунинг натижасида, тегишли транспорт турини бошқаришнинг, ташишларни ташкил қилишнинг, транспорт йўллари ва воситаларидан фойдаланиш шартлари, ва ниҳоят, ташиш шартномаси бўйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ягона тизими яратилади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, транспорт муносабатларининг асосий қисми махсус қабул қилинган қонунлар орқали тартибга солиниши лозим.

Бизнинг фикримизча, транспорт қонунчилигининг мақбул тизимини яратиш учун ушбу соҳага оид нормаларни унификация қилиш лозим ҳисобланади. Транспорт соҳасини тартибга солувчи турли хил манбаларни камайтириш, уларнинг мақбул бўлган таркибини белгилаш, ушбу манбаларнинг шакл ва таркибий қисмидан келиб чиққан ҳолда ягона турини яратиш унификация қилишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Лекин шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, транспорт қонунчилиги тизимини сон жиҳатдан камайтириб юборишга бўлган ҳаракат, аксинча натижа бериб, ушбу тизимнинг умуман ишламаслигига ёки кўзда тутилган натижалар бермаслигига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун транспорт қонунчилиги тизимининг, ушбу тизимга қарадиган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аниқ мақсадини ва транспорт муносабатларини тартибга солишнинг самарадорлигини таъминлашда тутган ўрнини белгилаб олиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Чижова О.В. Международные железнодорожные перевозки // Закон. 2003. –№ 7. –С. 54; Clarke M. Contracts of Carriage by Land and Air (Maritime and Transport

Law Library Series). –London, 2004.

2. Соглашение о международном пассажирском сообщении (СМПС). М., 1999. См. также: Служебная инструкция к Соглашению о международном пассажирском сообщении (СИ к СМПС). –М., 2005. –С.5-94.

3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 23-сон, 301-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 588-модда.

5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 31-сон, 380-модда.

6. Гражданское право России. Часть вторая. Обязательственное право: Курс лекций / Отв. ред. О.Н. Садиқов. –М., 1997. –С. 369-370.

7. Ковалевская Н.С. Перевозка // Коммерческое право: Учебник / Под ред. В.Ф. Попондопуло, В.Ф. Яковлевой. СПб., 1997. –С. 305.

8. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 588-модда.

А.Эргашев,
ТДЮУ “Халқаро тижорат (хусусий) ҳуқуқи”
кафедраси ўқитувчиси

ТРАНСЧЕГАРАВИЙ БАНКРОТЛИК БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТЛАРГА НИСБАТАН ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚНИ АНИҚЛАШДА ЮРИДИК ШАХС ШАХСИЙ ҚОНУНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация: мазкур мақолада халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни мажбурий тугатиш (трансчегаравий банкротлик) билан боғлиқ жараёнларда юридик шахснинг шахсий қонунининг аҳамияти ва мазкур жараёнга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларига тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: трансчегаравий банкротлик, юридик шахснинг шахсий қонуни, қўлланиладиган ҳуқуқ, коллизия боғловчиси, ҳудудийлик усули, универсаллик усули, асосий манфаатлар маркази, қарздорнинг асосий фаолият юритиш жойи.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы, связанные со значением личного закона юридического лица при обязательном порядке прекращения деятельности юридического лица (трансграничное банкротство) в международном частном праве и определение применимого права.

Ключевые слова: трансграничное банкротство, личный закон юридического лица, применимое право, коллизионная привязка, территориальный метод, метод универсальности, центр основных интересов, основное место деятельности должника.

Annotation: This article discusses the issues associated with the value of the personal law of a entity under compulsory winding-up of the legal entity (cross-border bankruptcy) in private international law and the determination of the applicable law.

Key words: cross-border bankruptcy, personal law of a legal entity, applicable law, collisional linking, the method of territoriality, the method of the universality, center of main interests, the debtor's principal place of activity.

Миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили ҳамда ҳуқуқи ва иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг халқаро хусусий ҳуқуққа оид қонунчилик тажрибасини ўрганиш Ўзбекистон халқаро хусусий ҳуқуқ қонунчилигида юридик шахслар ҳуқуқий мақомини белгилаш ва юридик шахсларни тугатиш билан боғлиқ қонунчиликни такомиллаштиришни долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Халқаро хусусий ҳуқуқда миллий қонунчилик ва амалиётда бўлгани сингари юридик шахсларни тугатишнинг икки хил усули мавжуд бўлиб, улар ихтиёрий ва мажбурий тартибда тугатишдан иборат ҳисобланади. Биз қуйида халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахсларни мажбурий тугатиш (трансчегаравий банкротлик) билан боғлиқ жараёнларда юридик шахс шахсий қонунининг аҳамияти ва мазкур жараёнга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни аниқлаш масалаларига тўхталиб ўтамыз.

Трансчегаравий банкротлик билан боғлиқ муносабатларни кўриб ҳал қилишда юридик шахсларнинг қайси давлатга тегишли эканлиги (миллати, шахсий қонуни)ни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, юридик шахсни ташкил этиш, қайта

тузиш ва унинг фаолиятини тугатиш тартиби, уларни амалга ошириш шартлари ва пайтлари, шунингдек юридик оқибатлар шахсий қонунига асосланади. Юридик шахсни вужудга келган деб топиш учун зарур бўлган талабларни бажариш тартиби, шунингдек унинг таъсис этилишини ҳақиқий эмас деб эълон қилиниши оқибатлари (шу жумладан, битим тузган учинчи шахсларнинг манфаатлари қай даражада ҳимоя қилиниши, уларнинг “ҳақиқий бўлмаган” юридик шахс устидан судга даъво билан арз қилиш имкониятлари) шахсий қонунга мувофиқ белгиланади. Юридик шахснинг миллати давлатларнинг ҳар бирида уни ҳуқуқнинг хорижий ёки миллий субъекти сифатида идентификация қилиш имкониятини беради, бу эса ушбу мамлакатда мазкур субъектнинг ҳуқуқий ҳолатини, унинг фаолиятини у мансуб бўлган давлатнинг ва у тижорат операцияларини амалга ошираётган давлатнинг қонунчилиги ва маъмурий ҳужжатларига бўйсунмиш чегарасини белгилаш асоси ҳисобланади. Бу ерда юридик шахснинг бундай ҳуқуқий ҳолатининг унинг хорижий ёки, аксинча, миллий хусусияти билан белгиланувчи баъзи бир жиҳатларини қайд этиш мумкин.

Биринчидан, юридик шахснинг у ёки бу давлатга мансублиги шу давлатнинг халқаро муомалада миллий ташкилотлар иштирокини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ва маъмурий ҳужжатлари унга татбиқ этилишини белгилайди. Давлат фақат “ўз” ташкилотларига нисбатан тижорат фаолиятини чет элда амалга оширишни, у ёки бу мамлакатнинг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлари билан битимларга киришишни тақиқлаш ёки рухсат беришга ваколатлидир. Умумий қоидага биноан бу хорижий давлат “ўз” юридик шахсига нисбатан қабул қилувчи ҳужжатлар бошқа давлатларда тан олиншини англатади. Ташкилот “ўз” миллий юридик шахси сифатида тан олингани эса, аксинча, унинг хорижий давлат ҳужжатларига бўйсунмиш имкониятини бутунлай истисно этишини англатади.

Иккинчидан, юридик шахснинг хорижий давлатга мансублиги унинг фаолиятини барча мамлакатларда “чет элликлар” учун назарда тутиладиган махсус ҳуқуқий режимга бўйсундиради. Ҳатто фуқаролик муомаласи соҳасида чет элликларга миллий режим берилган ҳолда ҳам улар баъзи бир жиҳатлардан алоҳида мавқега эга бўладилар. Юридик шахснинг миллатидан келиб чиқиб, мазкур давлат ҳудудида ҳўжалик фаолиятига ижозат бериш шартлари, солиқ солиш режими, валюта операцияларини амалга ошириш, муайян турдаги битимларни амалга оширишга лицензиялар бериш тартиби ва ҳоказолар белгиланади. Бу ва бошқа бир қанча масалаларда миллий юридик шахслар имтиёзлардан фойдаланадилар.

Учинчидан, юридик шахсларнинг давлатга мансублигини аниқлаш аҳдлашаётган давлатларнинг жисмоний ва юридик шахсларига татбиқ этиш учун мўлжалланган икки тарафлама ва кўп тарафлама иқтисодий ва бошқа хил келишувларни қўлланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Савдо битимлари ва бошқа хил шартномалар бўйича юридик шахсларга ўзаролик асосида муайян ҳуқуқлар ва имтиёзлар берилгани боис, конвенцион режимнинг амал қилиш доирасига кирадиган ва кирмайдиган миллий субъектларни аниқлаш муҳимдир. Айрим ҳолларда давлатлар аҳдлашуви билан юридик шахсларга ўзаролик асосида ҳуқуқий режим беришнинг умумий шартлари, баъзи

ҳолларда эса – муносабатларнинг у ёки бу соҳасидаги ҳуқуқлар ва имтиёзлар қамраб олинади. Аммо барча ҳолларда шартномаларнинг амал қилиши юридик шахсларни мазкур давлатларга мансуб бўлган субъектлар сифатида идентификация қилишни тақозо этади. Уларнинг миллатини аниқлаш уларга шартнома шартлари қўлланиши, улар шартнома иштирокчиси бўлган давлатга мансублиқдан келиб чиқувчи конвенцион ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланиши мумкинми, давлат уларга бундай ҳуқуқлар ва имтиёзларни беришга мажбурми, деган саволларга жавоб топиш имкониятини беради.

Юридик шахснинг миллати унинг аниқ бир давлатга мансублигини кўрсатиш орқали тегишли давлатнинг “ўз” ташкилотини дипломатик ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқини тан олиш ҳамда мазкур ташкилотнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини у қайси бошқа давлатлар худудида иш кўраётган бўлса, шу давлатлар олдида ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни амалга ошириши учун юридик асос бўлиб хизмат қилади.

Шаклланган халқаро амалиётга мувофиқ давлат ташкилот фойдасига таъминлаш, муҳофаза ёки ҳимоя қилиш чораларини кўришга йўл қўйилиши унинг миллати, давлатга мансублиги билан белгиланади. Давлатга мансублик белгиси хўжалик ташкилоти халқаро хўжалик муомаласида иш кўриш жараёнида қайси давлатнинг дипломатик ҳимоясига умид қилиши мумкинлиги, бундай ҳимояни сўраб у қайси давлатга мурожаат этишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун муҳимдир.

Ташқи иқтисодий фаолият – бу давлатлараро савдо, иқтисод, фан, маданият ва туризм соҳасидаги муносабатларда ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган, натижаси муносабатларга киришадиган томонлар учун ўзаро фойдали бўлган фаолиятдир. Мазкур фаолият одатда бир давлат ҳудуди доирасидан четга чиқиб, хорижий давлатлар билан муносабатларга киришиш нуқтаи-назаридан ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асослари сифатида халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунчилик эътироф этилади.

Ўз ўрнида халқаро қонунчилик ҳам универсал ва регионал характердаги ҳужжатларга бўлиниб, Конвенциялар, халқаро ташкилотлар қарорлари, китъалараро, давлатлараро кўп томонлама ва икки

томонлама халқаро шартномалар ҳамда бошқа келишувлар ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг иқтисодий ҳамкорлигини амалга ошириш, уни кенгайтириш ва мустақамлаш мақсадида хорижий мамлакатлар ҳукуматлари, турли хўжалик юритувчи субъектлари ҳамда молия ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама битимларни тузади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси томонидан юздан ортиқ халқаро ҳужжатлар имзоланган бўлиб, Ўзбекистон кўп томонлама сармоя ажратишни кафолатловчи агентликка (Сеул, 1985 йил 11 октябрь) 1992 йил, Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенцияга (Вашингтон, 1965 йил 18 март) 1993 йил, Эркин савдо зонаси яратиш тўғрисидаги Келишувга (Москва, 1994 йил 15 апрель) 1994 йил, Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисида»ги (НьюЙорк, 1958 йил 10 июнь) 1995 йил, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Товарларни халқаро олди-сотди шартномаси тўғрисидаги Конвенциясига (Вена, 1980 йил 11 апрель) 1996 йилда қўшилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Халқаро тараққиёт уюшмасининг тенг ҳуқуқли аъзосидир, кўплаб чет эл давлатларининг компаниялари ва банклари билан бевосита савдо иқтисодий соҳада ҳамкорлигимиз ривожланиб бормоқда [1].

Сўнги йилларда имзоланган ҳужжатларга мисол қилиб,

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида “Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 2013 йил 15 апрель, Москва Битим [2].

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ўртасида “Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим. [3]

– Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида “Туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги 2015 йил 6 июль, Тошкент Битим [4].

– Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси Ҳукумати ўртасида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим (Деҳли, 2005 йил 5 апрель) [5] Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник иқтисодий – ҳамкорлик тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2005 йил 18 июль) [6] ва бошқа қатор ҳужжатларни келтиришимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, халқаро ҳужжатлар қаторида минтақавий характерга эга бўлган, муайян иқтисодий-геоисий жойлашувига кўра ўзаро яқин ва уйғунлик касб этадиган давлатлар ўртасида имзоланган ҳуқуқий асослардан янан бир бу ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишга қаратилган минтақавий ҳужжатлардир.

Шу ўринда МДҲ давлатлари томонидан 1992 йил 15 майда имзоланган “Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишувни келтиришимиз мумкин. Мазкур ҳужжатга мувофиқ ахдлашувчи томонлар ўзаро иқтисодий фаолиятни амалга оширишга киришар эканлар, мазкур фаолиятни амалга ошириш учун яратиладиган тенг шароит, солиқ

ва божхона нормаларнинг тадбиқ этилиши, томонларнинг тенглиги ва ўзаро фойдали мақсадларнинг устун туриши каби тамойилларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Гарчанд, мазкур ҳужжатнинг “ахдлашувчи томонлар”и сифатида давлатларнинг ҳукуматлари саналиши қайд этилган бўлсада, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги 2000 йил 26 майдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига кўра ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ҳисобланадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, қонун нормасида келтирилган тарифдан келиб чиқадиган бўлсак, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари халқаро хусусий ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро фарқланмаган мазмунда қўлланилган.

Аммо мазкур субъектлар айнан бир тушунчани англатмайди ҳамда уларнинг қуйидаги ўхшаш ва фарқланувчи жиҳатлари мавжуд.

Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементи билан мураккаблашган ижтимоий муносабатлар назарда тутилади. Чет эл элементи билан мураккаблашиш – мазкур ижтимоий муносабатнинг объекти, субъекти ва юридик ҳодисада чет эл элементининг аралашувини ўзида акс эттиради.

Субъектнинг чет эл элементи билан мураккаблашуви шунда намоён бўладики, муносабатга киришадиган томонлардан камида биттаси хорижий мамлакат жисмоний ёки юридик шахси бўлади. Уларнинг ҳуқуқий мақоми, ташкилий-ҳуқуқий шакли аҳамият касб этмайди. Яъни юридик шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш жараёнида тижорат ёки нотижорат мақсадини кўзлаши, давлат ёки нодавлат ташкилот сифатида ҳуқуқий мақомга эга бўлиши ёхуд мулкчилик шакли инobatга олинмайди.

Шунингдек, жисмоний шахслар ҳам бошқа хорижий мамлакат фуқаролари билан ўзаро фуқаролик, оила, меҳнат муносабатлари юзасидан алоқага киришишлари мумкин бўлиб, юнда уларнинг ўз мамлакатларида ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга эканликлари уларни ўзаро муносабаларга ҳеч бир тўсқинликсиз киришишлар учун етарли ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий муносабатлар субъектлари тушунчаси эса нисбан тор мазмунга эга бўлиб, юридик шахсга нисбатан таъсис этилган ва рўйхатдан ўтган мамлакат ҳудудида ҳуқуқ ва муомала лаёқати жиҳатдан чекловнинг мавжуд эмаслиги билан бир қаторда, айнан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ваколатига эга субъект сифатида тан олинганлиги (давлат рўйхатилан ўтказилиши) талаб қилинади. Бу қоида Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Ўз.Р қонунининг 3-моддаси 2-қисмида “Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир”, дея белгиланган.

МДҲ келишувга мувофиқ, ахдлашувчи томонлар учинчи мамлакат ёки халқаро ташкилотлар билан алоқага киришганда ахдлашган томонларнинг ўзаро манфаатлари устунлигини доим ёдда тутган ҳолда фаолият олиб борадилар. Халқаро бозорда инсофсиз

рақобатдан ўзларини тийган ҳолда ҳаракат қилиш мажбуриятини оладилар.

Жаҳон ҳамжамиятининг интеграция жараёнларига кириб бориши натижасида давлатлар бир ватқнинг ўзида паралел равишда хорижий мамлакатлар ва уларнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий муносабатларга киришадилар, ўзаро манфаати битимлар тузадилар. Шу жараёнда агарда аҳдлашувчи томонлар айна бир масала юзасидан, паралел равишда икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар билан муносабатга киришишга тўғри келса, унда албатта ўзаро аҳдлашувчи мамлакат хўжалик юритувчи мамлакат субъектининг имтиёзга эга эканлиги, ёхуд учинчи мамлакат субъекти билан муносабатларга киришиш натижасига аҳдлашувчи мамлакатнинг манфаатларига зарар етказмаслик мажбуриятини олганлигини ҳис қилган ҳолда ҳаракат қилиш лозимлиги ёдда тутилади. Мазкур қоида Халқаро хусусий ҳуқуқнинг “ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллаш” принципига асосланади ва амалга оширилади.

Аҳдлашувчи томонлар учинчи мамлакат ёки халқаро ташкилотлар билан ташқи иқтисодий сиёсатни амалга ошириш чоғида ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш билан бир қаторда, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ўзаро манфаатларини ҳимоя қилинишига ва таъминланишига ҳаракат қиладилар.

Шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан бошқарилиши ва норматив-ҳуқуқий базани ривожлантирилишига, унинг такомиллаштиришига доир маслаҳатлар берадилар ва ички ҳуқуқий базани яратилишида кўмаклашадилар.

Бундан кўзланган мақсад ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширувчи турли мамлакатларда давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни юритишга доир сиёсатини ягона манфаатлар нуқта-назаридан ташкил этиш ва аҳдлашувчи мамлакатларнинг бу соҳадаги иштирокини бирдек таъминлаш устувор вазифа саналади. Қолаверса, аҳдлашувчи ҳамкор давлатлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш ва илгор натижаларни баҳам кўришдан иборатдир.

“Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида”ги келишувнинг 5-моддаси мазмунига кўра аҳдлашувчи томонлар ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда келишувга мувофиқ ўзаро ахборот алмашинувини йўлга қўядилар, ташқи иқтисодий фаолиятни тариф ва нотариф тартибга солиш методларини ишлаб чиқишда биргаликда иштирок этадилар, шунингдек, ташқи иқтисодий фаолиятни самарадорлигини оширишни кўзлайдиган бошқа чоратadbирларни ишлаб чиқадиладар. [7]

Мазкур келишувда назарда тутилган ахборот деганда давлат сирини ҳисобланмайдиган, ташқи иқтисодий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлган, очиқ статистик маълумотлар назарда тутилади. Шундай ахборотлардан мисол тариқасида давлатлар ўртасида тузилган йиллик халқаро савдо шартномалари умумий сони ва товар айланмаси ҳажми, суммаси, энг кўп экспорт ёки импорт қилинган маҳсулотлар ҳажми ёки миқдори ва шу каби ахборотлар бўлиши мумкин.

Келишув нафақат муносабатларга киришувчи давлатларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларида у ёки бу мажбуриятларни бажаришни, балки аҳдлашувчи томонларнинг халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга аъзо бўлиш ва иштирок этишига доир, шунингдек шартномаларни тузиш ва музокаралар олиб

боришга бағишланган масалаларда ҳам муайян шартларга амал қилишлари лозимлигини назарда тутди.

Мисол учун, аҳдлашувчи томонлар бир-бирларига халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга аъзо бўлиш ҳамда иштирок этишни кўзлайдиган шартномаларни имзолаш, музокаралар олиб боришда ўзаро маслаҳатлашувларни амалга оширишни кўзлайди, мазкур аъзоликка қабул қилиниш позициялари ва халқаро ташкилотларнинг ташқи иқтисодий фаолиятга доир тамойиллар ҳамда ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш жараёнида бир аҳдлашувчи томон бошқа томоннинг розилиги ва маслаҳатлашуви асосида ҳаракат қилишини аниқлатади. Халқаро иқтисодий ташкилотлар ва банклар билан шартномавий муносабатларга киришганда ўзаро кўмак олиш имкониятини назарда тутди.

Бундан кўзланган асосий мақсад шундан иборатки, аҳдлашган мамлакатларнинг турли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга аъзоликка қабул қилиниши, муайян мажбуриятларни олиши – мазкур давлатнинг бошқа ҳамкорлари манфаатларига зарар етказмаслик ёки зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқармасликдир.

Шунингдек, аҳдлашувчи томонлар ўзаро манфаатларни ифода этадиган, чегара ҳудудларида эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва концессия шартномалари тузишда хорижий инвестициялар ва займларни жалб этиш ҳамда жойлаштиришда ҳам ўзаро маслаҳатлашувлар олиб бориш мажбуриятини оладилар.

Аҳдлашувчи томонлардан бири иккинчи мамлакат муайян товарга нисбатан тариф (ёки нотариф) тартибга солишни амалга ошираётган бўлса, ушбу товарни реэкспорт қилишни амалга ошира олмайди.

Мазкур турдаги товарларни реэкспорт қилиш давлатнинг махсус ваколатли органи томонидан ва унинг ёзма розилиги билан қатъий белгиланган шартлар асосида амалга оширилиши қайд этилади. Мазкур келишув талабларини бузган ва манфаатлари бузилган деб ҳисобланган томон ҳаттоки ўз давлати ҳудудига товарлар олиб киришни реэкспорт қилишни санкцияланмайдиган тартибини жорий қилиши мумкин.

Аҳдлашувчи томонлар товарларнинг ижтимоий ҳолатини белгилайдиган нормаларни унификациялаш чораларини кўриши лозим бўлади.

Ҳар бир аҳдлашувчи тараф бошқа тарафнинг экспорт ва импорт юқларини келишилган божхона қоидалари ва талабларига биноан, шунингдек ҳар бир аҳдлашувчи мамлакатнинг транспорт-экспедиторлик хизмати кўрсатиш жараёнида ўз миллий хўжалик юритувчи субъектига яратилган, миллий режимда тадбиқ этиладиганидан кам бўлмаган шароитларни яратиш мажбуриятини олади.

Аҳдлашувчи томонларнинг ўзаро бир-бирларига тақдим қилган афзаллик ва имтиёзларга бўлган ҳуқуқлари учинчи мамлакатга ҳам айнан шундай имконият бериш муқаррарлигига асос бўлмайди.

Шундай қилиб, ҳукуматлараро келишувлар асосида тузилган битимлар томонлар учун маълум ҳуқуқий оқибатлар туғдирилишига олиб келади. Келишув давлатлар муносабатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади. Томонлар ўртасида шартнома тузилгандан кейин, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари улар тузган шартнома асосида юзага келади. Шартнома асосида бир-бирлари билан алоқадор бўлган бир неча шахсларнинг юридик жиҳатдан

мажбуриятлари белгиланади [8]. Бунда ҳар бир томон юридик жиҳатдан мустақил ҳисобланади. Шунингдек, шартнома юзасидан томонларнинг мажбуриятларини бажаришлари ҳуқуматларaro келишувнинг мазмунидан келиб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш жараёнида икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиши мамлакатнинг мазкур соҳадаги ислохотларни рўёбга чиқариш воситаси ҳисобланади. Минтақавий келишувларга эришиш мазкур соҳадаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини келгилаб, унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб беради. Бу борада куйидагиларни қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг асосий мақсади куйидагилар:

– ташқи иқтисодий алоқаларни орқали Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётини юксалтиришга эришиш;

– лицензия ва панетнларни қўлга киритиш, янги технологияларни, сифатли хом ашё ва маҳсулотларни сотиб олиш орқали меҳнат қилиш ва миллий маҳсулотларнинг самарадорлигини ошириш ва бу билан миллий ишлаб чиқарувчиларни халқаро майдонда рақобатбардошлигини таъминлаш;

– Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг жаҳон бозорида фаолият олиб бориши учун ташкилий, молиявий ва ахборот соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун шароит яратиш;

– Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятида миллий манфаатларини ва ички бозорни ҳимоя қилиш;

– турли хорижий жавлатлар ва ташкилотлар билан ўзаро қулайлик яратувчи режимларни вужудга келтириш ва қўллаб қувватлаш.

Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда куйидаги асосий тамойилларга асосланади:

– ҳуқуқни ўзаролик асосида қўллашнинг миллий манфаатларни рўёбга чиқаришдаги устуворлиги;

– ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги сиёсатининг миллий иқтисодий сиёсат билан бирлиги;

ТИФнинг давлат ва нодавлат тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тизимининг ягоналиги;

– ТИФ амалга оширишда Ўз.Р ва маъмурий ҳудудий бирликларларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилганлиги

– ТИФни тартибга солиш механизмини босқичма-боқич марказлаштирилган маъмурий бошқарув усулидан иқтисодий усулларга ўзгартириш;

– ТИФ қатнашчиларининг ўзаро тенглиги таъминланганлиги.

Адабиётлар рўйхати:

1. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг айрим масалалари, Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2012 йил 4-сон.

2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 24-сон, 313-модда.

3. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами, 2013 й., 3-4-сон.

4. Электрон манба:
http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=2699491.

5. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2005. № 2-4. – Б.150-152.

6. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами.- Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2005. № 2-4. – Б.207-208.

7. МДХ давлатлари томонидан 1992 йил 15 майда имзоланган “Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”ги Келишув.
http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2744868

8. Roger Le Roy Miller, Kenncth A. Bums-Business Law and taxe Tohn Willey and sons.1984. –P.7-8.

Ю.Носиров
ТДЮУ ўқитувчиси, адвокат

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ ТАЖРИБАСИ

Аннотация: Мақолада электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, уларнинг ижобий жиҳатлари ёритилган. Муаллиф томонидан бир қатор мамлакатларнинг, хусусан Европа Иттифоқи доирасидаги ижобий тажрибани имплементация қилиш бўйича хулосалар келтирилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, электрон рақамли имзо, электрон савдо, электрон битим.

Аннотация: в статье проводится анализ правового регулирования электронной коммерции в некоторых зарубежных странах, освещается положительный опыт. Автором приводятся выводы по имплементации положительного зарубежного опыта, в частности опыта Европейского Союза.

Ключевые слова: электронная коммерция, электронная цифровая подпись, электронная торговля, электронная сделка.

Annotation: in article the analysis of legal regulation of electronic commerce in some foreign countries are carried out, positive experience is lit. The author gives conclusions on implementation of positive foreign experience, in particular experience of the European Union.

Key words: electronic commerce, digital signature, electronic trading, electronic transaction.

Электрон тижорат соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш шу даражада муҳим деб қараладики, ушбу масала юзасидан тақлифларни халқаро ташкилотлар билан бир қаторда, айрим давлатлар ҳам киритади. Масалан, 1999 йилда ИХРТ рақамли коммуникация ва электрон тижоратни тартибга солишга қаратилган амалдаги ёки тақлиф қилинаётган миллий ва халқаро ҳужжатларнинг муфассал шарҳини эълон қилди [5].

Бу борада миллий қонунчиликини бир хиллаштиришга уринишлар ҳозирча кутилган натижаларни бераётгани йўқ. 1996 йилги Намунавий қонун асосида миллий ҳужжатларни қабул қилган давлатлар сони бармоқ билан санарли. Боз устига, бундай миллий ҳужжатларнинг айрим нормалари, биринчидан, баъзан 1996 йилги Намунавий қонун қоидаларидан сезиларли даражада фарқ қилади, иккинчидан, ёзма шаклдаги ҳужжатлардан фойдаланишни амр этадиган ёки ҳужжатда имзонинг зарурлигини кўрсатадиган халқаро битимлар билан тўқнашиши мумкин.

Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, ўттиздан зиёд шундай халқаро шартномалар мавжуд [3]. Уларда иштирок этувчи давлатлар учун мазкур шартномаларнинг ёзма шаклга тегишли амрномалари миллий қонунчилик кўрсатмаларига нисбатан устунликка эга бўлади. Шу маънода давлат ички ҳужжатларини 1996 йилги Намунавий қонун асосида ўзгартириш вазиятни кам ўзгартиради, зеро бунда тегишли халқаро мажбуриятларга дахл этилмайди.

Халқаро ҳуқуқ билан бир қаторда, айрим мамлакатларнинг миллий қонунчилиги ҳам фаол ривожланмоқда. Улар Интернет соҳасидаги фаолиятни

тартибга солувчи турли қонунларни қабул қилганлар. Бу борада Америка Қўшма Штатлари айниқса самарали иш олиб бормоқда. Бу ерда Интернет соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш бўйича федерал қонунлар қабул қилинган.

Шуни қайд этиш лозимки, дастлабки электрон тижорат тизимлари ўтган асрнинг олтинчи йилларида айнан шу мамлакатда пайдо бўлган. Улар асосан транспорт компаниялари томонидан чипталарни буюртма қилиш, шунингдек рейсларни тайёрлаш пайтида турли хизматлар ўртасида маълумотлар айирбошлаш учун қўлланилган. Ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларида кичик корхоналарнинг 64% ўз интерфаол сайтини ишлаб чиқувчиси ҳисобланади ва аксарият компаниялар мазкур жараёнга қўшилишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, ушбу соҳа икки миллиондан зиёд америкаликларни иш ўринлари билан таъминлади. Янги иш ўринлари биринчи навбатда дастурчилар ва сервис-провайдерлар сингари ихтисосликлар ҳисобига яратилмоқда.

Аммо бу давлатда электрон тижоратни ривожлантириш борасида муайян муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, Америка Қўшма Штатлари Федерал савдо комиссияси айрим штатларда қабул қилинган қонунлар электрон тижоратни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини қайд этди. Гап шундаки, АҚШ штатларининг аксариятида фақат классик компанияларни Интернетга уланишдан ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар белгиланган.

Бу ерда гап электрон бизнесни одатдаги компаниялар билан рақобатлашиш қобилиятидан маҳрум этадиган қонун ҳужжатлари ҳақида боради. Айрим штатларда, масалан, муайян товарларни Интернет орқали сотиш тақиқланган (хусусан, автомобиллар, кўчмас мулк ва ҳоказоларни). Бундан ташқари, қонунлар Интернет-компанияларга кредитлар бериш, дори-дармонларни сотиш, тиббий суғуртани расмийлаштириш, алкогольли ичимликлар билан савдо қилиш, ким ошди савдосини ташкил этишни тақиқлайди. Бундай ҳаракатлар натижасида истеъмолчилар ҳар йили миллиардлаб долларларни бой берадилар.

Англияда электрон тижорат Америка Қўшма Штатлари билан деярли бир вақтда вужудга келган. Аммо бу мамлакатда электрон тижоратнинг асосий қўлланиш соҳаси транспорт эмас, балки савдо бўлган. Бугунги кунда Буюк Британияда ўсиб бораётган ҳаёт стандартлари ва Интернет-хизматларнинг провайдерлари ўртасида кучли рақобат фойдаланувчилар сонининг жадал ўсишини таъминламоқда. Ҳозирги вақтда Интернет-банкларнинг хизматларидан инглизларнинг 10% дан зиёди фойдаланмоқда. Мамлакатда компьютер тижорати рекламаси юксак даражада, мазкур муаммо билан боғлиқ турли сўровлар, экспресс-тадқиқотлар ўтказилади.

Ахборот инфратузилмасини шакллантириш ва электрон тижоратни ривожлантиришда давлатнинг иштирокини Чехия, Польша, Венгрия, Сингапур, Болтвикбўйи мамлакатлари мисолида ҳам кузатиш мумкин. Бу давлатларда бизнесни ахборот борасида қўллаб-қувватлаш – рақобатни кучайтиришга қаратилган иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришнинг муҳим элементларидан бири. Жараённинг моҳияти миллий ахборот инфратузилмасининг мамлакат

иқтисодиёти билан уйғун алоқасини таъминлашдан иборат.

Шу маънода Эстония тажрибаси айниқса диққатга сазовор: бу ерда очик ва либерал иқтисодий сиёсат ҳамда тегишли қонунчилик иқтисодиётнинг жадал ривожланишига ва чет эл инвестициялари миқдори кўпайишига олиб келди. Натижада Эстонию аҳоли жон бошига нисбатан инвестициялар ҳажмига кўра Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари орасида (Венгрия ва Грециядан кейин) учинчи ўринни эгаллади. Эстониянинг БСТга аъзо бўлиши мамлакатга миллионлаб потенциал харидорлар мавжуд бўлган бозорга чиқишни таъминлади.

Ҳозирги вақтда Эстония Марказий ва Шарқий Европада Интернетдан фойдаланувчилар сонига кўра пешқадамлик қилаётир. Мамлакат ҳукумати ўз сиёсати ва инновацион ташаббуслари билан компанияларга ахборот технологиялари тармоғини жадал ўсаётган тармоқлардан бирига айлантиришга ёрдам бермоқда. Умумий инфратузилмадан ташқари, ҳукумат қонунчилик базасини ривожлантиришни кафолатламоқда. Рақамли имзоларни легаллаштириш тўғрисидаги янги қонун бу мамлакатда бизнесни олиб бориш усуллариини такомиллаштиришни давом эттиради.

Россияда Интернет тармоғининг жадал ривожланиши потенциал инвесторлар эътиборини ўзига тортмай қолмади. Уларга даромаддорлик ва ўз маблағларини қайтариш кафолатлари билан бир қаторда, ўз электрон бизнесини янада ривожлантириш учун шароитлар ҳам керак эди. Шу сабабли мазкур соҳада ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳалари парламент муҳокамасига киритилди. Уларнинг орасида "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Россия Федерациясининг Интернет тармоғини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш борасидаги давлат сиёсати тўғрисида", "Электрон савдо тўғрисида", "Электрон молиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида", "Электрон битимлар тўғрисида" ва бошқа бир қатор қонун лойиҳалари бор эди. Аммо мазкур қонун лойиҳаларининг аксарияти ханузгача қабул қилингани йўқ.

Ҳозирги вақтда Россияда электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги норматив ҳужжатлар билан амалга оширилади: "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги Қонун, "Ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун, Россия Федерацияси Президентининг "Шифрлаш воситаларини яратиш, ишлаб чиқариш, сотиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ахборотни шифрлаш соҳасида хизматлар кўрсатиш борасида қонунийликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони, Россия Федерацияси Ҳукуматининг "Айрим фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қарори, Россия Федерацияси Фуқаролик кодексининг битимларни тузишда электрон рақамли имзодан фойдаланиш тартибига оид нормалари ва ҳ.к. Россия Федерацияси Олий арбитраж судининг тушунтиришларига кўра, ҳужжатнинг юридик кучи электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда у иш бўйича далил сифатида эътироф этилиши, арбитраж суди томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Беларуснинг Интернет соҳасидаги қонунчилиги асосини "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги Қонун ташкил этади. Ушбу Қонун билан ҳужжатлаштирилган ахборотни шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнида юзага келувчи ҳуқуқий муносабатлар,

ахборот технологиялари, автоматлаштирилган ёки автоматик ахборот тизимлари ва тармоқларини яратиш масалалари тартибга солинади. Қонунда маълумотлар, ҳужжатлаштирилган ахборот, ахборот ресурси, ахборот тармоғи, ахборот маҳсули, ахборот хизматлари сингари тушунчаларга таъриф берилган.

АҚШда мазкур муносабатлар соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш икки йўналишда ривожланади [4].

Биринчи йўналиш электрон ҳужжатлардан исботлаш воситаси сифатида фойдаланиш ва уларга юридик куч бериш масалаларини тартибга солувчи қонунчилик нормаларини ривожлантиришни назарда тутди.

Штатларнинг намунавий қонунлар ишлаб чиқувчилар миллий уюшмаси ва Америка ҳуқуқ институти АҚШнинг Намунавий савдо кодекси (НСК)га киритиладиган тузатишлар мажмуини тайёрлайди. Тузатишлардан бирига мувофиқ кўрсатилган кодекснинг тегишли моддаларида электрон битимлардан фойдаланиш ва уларнинг мақомини қоғозда ифодаланган ҳужжатлар мақоми билан тенглаштириш мақсадида қуйидаги атамалар алмаштирилади: ҳужжатнинг "ёзма шакли" "ёзув"га ва "имзоланган" ҳужжат "идентификация қилинган" ҳужжатга. Намунавий савдо кодексида тузатишлар ҳали қабул қилинганча йўқ. Кодекснинг амалдаги таҳририга мувофиқ ҳужжатнинг "имзоси" деганда тараф ёзилганларни идентификация қилиш ниятида ифодалаган ёки қабул қилган ҳар қандай символ тушунилади. АҚШ суд амалиётига берилган шарҳларга кўра, имзо ҳужжатга имзо чекувчи шахснинг тўлиқ исм-шарифидан иборат бўлиши шарт эмас, бу ҳужжатнинг исталган жойида ифодаланган исм-шарифнинг бош ҳарфлари, ҳар қандай символ ёки идентификация рақами бўлиши мумкин. Аксарият ҳуқуқшунослар фикрига кўра, мавжуд атамаларни ўзгартиришнинг ҳожати йўқ. Масалан, "Клайберн Штатга қарши" иши бўйича чиқарилган суд қароридида шундай дейилади: "Ҳозирги "қоғозсиз" компьютер ахбороти жамиятида тегишли ҳуқуқ нормалари мавжуд эмаслиги туфайли, суд компьютер дискетаси амалдаги қонунчилик талқинидаги ёзма шакл талабларини қаноатлантирмаслигини аниқлашга қодир эмас" [1].

Иккинчи йўналиш штатлар қонунчилиги даражасида ривожланади ва электрон рақамли имзога доир нормаларни қабул қилишни ўз ичига олади. Бу нормалар имзонинг уни ҳимоя қилиш ва ҳужжатни имзоланган деб эътироф этиш имконини берувчи атрибутларини белгилайди. Калифорния ҳукумат кодексининг лойиҳасида [2] фуқаролар ва давлат органлари ўртасида тузилувчи шартномалар ҳақидаги бўлимда имзога қўйиладиган қуйидаги талаблар белгиланган:

- 1) имзо ундан фойдаланувчи шахс учун бетакрор бўлиши лозим;
- 2) имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун уни аслига солиштириш имконияти мавжуд бўлиши керак;
- 3) имзо чекиш фақат ундан фойдаланувчи шахснинг хоҳиш-иродасига кўра амалга оширилиши даркор;
- 4) имзо ўзи мустаҳкамлаётган ахборот билан шундай усулда боғланиши лозимки, ахборотни имзони бузмасдан ўзгартиришнинг иложи бўлмасин.

Айни шу қонун ҳужжати лойиҳасида шартномаларни ЭҲМ ёрдамида имзолаш усуллари ҳам кўрсатилган:

1) шартномани криптографик ҳимоя усулида имзолаш. Бунда имзодан фойдаланувчи шахс махсус дастурий-техника воситалари ёрдамида ҳужжатга фақат ўзига маълум бўлган рақамли кодни киритади;

2) биометрик усул. Бунда имзодан фойдаланувчи шахс уни ахборотни ўқийдиган, бироқ уни визуал акс эттирмайдиган махсус экранга график символ тарзида кўяди.

Электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солинишида Европа Иттифоқи давлатлари тажрибаси ижобий ҳисобланиб, бунда Европа Иттифоқи давлатлари ўртасида электрон тижоратни ҳуқуқий тартибга солиш моделининг ўзига хос хусусиятларига 1) электрон тижоратнинг ҳар хил жиҳатларини тартибга солишга қаратилган директиваларнинг амалга оширилишини баҳолашга қаратилган даврий таҳлилий маълумотномалар тайёрланиши; 2) электрон тижоратни амалга ошириш жараёнида электрон рақамли имзодан тармоқли фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги; 3) истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор қаратилиши; 4) электрон тижоратни солиққа тортилишида ҚҚС кенг қўлланилишини киритиш мумкин. Диссертация таҳлил қилинган ҳорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда, ЕИ тажрибаси миллий амалиётга жорий этилиши ижобий натижаларга олиб келиши кўрсатиб берилган. Бунда ЕИ каби Ўзбекистонда махсус Электрон тижорат департаменти ёки марказини ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб топилди. Бундай махсус ташкилотга Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат фаолиятини назорат қилиш ва ривожлантириш чораларини кўриш вазифаси юкланиши мақсадга мувофиқ. Шунингдек мазкур махсус орган электрон тижорат соҳасидаги мавжуд ҳолатни домий мониторингини амалга ошириши ва бу ҳақда таҳлилий маълумотномалар тайёрлаши, муаммоли ҳолатлар бўйича тушунтиришлар бериши мазкур соҳани амалий жиҳатдан ривожлантиришга ва ушбу соҳадаги қонун-ҳужжатлари ишлаш механизминини такомиллаштиришга хизмат қилган бўлар эди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Колумбия округига доир маълумотлар. 1993; 826 F.Supp. 955, 966.
2. Электрон манба: www.magnet.state.ma.us.
3. Подробный анализ юридических препятствий развитию электронной коммерции в международных документах, касающихся международной торговли, а также обзор замечаний международных организаций и правительств в связи с этим, представлены в ряде документов, подготовленных Секретариатом ЮНСИТРАЛ. (see: doc. UN - A/CN.9/WG.IV/WP.98. 17 July 2002, Doc. UN - A/CN.9/WG.IV/WP.98. Add.I-Add.4).
4. Ревина С.Ю. Становление и тенденции развития электронной коммерции: на примере США. Дис. ... канд. эконом. наук. –М., 2004.
5. Inventory of Approaches to Authentication and Certification in a Global Networked Society // Doc. OECD – DSTI/ICCP/REG(99)13/FINAL.

Ш.Хужаев,
Магистрант ТГЮУ

СОТРУДНИЧЕСТВО ГОСУДАРСТВ ПО ОКАЗАНИЮ ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ПРИ ИСПОЛНЕНИИ СУДЕБНЫХ РЕШЕНИЙ ПО МЕЖДУНАРОДНЫМ КОММЕРЧЕСКИМ СПОРАМ

Аннотация: Ушбу мақолада халқаро тижорат низолари бўйича суд қарорларини ижро этишда давлатларнинг ҳуқуқий ёрдами тушунчаси ва моҳияти ёритилган, халқаро ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий ёрдам, халқаро тижорат низолари, давлатлараро шартномалар, миллий қонунчилик, суд ҳужжатлари.

Аннотация: В данной статье были раскрыты понятие и сущность правовой помощи государств при исполнении судебных решений по международным коммерческим спорам, проанализированы нормы международных актов и законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: правовая помощь, международные коммерческие споры, межгосударственные договоры, национальное законодательство, судебные акты.

Annotation: In this article the concept and essence of a legal assistance of the states in case of execution of judgments on the international commercial disputes have been opened, regulations of the international acts and the legislation of the Republic of Uzbekistan are analysed.

Key words: legal assistance, international commercial disputes, interstate agreements, national legal system, judicial acts.

Проблема правовой регламентации международной правовой помощи реально стала решаться лишь со второй половины XIX века. С этого периода, вследствие широкой интеграции государств в сфере международного правового сотрудничества, международные правовые нормы постепенно стали трансформироваться в национальное законодательство многих государств. В нормах внутригосударственного законодательства стали устанавливаться и способы сношений государств по данным вопросам, и формы правовой помощи, и полномочия субъектов международной правовой помощи [1, 220-стр].

Сотрудничество государств по правовым отношениям и по взаимному оказанию правовой помощи является актуальным вопросом на сегодняшний день. Необходимость во взаимодействии государств по правовым вопросам можно назвать требованием времени, так как с каждым годом увеличивается объем общественных отношений, осложненных иностранным элементом.

В этой связи основным механизмом, как уже было отмечено выше, является правовая регламентация. Акты международных организаций, межгосударственные договоры и внутреннее законодательство Республики Узбекистан предусматривают оказание международной правовой помощи по гражданским, семейным и уголовным делам.

Республика Узбекистан заключила двусторонние договоры о правовой помощи по гражданским, семейным и другим частноправовым сферам с такими госу-

дарствами, как Турецкая Республика, Латвийская Республика, Грузия, Туркменистан, Кыргызская Республика, Литовская Республика, Республика Казахстан, Азербайджанская Республика, Китайская Народная Республика, Украина, Республика Индия, Чешская Республика, Республика Болгария, Республика Корея [7].

Немаловажным фактором в межгосударственном сотрудничестве является принцип взаимности. В этой связи стоит отметить назревшую необходимость по усовершенствованию и дальнейшему развитию данного принципа. В Республике Узбекистан в зависимости от вида судопроизводства различаются подходы к правовому сотрудничеству по принципу взаимности.

Так, Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 25.05.2012 г. N 06 «О некоторых вопросах международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства» в пункте 4 указывает: Следует иметь в виду, что по смыслу статьи 390 ГПК, статьи 592 УПК оказание правовой помощи в сфере гражданского и уголовного судопроизводства возможно и на основе принципа взаимности. Принцип взаимности может быть применен, в частности, при отсутствии международного договора Республики Узбекистан о правовой помощи с каким-либо иностранным государством [5].

В то же время Постановление Пленума Высшего Хозяйственного Суда Республики Узбекистан от 24.05.2013 г. N 248 «О некоторых вопросах применения законодательных актов при рассмотрении хозяйственными судами дел о признании и приведении в исполнение решения суда иностранного государства или арбитража, а также об исполнении поручения суда иностранного государства» в пункте 15 устанавливает: Дела о признании и приведении в исполнение решения суда иностранного государства рассматриваются хозяйственными судами на основании Киевского Соглашения, Минской Конвенции и международных договоров об оказании правовой помощи, заключенными между Республикой Узбекистан и иностранными государствами. При этом следует принимать во внимание, что Киевское Соглашение, Минская Конвенция и международные договоры Республики Узбекистан об оказании правовой помощи применяются к судебным актам государств, являющихся их участниками. Если ходатайство подано о признании и приведении в исполнение решения суда иностранного государства, не являющегося участником Киевского Соглашения или Минской Конвенции либо с которым Республика Узбекистан не заключила международный договор об оказании правовой помощи, то в принятии ходатайства отказывается применительно к пункту 1 статьи 117 ХПК. Если указанное обстоятельство будет установлено после принятия ходатайства к производству, то производство по делу прекращается применительно к пункту 1 статьи 86 ХПК [6]. Как мы можем отметить, в хозяйственном судопроизводстве реализация принципа взаимности между государствами отсутствует и признание решения иностранного суда и его принудительное исполнение возможно только в случае должной правовой регламентации. Исключение составляет пункт 16.7. указанного Постановления, в котором говорится, что если судебное поручение поступило из государства, с которым Республика Узбекистан не заключала договор об оказании взаимной правовой помощи, но оно является участником Гаагской Конвенции, поручение суда иностранного государства подлежит

принятию к рассмотрению, поскольку Гаагская Конвенция ратифицирована Постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 22 декабря 1995 года. Но, как уже было отмечено выше, Гаагской Конвенцией не разрешен вопрос признания и разрешения принудительного исполнения решений судов иностранных государств. В данном случае нормы Гаагской Конвенции распространяются только на оказание правовой помощи в части исполнения судебных поручений.

Интересным представляется и тот факт, что на судебные поручения иностранных государств распространяется принцип взаимности. Так, в Комментариях к Хозяйственному процессуальному кодексу указывается, что отклонение судебного поручения по нормативно не предусмотренным основаниям противоречит доминирующей практике международного общения, предполагающей соблюдение взаимной вежливости и осуждающей акты недружелюбия [3, 392-стр]. Но комментарии к законам и кодексам не имеют юридической силы, а сам кодекс не регламентирует данный вопрос.

На наш взгляд, правовая регламентация принципа взаимности в процессуальном законодательстве позволила бы достичь больших договоренностей с иностранными государствами. В данном случае речь не идет о безоговорочном исполнении всех иностранных судебных решений. Стоит лишь установить нормативно-правовую базу, способную урегулировать данные вопросы как при наличии письменных договоренностей между государствами, так и при их отсутствии.

Считаем целесообразным также внедрить в законодательство соответствующий терминологический ряд, давая дефиниции таким понятиям как иностранное судебное решение, признание, принудительное исполнение, процедуры для признания и исполнения. В качестве примера можно рассмотреть положения Конвенции о юрисдикции и приведении в исполнение судебных решений по гражданским и коммерческим делам от 1988 года, в которой устанавливается, что судебное решение, вынесенное в одном Договаривающемся государстве, признается в других Договаривающихся государствах, для чего не требуется какой-либо специальной процедуры [4].

Вместе с этим, самым главным вопросом является нормативно-правовое (международно-правовое) закрепление единого механизма по признанию и исполнению иностранного судебного решения. Проследив эволюцию международных норм, регулирующих данный институт, мы отмечали, что последним по времени принятия международным актом в этой сфере стала Луганская Конвенция 2007 года.

Луганская Конвенция о юрисдикции и приведении в исполнение судебных решений по гражданским и торговым делам представляет собой обширный договор, состоящий из 79 статей и включающий 3 протокола, а также 9 приложений. Она применяется к гражданским и торговым делам независимо от природы суда, их рассматривающего, однако она не распространяется на налоговые, таможенные и административные споры. В силу данной конвенции принципы установления судебной юрисдикции по международным частноправовым спорам получили еще более широкое распространение, так как помимо западноевропейских государств, не участвующих в ЕС, к Луганской конвенции могут присоединиться и страны Центральной и Восточной Европы [2].

Луганская Конвенция является открытой для присоединения и не ограничивается рамками европейско-

го региона. В этой связи считаем актуальным рассмотрение возможности присоединения к Конвенции не только Республики Узбекистан, но и всех стран-участниц СНГ, что способствовало бы дальнейшему развитию института признания и установлению единого механизма разрешения исполнения иностранных судебных решений. На сегодняшний день международное сообщество нуждается в функционировании универсального договора по вопросу признания и исполнения иностранных судебных решений. Если таким договором сможет стать Луганская Конвенция, это приведет к дальнейшему развитию межгосударственных отношений и значительно облегчит реализацию принципа судебной защиты.

Список литературы:

1. Григорьева О.Г. Теоретические основы международной правовой помощи по гражданским делам в юридической науке советского государства // *ВВ: Международное право*. 2013. – № 1. – С.215-306.
2. Ерпылева Н.Ю. Международное гражданско-процессуальное право: понятие, предмет и система // *ВВ: Международное право*. 2013. – № 4. http://e-notabene.ru/wl/article_10362.html
3. Комментарий к Хозяйственному процессуальному кодексу Республики Узбекистан // *Авт.коллектив: М.Э.Абдусаломов, М.К.Азимов, Х.Бурханходжаева и др.* – Ташкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 2001. – 480 с.
4. Конвенция о юрисдикции и приведении в исполнение судебных решений по гражданским и коммерческим делам, заключенной в Лугано 16 сентября 1988 года. <http://worldlaws.narod.ru/konvenc/00410.htm>
5. Постановление Пленума Верховного Суда Республики Узбекистан от 25.05.2012 г. N 06 «О некоторых вопросах международного сотрудничества в сфере гражданского и уголовного судопроизводства».
6. Постановление Пленума Высшего Хозяйственного Суда Республики Узбекистан от 24.05.2013 г. N 248 «О некоторых вопросах применения законодательных актов при рассмотрении хозяйственными судами дел о признании и приведении в исполнение решения суда иностранного государства или арбитража, а также об исполнении поручения суда иностранного государства».
7. <http://www.norma.uz>